



Йұлдош  
Солижонов

ЗУЛМАТДАН



НУР



ҚИДИРГАНЛАР

4428

83	НВВ
СИ	Современное
Знакомство	Чтение

200	ft	800

ВОЗВРАТИТЕ КНИГУ НЕ ПОЗЖЕ  
обозначенного здесь срока

*Йўлдош Солижонов*

# **ЗУЛМАТДАН НУР ҚИДИРГАНЛАР**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент-2007

83.3(5У)6

С77

«Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» фанидан ўқув қўлланмаси

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори, профессор **Б.И. Саримсоқов.**

Дақоризчилар:

**Д.Ҳ.Куронов, филология фанлари доктори.**

**А.Ғ.Сабирдинов, филология фанлари номзоди.**

Ушбу ўқув қўлланма Фаргона Давлат университети илмий  
кенгашининг 2007 йил 26 январдаги 5- йигилиши қарори билан нашрга  
тасвия этилган.

**Солижонов, Йўлдош.**

Зулматдан нур қидирганлар: [Ўқув  
қўл.]/ **Йўлдош Солижонов; Масъул  
муҳаррир **Б.И. Саримсоқов.** —Т.: Алишер  
Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти, 2007.- 78 б.**

**ББК 83.3(5У)бя7**

Мустақиллик фақат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимиздагина  
эмас, балки маънавий-маърифий, адабий-маданий соҳаларда хам  
иҷтимизизни англашга, миллий қадриятларимизни эозозлашга беқиёс  
имкониятлар яратди. Ҳалқимиз узоқ йиллар давомида ўзининг бой ва  
ранг-баранг ўтмишидан узокда яшашга мажбур бўлди. Беҳбудий, Авлоний,  
Йибрат, Сўфизода, Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, Чўлпон  
сингари ёруғ юлдузларимизнинг зиёсидан бебахра қолдик. Шукурки,  
истиқлол туфайли уларни танидик, қайта кашф этдик.

Қўлланма XX аср ўзбек адабиётининг пойдеворини тиклаган, миллий  
уйғониш даври ўзбек адабиётининг асосчилари ҳисобланган кўп қиррал  
ижодкорларнинг адабий қиёфаси билан таништириш йўлидаги интилиш  
натижаларидан биридир. Унда муаллиф Й.Солижоновнинг қарий 40 йил  
мобайнинда «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти», «Янги ўзбек  
адабиёти», «Адабий танқид тарихи», фанларидан олиб борган  
машғулотларида тўпланган тажрибалари, ўзига хос қарашлари  
умумлаштирилган. Қўлланма олий ўқув юртларининг филология  
фақультети талабалари, гуманитар йўналишга мослаштирилган  
коллежлар, академик лицейлар, умумтаълим мактабларининг ўқитувчи  
ҳамда ўқувчиларига, магистрлар, аспирантлар ҳамда адабиёт билан  
шуғулланувчи мутахассислар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-06-047-0

№ 330-7002 Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 й.

## **МУҚАДДИМА**

ХХ аср бошларини эндиғина отиб келаётган тонгта ўшшатгим келади. Бу фарахбахш тонг халқимизнинг мустамлака ва жаҳолат уйкусидан уйғониш жарабанини бошлаб берди. Бу мусаффо тонгда юртимиз гулшанининг сайроқи булбуллари уйғониш наволарини күйладилар. Булар Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Мұхаммадшариф Сўфизода, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқалар эдилар.

Бу давр адабиёти маърифатни тарғиб қила бошлади, маърифат эса истиқлол гояларини кўтариб чиқди. Истиқлол гоясининг кенг ёйилишидан, халқнинг миллий онги барваҳт уйғонишидан чўчиган ҳукмрон империя адабиёт аҳлини, маърифатпарвар зиёлиларни бирин-кетин йўқ қилишга киришди. Натижада миллий уйғониш босқичи охирига етмай қолди, халқ онгига пайдо бўла бошлаган уйғониш садолари ўрнини кўрқув пардаси, таҳлика сояси боса бошлади. Ё гунг, басир бўлиш керак эди ёки тоталитар тузумнинг ногораси оҳангига ўйнаш шарт эди.

Аксар зиёлиларимиз бундай кўникувчанлик билан келиша олмай, миллий қадриятларимизни, ўзлигимизни, тилимиз, динимизни асраб қолиш учун астойдил кураш бошладилар. Аммо улар бу қутлуғ ниятларига етолмай ярим йўлдаёқ қатағон қилиндилар. Биз ушбу қўлланмада таҳлил доирасига торган Ибрат, Беҳбудий, Авлоний, Сўфизода, Фитрат, Ҳамза, Қодирий, Чўлпон сингари адилларимиз миллатни маърифатли қилиш, жаҳолат ботқогидан қутқариб, тараққиёт осмонига кўтариш учун олиб борилган курашлари йўлида қурбон бўлдилар. Шунга қарамай, улар ўз даври маънавияти ва санъати осмонининг ёруғ юлдузларига айланиб, айни кунларда ҳам мустақил юртимиз осмонида мўлкўл нур сочиб, чарақлаб турибдилар. Эндиғи вазифа бу юлдузларнинг сўнмас нурларидан кўпроқ баҳраманд бўлиш, келажагимизни ёритиш, уларнинг илмий, адабий меросини чукур ўрганиш, кенг халқ оммаси орасида тарғиб этишдан иборат бўлмоғи лозим.

Юқорида номлари зикр этилган ижодкорларнинг қарийб барчаси кўп йиллар мобайнида ёш авлодга номаълум бўлиб келдилар. Тўғрироғи, уларнинг ижодий ва ижтимоий фаолиятлари қора бўёққа бўяб кўрсатилди. Эндиликда мустақил

мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида, лицейлар ва коллежларда, умумтаълим мактабларида зулматдан нур қидирган бу фидойи халқпарвар, миллатпарвар ижодкорлар ҳаёти, турли асарлари кенг кўламда ўрганилмоқда. Шукурки, кейинги йилларда Ўзбекистон Миллий университетининг бир гуруҳ олимлари томонидан «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» фанидан алоҳида дарсликнинг нашр этилиши бу борадаги мушкулимизни бироз енгиллаштириди. Жадидчилик ҳаракати ва адабиёти бўйича етук мутахассис, Ўзбекистон республикаси фан арбоби, профессор Бегали Қосимовнинг (Оллоҳ раҳмат қилин!) «Миллий уйғониш» номли монографияси яратилди. Шунга қарамай, ҳозирги талабаларнинг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиб, XX аср бошларида фаолият кўрсатган ижодкорларимиз ҳақида қанча кўп маълумот берсак, шунча яхши. Чунки дарслик ва монографиялар етарли миқдорда нашр этилмаганлигидан аввало, ҳамма ҳам сотиб олаётгани йўқ. Иккинчидан, узоқ вилоятларга етиб бормаяпти ҳам. Вақтли матбуотда босилган мақолалар ва илмий характердаги рисолалар тарқоқ ва ҳамма ҳам уларни тўплай олмайди. Шуларни назарда тутиб, асrimiz тонгининг порлоқ юлдузлари бўлмиш Ибрат, Беҳбудий, Авлоний, Сўфизода, Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода, Қодирий, Чўлпонларнинг ҳаёти, ижодий йўли тўғрисида ихчамроқ тарзда маълумот беришни лозим топдик.

Тўғри, биз қаламга олган санъаткорлардан кўпчилиги тўғрисида Озод Шарафиддинов, Б. Қосимов, Н. Каримов, У. Норматов, У.Долимов, С.Аҳмедов каби етук адабиётшуносларнинг алоҳида китоблари ҳам босилиб чиққан. Шунингдек, Беҳбудий, Авлонийларнинг 1, Ҳамзанинг 5, Фитратнинг 2, Чўлпоннинг 3 жилдлик асарлари нашр этилди. Булар орасида биргина Қодирийнинг 7 жилдга мўлжалланган асарларидан фақат биттаси чиққанича тўхтаб қолганлигини ҳисобга олмагандан катта адабиётлар заҳирасига ҳам эгамиз. Шунга қарамай, бу адиблар ижодини яхлит ҳолда ўрганиш нафақат уларнинг ўзига хослигини аниқлашга, айни чоғда ўтган асрнинг 40-йилларигача бўлган ижтимоий-маданий ва адабий жараённи ҳам чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Албатта, биз мазкур кўлланмада бу ижодкорларнинг таржимаи холини, ижодининг ҳамма қирраларини тўла таҳлил этишни зimmамизга ололмаймиз. Мақсадимиз — адабиёт билан қизиқувчи барча касб эгаларига, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг талабаларига, ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларга мазкур адибларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида энг муҳим маълумотларни бериш, кўпроқ

уларнинг университетлар, колледжлар, лицей ҳамда умумтаълим мактаблари дарсликларига киритилган асарларини таҳлил этишдан иборатdir. Агар ушбу қўлланмамиз адабиёт ихлосмандларининг кундалик амалий фаолиятида озми-кўпми асқотса, ўзимизни мақсадимизга етган деб ҳисоблаймиз. Ушбу уринишимиз натижалари, унда йўл қўйилган камчиликлар хусусида холисона фикр билдирган биродарларга олдиндан миннатдорчилик изҳор қиласман.

## **ИБРАТЛИ УМР САБОҚЛАРИ**

Дарс режаси:

1. Ибратнинг қисқача таржимаи ҳоли.
2. Шеърияти.
3. Илмий мероси.
4. «Фарғона тарихи» асарини ўрганиш.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ҳар бир иши, ҳатти-ҳаракати, кўзлаган мақсади ва уларни амалга оширишдаги кураш йўллари билан авлодларига яхшиликтан сабоқ берадилар. Бутун умрини ибратли ишларни амалга ошириб, ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам маърифатпарварлик, ҳам адабий-бадиий, ҳам илмий соҳаларда катта мерос қолдирган, тахаллуси фаолиятига пайваста бўлиб кетган Исҳоқхон тўра Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибрат ана шундай бобокалонларимиздан биридир. Бу тўрт йўналиш Ибратнинг амалий фаолиятида бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганилигини кўрамиз. Ёш бўлишига қарамай, кўп ўқиган, кўпни кўрган Исҳоқхон тўра ўз мамлакатидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни, халқининг турмуш тарзини чет эллардаги муҳит билан таққослаб, ўз юрти таназзулининг сабабларини излай бошлади. Халқининг ҳаётини яхшилаш учун аввало, унинг саводини чиқариш лозимлигини тушуниб етди. Бунинг учун янгича усуздаги мактабларни кўпроқ очиш, ёшларни тез ва мукаммал саводли қилиш йўлларини излаш, илм олишни омма ўртасида кенг тарғиб қилиш керак эди. Бу ниятни амалга ошириш учун дарсликлар, қўлланмалар ёзиш ва нашр этиш лозим. Фақат публицистик мақолалар орқалигина эмас, балки шеърлар, илмий рисолалар тайёрлаш билан ҳам халқ қалбига йўл топиш зарур. Бу истаклар охир-оқибат битта шахс фаолиятида бирлашди ва яхши натижалар берди. Аммо Ибрат бунга осонликча эришгани йўқ.

Ибрат 1862 йилда Наманган вилоятининг Тўракўрғон қишлоғида туғилган. Отаси Жунайдуллаҳўжа ўқимишли, қўли гул боғбон бўлиб, «Ходим» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзарди. Онаси Ҳурибиби эса ҳовлисида очган қизлар мактабида муаллимлик қилас, унинг ўкувчилари ўқиши ва ёзишни бошқалардан кўра эртароқ ўрганиб чиқишаради. Исҳоқхон тўра ҳам ўзи ёзганидек, «Маҳалла мактабида беш йилда уч агад муаллимда ўқуб, охири саводи(м) чиқмай» онасининг мактабида таълим олишга мажбур

бұлған. Үйда отасидан ҳуснихат сирларини ўрганди. Кейин Құқонга келиб, 1878—1886 йилларда Мұхаммад Сиддик Тунқатор мадрасасида ўқиди.

«Қүш уясида күрганини қиласы» деганларидек, Исҳоқхон күз очиб, оиласида китоб мутолааси ва ёзиш мащүни күрди. Шу бойс у ҳам бутун умрини маърифатга бағишилади. Мадрасаны тамомлаб келгандай иилиәк қишлоғида мактаб очиб, муаллимлик қила бошлади. Унинг нияти ҳам күп йиллар ўқиб етарли завод чиқаролмай, ҳам доимо «калтак, қамчи азоби» остида қийналаётган «бечора азиз фарзандларимизни» тезроқ ўқимишли қилиш эди. Эзгу ният билан бошланған бу сайын-харакат ўз самарасини бера бошлади. Ибрат ташкил этган «усули савтия» мактаби аҳоли ўртасида тез шұхрат топди, ўқувчилари күн сайн күпая бошлади. Бу албатта, эски мактабдорларга ёқмасди. Шунинг учун уни «коғирлар мактаби» деб зылон құлдилар ва ёпишга мұваффақ бўлдилар.

Маълумки, бизнинг маърифатпарвар зиёлиларимиз бундай нозик пайтларда душманларининг тұхмати асоссиз эканлиги ҳамда ўзларининг чин мусулмонлигини амалда исботлаш ниятида ҳаж сафарига жүнаганлар (Беҳбудий, Ҳамза, Сүфизода кабилар тақдирини эсланг). Исҳоқхон тұра ҳам аввало шу ниятда, қолаверса, онасининг илтимосига күра у кишини ҳам олиб, 1887 йили Маккан Мадинага йўл олади. Зиёрат амалга ошғандан сүнг йўл азобларига чидолмаган волидаси Жидда шаҳрида бандаликни бажо келтирди. Онасини шу ерга дағы этгач, Исҳоқхон тұра Шарқ мамлакатлари халқларининг ҳаёти, маданияти, таълим тизими билан танишиш мақсадида саёхатни давом эттиришга аҳд қиласы. Қарийб ўн йил мобайніда Рим, София, Истамбул, Афғонистон, Ҳиндистон мамлакатларида юрди. Шундан түрт йилини Ҳиндистоннинг йирик порт шаҳарлари бўлған Бомбей ва Калькуттада ўтказди. Бу ерда у ҳам ишлади, ҳам бир неча тилни ўрганди. Савдо-сотиқ гоят ривожланған бу шаҳарларда арабча, форсча, туркча, инглизча, рус ҳамда ҳинд-урду тилларини билувчиларга эҳтиёж катта эди. Унинг нияти бу тилларни ўрганиб, ҳам одамларнинг ҳожатини чиқариш, ҳам келажакда луғат тайёрлаш эди.

Замондоши Иброҳим Давроннинг ёзишича, «Исҳоқхон тұра жаноблари туркча, форсча, ҳиндча, русча лисон билиб, яна русча, французча, арманча ва бошқа хатлар ёзмоққа моҳир» одам бўлған эдилар. Бу билгандарини бошқаларга ҳам ўргатиш ниятида чет элдан қайтгач, Ибрат «Луғати сittat ал-сина» («Олти тилли луғат») номли

асарини яратди. Бу асар кўп югур-югурлардан кейин 1901 йили Тошкентдаги Ильин босмахонасида чоп этилади.

1907 йилда Ибрат яна қишлоғида «усули савтия» мактабини очди. Унга қишлоқ болаларини бепул қабул қилди. Муаллим ўз ўқувчилариға Саидрасул Азизийнинг «Устози аввал» дарслиги ҳамда ўзи томонидан тайёрланиб, нашр этилган «Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий», «Лугати ситта ал-сина» китоблари асосида дарс бера бошлади. Шунингдек, ўқувчиларга рус тилини ҳам ўргатиш мақсадида С.М.Граменицкийнинг «Книга для чтение», С.Орақуловнинг «Самоучитель русского языка для русско-мусульманских школ» сингари дарслик ва қўлланмаларидан ҳам унумли фойдаланди. Рус тилидан алоҳида ёлланган билимдон ўқитувчилар дарс берардилар. Шу билан бирга у ташкил этган синф хоналари ёруғлиги, кенглиги, парта, стол, стул, ёзув тахтаси (доска) мавжудлиги билан эски мактаблардан фарқ қиласади. Натижада Ибратнинг мактабига қизиқиш кучайди, ўқувчилар сони кун сайин кўпая бошлади.

Бундан ташқари Исҳоқхон тўра қишлоқ аҳлининг маданий турмуш тарзини яхшилаш ниятида ҳаммом қурдирди, «Исҳоқия кутубхонаси»ни очди, одамларнинг ҳордиқ чиқаришини кўзлаб «Исҳоқия боғи»ни ташкил қиласди, «Фотографияи Исҳоқия» ўз фаолиятини бошлади. Ибрат булар билангина қаноатланиб қолмади. Унинг асосий нияти ҳалқини маърифатли қилиш, унга дунёни танитиш, фан ва техника янгиликларидан хабардор қилиш эди. Шу ниятда бир неча марта Москва, Санкт-Петербург, Уфа, Қозон, Оренбург шаҳарларига бориб келди. Ҳар гал у кўплаб янги адабиётлар, фан ва техника қуролларини олиб келарди. 1907 йили Оренбургдан литографик машина сотиб олди ва 1908 йилда Тўрақўргон қишлоғида биринчи марта «Матбааи Исҳоқия» номли босмахонасини ишга туширди. Матбаанинг иши юришиб, буюртмалари қўпайгач, 1910 йилда Намангандаги шаҳрига кўчирилди. Ибрат босмахона имкониятларидан янада унумли фойдаланиш мақсадида «Ал-тижор ал-Наманганд» деб номланган газета чиқаришга ҳаракат бошлади. Аммо мустамлака ҳалқларининг саводли бўлишидан чўчиган чор ҳукумати ва маҳаллий зодагонлар газетага рухсат бермадилар. Шунга қарамай, Исҳоқхон Ибрат узлуксиз равишда турли йўллар ва усуслар билан саводсиз ҳалқининг кўзини очишга уринаверди. «Туркистон вилоятининг газети», «Садои Туркестон», «Садои Фарғона» газеталари, «Шўро», «Ойина» журналларида публицистик мақолалари билан қатнашди.

Таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, янгиликлар киритиш мақсадида Исломил Гаспирали, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний сингари даврининг йирик маърифатпарварлари билан ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлади.

Исҳоқхон Ибратнинг ҳёти ва ижоди бўйича катта тадқиқотлар олиб бориб, унинг асарларини қайта-қайта нашрга тайёрлаган адабиётшунос У.Долимовнинг ёзишича, «Ибрат ҳётининг сўнгти йиллари анча таҳликали ўтди. Биринчидан, қарилик. Иккинчидан, 1935 йилдан эътиборан у барча лавозимлардан четлатилган, қарилик нафақаси ҳам тайинланмаган эди. Бунинг устига ҳукумат маъмурияти унга ишончсизлик билан қарап эди.» Оқибат шу бўлдики, 75 ёшни қоралаган шоир ва олим 1937 йилнинг баҳорида қамоқца олинди. Ҳам кексалик, ҳам шахсни камситиш, ҳам қамоқхонанинг заҳ ва оғир шароити туфайли хасталаниб, икки ойга етмай оламдан ўтди. Бутун умрини ўзи севган халқини маърифатли қилишга бағищаган бу улуғ инсоннинг ўлими совет ҳукуматини заррача ҳам ташвишга солмади.

Исҳоқхон тўра Ибратдан авлодларига катта мерос қолди. Бу мероснинг асосий қисмини шеърлар, илмий ва тарихий асарлар ташкил этади. Замондошларининг гувоҳлик беришларича, у ўз шеърларини жамлаб девон ҳам тузган. «Аммо мазкур девон бизгача етиб келмаган» (У.Долимов). Аббосхон Исҳоқхон ўғли томонидан шоирнинг баёзи ҳам нашр этилган. Ҳар ҳолда шу баёз ва вақтли матбуотда босилган шеърларининг ўзи ҳам Ибратнинг анча сермаҳсул ва эҳтиросли ижодкор бўлганлигидан далолат беради. Шоирнинг лирик мероси фазал, мухаммас, мусаддас, мурабба, маснавий, рубойй, тўртлик сингари турли жанрлардан иборат бўлиб, уларда Ибрат замонасининг ҳар қандай долзарб воқеа-ҳодисасига муносабат билдирган. Бу жиҳатдан шоирнинг «Қалайсизлар?», «Бўлубдур» радибли фазаллари, «Шикояти замона» деб аталган маснавийси, «Қарз» номли мусаддаси фоятда ибратлидир. Уларнинг ҳар бири жамият ҳётида рўй бераётган маълум бир ижтимоий-сиёсий ҳодиса муносабати билан ёзилган ва шоирнинг чинакам халқпарварлиги, миллатпарварлиги, ҳамдардлиги акс этган. Масалан, қуйидаги газалида халқининг кун сайин оғирлашиб бораётган аҳволига ачиниб:

Тириклик заҳматидан ушбу кунлардан қалайсизлар?  
Бу тириклик йили буғдою унлардан қалайсизлар?

Ҳаммани қўймади ўз ҳолига, ташвишлар солди,  
Мушавваш айлаган бу аҳли дунлардан қалайсизлар?  
деб ҳол-аҳвол сўраса, бошқа бирида:  
Эй, даҳр эли, билинглар, турфа замон бўлубдур,  
Беандиша халойик феоли ямон бўлубдур.

Ушбу замон онлар топди ривож ямонлар,  
Йўқ эмди нуктадонлар, қандай замон бўлубдур?  
дэя ташвишга тушади.

15 банд 90 мисрадан иборат бўлган «Қарз» радифли мусаддаси эса муҳим ижтимоий-сиёсий воқеага бағишиланган. У шоирнинг жамиятга, мустамлакачилик сиёсатига исёни тарзида намоён бўлади. Қарз балосининг моҳияти тўғрисида Ибрат ўзининг «Фарғона тарихи» асарида шундай маълумот беради: «Фарғона деҳқонлари(нинг) аксарияти пахта зироати илан ривожланиб, пахта тижорати бошқа ишлардан ривожда бўлуб, мунинг фойдасига алданиб, зироати миллийлари буғдой, жувари, арпа экмоқ йўқ бўлуб, овқатга сарф бўла турган донларни экишларини эсларидан чиқариб, 1913 милодийда пахта зироати ва тижоратига уринган кишилар қарз дарёсига гарқ» бўлдилар.

Маълумки, рус ҳукумати XX аср бошларидан бошлаб Туркистонни асосан пахта етиширадиган ўлкага айлантиришига киришди. Пахта майдонлари йил сайин кенгайтирилиб, ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик кескин камайтирилди. Ҳукумат гўё пахта етиширувчи деҳқонларга фамхўрлик қилаётгандек кўриниш учун кредит бериб уларни рафбатлантиргандек иш тутди. Аммо бу кредит катта фойда фоизи ҳисобига берилгани ва пахта таннархини борган сари тушириб срzon баҳога харид қилиб ола бошлагани туфайли деҳқонлар қарзга ботдилар. Боз устига ғалла, гўшт, газлама, кийим-кечак, қанд маҳсулотларининг харид нархи 2,5 баравардан 4 бараваргача ошиб кетди. Ер солиги ҳам кўтарила бошлади. Бундай реал манзарадан қаттиқ ташвишга тушган Ибрат:

Фарғонада бу вақтда бекарз кимса йўқ,  
Минг сўм ақалли қарз бўлуб, бўлса қорни тўқ,  
Сарф-харожат айлаб ўзни айлади улук;  
Бечораларни қилгуси бордур чулук-чулук,  
Келди буларни(нг) бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом шоҳу гадо мубталойи қарз

дэя фарёд чекади. Сүнгги икки мисранинг ҳар байт охиридэгээ такорланиб келиши шоир қалбидаги исёнкорлик рухини тағин ҳам кучайтиради.

Ибрат «халқни зулматдан, мамлакатни қолоқликтан күтқарувчи бирдан-бир йўл илм-маърифатни эгаллаш»да деб билди ва бу фикрини амалда ишботлаш учун мактаб, босмахона, кутубхоналар очиш билан бир қаторда кўплаб илмий асарлар ҳам ёзиб, ўзи нашр қилиб, эл орасида тарқатди. Олим 45дан ортиқ публицистик мақолалар ёзди, шундан 35таси «Туркистон вилоятининг газети»да босилиб чиққан. Бу мақолалар асосан маърифатпарварлик мавзусида ва ўлкага кириб келаётган янгиликларни қўллаб-кувватлаш, тушуниш, ўрганиш ҳақида эди. Ибрат ҳаммаси бўлиб тарих ҳамда тилшуносликка оид 14 та илмий рисолалар яратди. Булар орасида «Лугати ситта ал-сина», «Жомеъ ул-хутут», «Мезон ул-замон», «Тарихи маданият», «Тарихи Фарғона» каби асарлари айниқса, машҳурдир.

Олимнинг арабча, форсча, ҳиндча, туркча, ўзбекча, русча сўзларни ўз ичига олган «Лугати ситта ал-сина» («Олги тилли лугат») асари тилшуносликда муҳим аҳамият касб этади. Чунки унда, биринчидан, муаллиф бу олти халқ тилининг мингдан ортиқ сўзларини таржима қилиб, сўзлашувга мос ибораларни танлаб олади; иккинчидан, мураккаблигига қарамай, ўрганувчига осон бўлсин учун русча сўзларни ҳам араб алифбосида ёzáди. Лугат ўз вақтида жуда катта қизиқиши уйғотди ва кўлёзма ҳолидаёқ кўпчилик томонидан кўчириб олиб фойдаланила бошланди. Лугат асосан ўзбек ўқувчиларига мўлжалланганилигидан унда дастлаб ўзбекча сўзлар берилади. Қаршисига унинг арабча, форсча, туркча, ҳиндча ва русча таржимаси келтирилади ҳамда қандай ёзилиши кўрсатилади. Лугат икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида сўзлар алифбо тарзида берилади ва ҳар қайси ҳарф учун алоҳида боблар ажратилади. Иккинчи қисмда муаллиф энг фаол сўзлардан ташкил топган қисқа ибораларни келтиради. Бу билан муаллиф сўзлашув нутқини осонлаштиришни кўзлаган. Лугатга энг кўп ишлатиладиган сўзлар танлаб олинган.

«Матбааи Исҳоқия» босмахонасида 1912 йили чоп этилган «Жоме ул-хутут» («Ёзувлар мажмуаси») номли асари Исҳоқхон Ибратнинг тилшунослик фанида янада чуқурроқ билимга эга эканлигини кўрсатувчи қимматли ёдгорликдир. Унда дунёдаги мавжуд ёзувлардан 41 хилининг пайдо бўлиш тарихи ва тараққиёти тўғрисида маълумот берилади. Шу билан бирга ҳар бир ёзувдаги

ҳуснихат шакллари ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, биргина араб ёзувиning сулс, тавқе, райхон, зулф, ҳумоюн, турра сингари ўнга яқин шакллари кўрсатилади, уларнинг ҳуснихат санъатига оид намуналари келтирилади. Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг ёзув ва тил ўрганишга қизиқишини кучайтиради.

Шунингдек, Ибрат ўзининг «Мезон ул-замон» («Замона ўлчови»), «Тарихи маданият» номли фалсафий асрларида адолат, ҳақиқат масалаларини ёритади, маданий турмушга эришиш йўлларини таклиф қиласди.

Исҳоқхон Ибрат қаламига мансуб «Фарғона тарихи» асари мамлакатимизнинг кечаги кунини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ёдгорликдир. Гарчи лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари дастурларига алоҳида ўрганиш учун киритилган бўлса-да, дарслик ва мажмуаларда бу асар тўғрисида жуда оз маълумот берилади ва ундан айрим парчаларгина тавсия этилади холос. Ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам уни тўла ўқиб ўрганиш имкониятига эга эмаслар. Ҳатто Ибрат, Ажзий, Сўфизода ҳаммуаллифлигида нашр қилинган «Танланган асрлар» мажмуасида ҳам «Фарғона тарихи» бирмунча қисқартириб берилган. Биргина «Мерос» туркумида «Камалак» нашриёти томонидан 1991 йили босиб чиқарилган китобда Абу Тоҳирхожанинг «Самария», Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳи» асрлари билан биргаликда Ибратнинг «Фарғона тарихи» ҳам тўла берилган. Бироқ бу китобни топиш ҳозир амри маҳол.

Ибратнинг бу асарни ёзишдан асосий муддаоси «Фарғонани бино қилганлар кимлигини билдурмак»дир. Шу мақсадда тарихчи олим «Шоҳнома», «Равзат ус-сафо», «Низом ут-тарих», «Тарихи Кутодғу», «Ажойиб ул-булдон», «Табақоти Тоҳирий», «Тарихи Табарий» сингари ўнлаб манбаларга мурожаат қиласди. Улардан Фарғонанинг пайдо бўлиши ва аталишига оид турли факт ҳамда рақамларни келтириб, «Фарғонани(нг) бино бўлганига икки минг беш юз йилларга яқин бўлса керакдур. Баҳарҳол бу Фарғона Кубод, Нўширвон, Афросиёб ва Искандарлардан қолғон эски шаҳарлиги маълум бўладур» деган хulosага келади. Муаллифнинг гувоҳлик беришича, «Фарғонага тарих (асарлари)да кўп сўзлар ёзилган экан. Бу жумладан тарихи «Мулҳақот ус-Суроҳ»да иборати арабий илан бу тариқа ёзилибдур: «Фарғона мамлакати ҳосилдор ва кенг диёр, боғлари неъматга тўла, қишлоқлари соз, ҳавоси тоза, мевалари баракали, мозорлари муқаддас бўлуб, унда тоғ бор» (бу иқтибос форс тилида келтирилган бўлиб, нашрга тайёрловчи М.Ҳасанов

томонидан таржима қилинган). Бу таърифни ўқитувчи Бобурнинг «Бобурнома»сига таққослаб тушунтираса, ўқувчиларнинг ўз юртига нисбатан меҳр-муҳаббати янада ортади.

«Фарғона тарихи» асарининг энг кўп саҳифалари Қўқон шаҳрининг бино бўлиши, ўрни, иқлими, хонликнинг дунёга келиши, унга боғлиқ Олтин бешик афсонасига бағишлиланган. Кейин ХУ111 аср ўрталаридан хонлик тахтига ўтирган Норбўтахондан бошлаб то Худоёрхоннинг сўнгги кунларигача таъриф-тавсиф қилинади. Маълумки, Олтин бешик воқеаси ХУ1 аср бошларида Бобур Мирзонинг ўз юртини тарк этиши билан боғланади. Олтин бешикдан тарқалган авлод икки асрдан кейин Қўқон хонлигини бошқаришга киришди. Бу ХУ111 аср бошларига тўғри келади. Қўқоннинг биринчи хони Шоҳруҳон бўлиб, унинг хонлик даври ҳижрий 1120-1133 йилларга (милодий 1708-1721) тўғри келади. Шоҳруҳон вафотидан сўнг унинг ўғиллари Абдураҳим (1721-1733), Абдукарим (1733-1741), неваралари Абдураҳмон, Эрдона, Бобобек кабилар бирин-кетин ёки бир-бирини тахтдан ағдариб, мамлакатни бошқарганлар. Охири ҳижрий 1178 (милодий 1765) йилда хонлик тахтига Абдукаримхоннинг невараси Норбўтахон ибн Абдураҳмон ўтириди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тарих фанлари доктори, профессор Ҳ.Бобобековнинг «Қўқон тарихи» китобида келтирилган рақамлар билан Ибрат асаридаги рақамлар орасида 6-7 йилдан фарқ бор ва бу табиий ҳолдир. Боиси ҳижрий рақамларни милодий санага айлантиришда ўз-ўзидан бир неча йиллик тафовут юзага келади. Аммо бу «Фарғона тарихи» асарининг аҳамиятини туширмайди. Муҳими, унда муаллиф ўнлаб тарихий асарлар, халқ орасида тарқалган ривоятлар, ҳикоятларни тўплаб, таққослаб, энг ишонарлиларини ўқувчиларга тақдим этган ва Фарғона аҳлигининг она юрти тарихини яхши билиб олишини осонлаштирган. Зоро, Ибрат таъкидлаганидек, ҳар қандай «киши(нинг) ўз муваттин (ватани бўлган, яшаб турган – Й.С.) ерини билмак»лиги чин фуқаролик бурчидир.

«Фарғона тарихи»ни ўқиган ўқувчи водийнинг ҳозирги Қува, Марғилон, Андижон, Намангандар сингари йирик шаҳарлари қаҷон пайдо бўлгани, қадимда қандай ном билан аталгани тўғрисида ҳам етарли маълумотларга эга бўлади. Шуниси борки, бу асардан фақат тарихий фактлар, рақамлар, воқеаларгина ўрин олган эмас, айни чоғда ундан адабиёт ва санъат, иқтисодий ҳаёт, ободончиликка оид маълумотларни ҳам олиш мумкин. Масалан,

Қўқон хони Амир Умархон даври ҳақида ёзар экан, Ибрат унинг даврида шаклланган адабий муҳит ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар беради. Ўша давр шоири Хотибининг Амир Умархон вафоти, унинг ўғли Муҳаммад Алихоннинг тахтга ўтиришига багишланган таърих шеърини тўла келтиради.

Асарда Бухоро амири Насруллохоннинг Қўқонни босиб олиши, Муҳаммад Алихон, онаси Нодира бегим, ўғиллари ва сарой аҳлини шафқатсиз равища қатли ом этиши, ўзаро урушларнинг оддий ҳалқ бошига келтираётган кулфатлари ҳам ўзининг реал ифодасини топган. Айниқса, бундай келишмовчиликлар рус босқини арафасида авжига чиқсанлигини ўқиган ўқувчи ўз юртининг тақдирига бениҳоя ачинади. Бундай оғир пайтларда аҳил бўлиб, қўлни қўлга берид, ўткинчи гина-кудуратларни унутиб, мансабу бойликни эмас, Ватан тақдирини ўйлаб курашга отланиш чинакам ҳалқпарвар зотнинг бурчи бўлиши лозимлигини англаб етади. Рус кўшинлари Қўқон хонлиги чегарасига таҳдид солиб турган хавфли лаҳзаларда бирлашиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, мададкор бўлиш ўрнига Худоёрхон тахтига таҳдид солиб, уни қувиб юбориш нақадар оғир кўргуликларга олиб келганлигини, инқирознинг туб илдизи ана шу келишмовчилик эканлигини тушуниб етади. Энг муҳими, рус солдатлари билан жанг манзаралари уруш иштирокчиларининг ўз оғзидан ёзиб олинган воқеалар билан тўлдирилиши асарнинг реалистик кучини янада оширади. Бу айниқса, Туркистон ўлкасининг Иқон, Чимканд мавзеларида рўй берган жанг тафсилотлари тасвирида яққол намоён бўлади.

Хуллас, Ибратнинг бу тарихий асари бугунги кунда ҳам мустақиллигимизни асраб қолиш ва янада мустаҳкамлаш вазифасига хизмат қилмоқда. Зеро, тарихчи олим ва маърифатпарвар шоир Исҳоқхон тўра Ибратнинг эзгу нияти ҳам шу эди.

#### Адабиётлар:

1. Б. Қосимов, У.Долимов. Маърифат даргалари. Т., 1994.
2. Б.Қосимов, Ш.Юсупов ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Дарслик. Т., «Маънавият», 2004.
3. Ибрат, Ажзий, Сўфизода. Танланган асарлар. Т., «Маънавият», 1999.
4. Ибрат. Фарғона тарихи (Мерос). Т., «Камалак», 1991.

## **«БОЛАЛАРНИ ИЛМСИЗ ҚҰЙМАНГ»**

Дарс режаси:

1. Маҳмудхұја Беҳбудийнинг ҳаёт йўли.
2. Маърифатпарварлик фаолияти.
3. «Падаркүш» драмаси таҳдили.

«Ўзбек миллий адабиётининг негиз тошини» (А.Саъдий) қўйғанлардан бири Маҳмудхұја Беҳбудий XIX аср охири, XX аср бошларида Туркистанда кенг қанот ёзган жадидчилик ҳаракатининг байроқдори ҳисобланади. Ўзбек публицистикаси, янги тизимдаги педагогикаси, айниқса, драматургия турининг тараққиётини Беҳбудий номисиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Беҳбудий ҳазратлари 1875 йилда ҳозирги Жиззах вилоятининг Зомин туманига қараашли Бахшишепа қишлоғида руҳоний оиласда туғилган. Отаси ўз даврининг ислом ҳуқуқшунослиги, дин тарихи бўйича йирик олимни бўлиб, умрининг охиригача Зомин ва унинг атрофидаги бир неча туманин ўз ичига олган катта ҳудудда муфтилик қилганлар, кўплаб китоблар яратганлар. Падари бузруквори 1894 йилда вафот этганларидан кейин муфтилик лавозимини ўғли Маҳмудхұја эгаллаган. Шунинг учун ҳам у кишининг муборак исмларига «Муфти» унвони қўшиб айтилади.

Саводхон, зиёли оиласда тарбия олган Маҳмудхұја аввал мактабда, сўнг мадрасада ўқиди. Ёшлигидан бошлаб араб, форс, турк тилларини пухта ўрганди. Беҳбудий ўзининг «доимо китоб мутолаа қиласиган киши ҳеч қачон жоҳил бўлмайди» деган сўзига қатъий амал қилди. Аввало, ўзи мадраса таълимига қўшимча равишда мустақил мутолаага берилди. Қолаверса, бутун онгли ҳаётини, фаолиятини, мақсади ва маблағини эл фарзандларини илмли қилишга сарфлади. 1900 йилдан бошлаб, Арабистон, Туркия, Миср сингари мамлакатларга саёҳатга чиқди, Маккай Мадинани зиёрат қилди. Русиянинг Петербург, Москва, Қозон, Оренбург каби йирик шаҳарларида ҳам бўлди. Қаерга бормасин, даставвал у ердаги мактабларда болаларнинг ўқиши, ўқитиш усуллари билан танишди, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини олиб келди.

Шундай қилиб, муфти Маҳмудхұја Беҳбудий халқ маорифининг чинакам жонкуяри, миллий қаҳрамонларидан бирига айланди. Саёҳатдан Самарқандга қайтгач, бу ерда «Усули савтия», «Усули жадидия» деб номланган янгича мактаблар очди. Татар

халқининг буюк марьифатпарвари Исмоил Гаспирали ишларини Туркистон ўлкасида биринчи бўлиб амалга оширди. Ўқувчилар саводхонлигини яхшилаш, ўқитиш самарадорлигини ошириш ниятида чет эллардан келтирилган дарслик ҳамда қўлланмалардан ташқари ўзи ҳам бир неча дарсликлар ёзди ва шахсий маблағи ҳисобига нашр эттирди. Муаллимнинг “Китоб ул-атфол” («Болалар китоби»), «Аҳоли географиясига кириш» («Мадхали жуғрофияйи умроний»), «Русиянинг қисқача географияси» («Мухтасари жуғрофияйи Руси») сингари дарсликлари ўз даврида жуда машҳур бўлди ва қайта-қайта нашр қилинди. Шу ерда ҳақли равища «ўз юрти тарихини, жойлашиш ўрнини яхши билган етук олим Беҳбудий нега Туркистон мамлакатининг географик жойлашуви, унинг иқлими, шароити тўғрисида эмас, Русия мамлакатининг географияси ҳақида дарслик яратди?» деган савол туғилиши табиий. Назаримда, Беҳбудий ҳазратлари Туркистон ёшлари ўз мамлакатини босиб олган Русия империясининг тарихи, географияси, шаҳарлари тўғрисида мукаммал билимга эга бўлишлари, ўша шаҳарларга бориб таълим олишлари, керак бўлганида ўша ерлик ёшлар билан унинг мамлакати тўғрисида тортишувга тайёр бўлишларини ният қилганлар. Чунки Беҳбудий умрининг охиригача ёшларни чет элларга бориб ўқиш, кўп тилларни ўрганишга даъват этиб келган. Маълумотларга қараганда, 1914 йилда Беҳбудий иккинчи марта яна Туркия ва Мисрга бориб, Самарқанд кутубхоналари ва мактаблари учун кўплаб китоблар олиб келган. Бундан ташқари, унинг ўзи дин тарихи ва назариясига оид талай илмий асарлар ҳам яратган.

Беҳбудий ҳазратлари халқнинг кўзини очишда матбуот билан театрнинг бекіёс ролига катта эътибор берганлар. Биринчи жаҳон уруши арафасида «Самарқанд» газетаси ҳамда «Ойина» журнали бевосита Беҳбудий томонидан нашр этила бошланган. Самарқандда театр труппалари ташкил этиш ва уларнинг репертуарларини маҳаллий муаллифларнинг пьесалари билан доимий таъминлаш борасида ҳам Беҳбудий домла кўп файрат кўрсатган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон мустақиллиги учун олиб борилган курашнинг байроқдори сифатида ҳам қадрлидир. У ижтимоий-сиёсий фаолиятининг илк босқичидан бошлаб озодлик учун астойдил курашди. Шу боисдан мамлакатда кўтарилган ҳар бир ҳаракатни хайриҳоҳлик билан кутиб олди. Унинг учун 1917 йилги февраль, сўнг октябрь ойида рўй берган тўнтаришлар шодлик олиб келди. Бу инқилобий ҳодисалар туфайли Туркистон чор

Русиясининг мустамлакачилик исканжасидан халос бўлади деб умид қилди. Лекин кейинги воқеалар алломанинг умидини пучга чиқарди. Шундан сўнг Беҳбудий мустақиллик йўлида амалий ишга кириши. 1917 йил апрель ойида Умумтуркистон мусулмонларининг 1-курултойини ташкил этди ва унда Туркистонни Русия таркибидан ажратиб олиб, мустақил давлат ташкил этиш талаби билан чиқди. Бундай қурултой ҳар икки ойда бир марта чақириб турилди ва ниятни амалга ошириш учун астойдил кураш олиб борилди. Ўша йилнинг ноябрь ойида ўтказилган 1У қурултойида эса Туркистон муҳторияти тузилди ва Беҳбудийнинг ўзи ҳукумат раҳбарлари таркибиға киритилди. 1918 йилда Самарқанд шаҳрида Беҳбудийнинг ташаббуси билан «Мусулмон ишчи ва деҳқонлари Шўроси» (пролетар ишчи ва деҳқонлари Советига қарши) ташкил этилди. Гарчи бу ташкилот фоят қисқа умр кечирган бўлса-да, меҳнаткаш омманинг талаб ва эҳтиёжларини адолатли қондириш борасида ўrnak кўrsатди.

Албатта, бундай жасоратли ҳаракатлар, ҳалқининг кўзини илм нури билан равшан қилишга интилишлар, мустақил Туркистон учун курашиш янги пролетар ҳукуматига ҳам, эски Бухоро амирлигига ҳам ёқмасди. Шунинг учун Беҳбудийдан кутииш йўллари изланди, ўйлаб топилди ва тезда ишга солинди. Шундай қилиб, истиқлолимиз байроқдори, ўзбек ҳалқининг жонкуяр фарзанди муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий 1919 йилда Қарши шаҳрида қўлга олиниб, ўлдириб юборилди. Унинг ўлими ҳақидаги хабар икки йилдан кейингина маълум бўлди. Чунки ўзбек зиёкорининг ўлими шу қадар пинҳона, шу қадар ниқобли бўлганки, икки йилгача сир очилмаган. 1920 йил сентябрдаги тўнтариш туфайли Бухоро амири таҳтдан ағдарилгач, қадим Бухоро юрти ҳам руслар қарамоғига ўтгандан кейингина бу ҳақда миш-миш тарқала бошланди. Назаримизда, бу миш-мишлар руслар томонидан атайлаб чиқарилганга ўхшайди. Бундан мақсад, аввало, зиёлиларнинг, қолаверса, оддий ҳалқининг Бухоро амирлигига қарши нафратини қўзғаш бўлган бўлса керак. Бу мақсад жуда силлиқлик билан амалга оширилди. 1922 йилга келиб, миш-мишлар «ҳақиқат»га айланди. Шу пайтгача биз Беҳбудий ўзининг икки шериги билан Бухоро амирининг маҳсус одамлари томонидан қўлга олиниб, Қарши беги Тоғайбек томонидан ўлдириб юборилган деган «кўрсатма»га ишониб келгандик. Мустақиллик йилларида Беҳбудий фаолияти билан жиддий шуғулланиш имконияти туғилиб,

ҳазратнинг ўлими тўғрисида янги далиллар топилмоқда ва эълон қилинмоқда.

Хўш, Беҳбудий ўз шериклари билан Самарқанддан қаёқса йўл олган? Мақсади нима эди? Бу ҳақда икки хил фикр айтилмоқда. Бири - учовлон Туркияга бориб, Туркистондаги воқеаларни у ердаги биродарларга айтиб беришмоқчи, янги шароитда келгуси ишларни қандай амалга ошириш режаларини келишиб олмоқчи бўлганлар. Иккинчиси - Туркистон тарихининг зукко билимдони ва 20-йиллар воқеаларининг тирик гувоҳи Заки Валидийнинг Ўзишича, Беҳбудий чамаси, 1919 йилда «Закаспийни эгаллаган инглизлар билан «Туркистон мусулмонлари ишчи ва деҳқонлар Шуроси» (Беҳбудийнинг ўзи ташкил этган ва раҳбарлик қилаётган) ономидан большевикларга қарши щартнома тузиш учун бораётган эди.» Мана шу далиллардан келиб чиқиб, Беҳбудийшунос олим Ҳалим Сайиднинг «Беҳбудийни қатл этган ким?» мақоласидаги («ЎЗАС», 1995 йил 6 январь) «миллатпарвар алломанинг ўлимига» кўпроқ большевиклар сабабчи бўлган деган фикрларига қўшилиш мумкин. Чунки четга бориб амалга оширмоқчи бўлган ҳар иккала мақсад ҳам Бухоро амиридан кўра кўпроқ большевиклар ҳукуматига маъқул тушмасди. Сабаби ҳар иккала тадбир ҳам даставвал совет ҳукуматига қарши қаратилган эди. Шу боисдан айтиш мумкинки, мабодо, Беҳбудий ўша пайтда ўлдирилмаганда ҳам машъум 30-йиллар қатағони тегирмонидан омон чиқмасди. Буни совет ҳукуматининг ўзини оқлаш учун дастлаб Қарши шаҳрига Беҳбудий номини бериб, кўп ўтмай олиб ташлаши-ю, уни ҳалқ душманлари қаторига қўшиб қоралаши ҳам исботлаб турибди.

У ҳолда нега Беҳбудий ва унинг шериклари Бухоро амирлигига қарашли Қарши шаҳрида ўлдирилди? Совет ҳукумати ҳудудида ўқотилса бўлмасмиди? Кейинги изланишлар шуни аниқ кўрсатдики, совет ҳукумати ўзини илмпарвар, инсонпарвар, ҳалқпарвар қилиб кўрсатиш ниятида бу каби қабиҳ ишларни душманлари қўли билан бажариш соҳасида устаси фаранг бўлган. Мабодо, Беҳбудийлар шўролар ҳукуматига қарашли ҳудудда ўлдирилганида оммани Бухоро амирлигига қарши қайрай олмасди. Биламизки, совет КГБси душманлари орасида ҳам жуда яхши иш олиб борган.

**Зеҳбудий** (форсча: 1. Яхшилик, соғломлик; 2. Фойда, најот) жуда оз умр кўрди (атиги 44 йил). Аммо шу қисқагина умри мобайнинда катта хайрли ишларни амалга оширишга улгурди. Ҳам муаллим, ҳам ношир, ҳам театршунос, ҳам адаб, ҳам муфти, ҳам

сиёсий арбоб сифатида фаолият кўрсатди ва барча соҳада ўчмас из қолдирди.

Беҳбудийдан 200 дан зиёд илмий-публицистик мақолалар, 6 та дарслер, «Саёҳат хотиралари» китоби, «Васиятнома», «Падаркуш» номли пьеса мерос бўлиб қолди. Умид қиламизки, бу сермаҳсул адабнинг яна кўплаб асарлари топилади. Беҳбудийнинг «Васиятнома»си тадқиқотчи Ҳ. Саййиднинг аниқлашича, дастлаб «Меҳнаткашлар товуши» газетасининг 1921 йил 29 март, кейинроқ «Инқилоб» журналининг 1922 йил 1-сонида босилган. Ҳожи Муйин томонидан эълон қилинган бу «Васиятнома»дан мълум бўлишича, Беҳбудий ҳазратлари шундай даҳшатли дақиқаларда ҳам ўзининг тақдирли ҳақида эмас, балки келажак авлод тақдирли тўғрисида қайгуради: «Биз ўз тақдиримизни билиб турибмиз, хотиржам туриб охиратимизни кутмоқдамиз, жонимизни, ҳаётимизни халқимиз маърифати йўлига бағишлаганимиз билан таскин топмоқдамиз» дейди-да, шогирдларига шундай мурожаат қиласди:

«Эй Туркистон маорифи ишларида бўлғон ўртоқ ва ўғлонларим! Мен ўзим гарчи банди бўлсанм-да, сизларни эсимдан чиқармайман ва сизларга бироз васият қилиб ўтаман.

Сизларга васият қиласман: маориф йўлида ишлай турғон муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифга ёрдам этингиз! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз кўймангизлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Биздек маориф курбонларини йўқлангизлар! Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар! Мумкин қадар кўпроқ янги мактаблар очиш, шунингдек маориф ва халқ саодатини таъминлаш соҳасида тинмай ишлаш бизга энг яхши ҳайкал бўлади!»

Бошида қилич ўйнаб турганида Мирзо Улуғбек илму маърифатни ўлади; ҳасад ва иғво қурбони бўлиб, саройдан чиқиб кетаётганида Алишер Навоий келажакдан умидвор бўлди; кўз олдида жаллод пичоги қайралаётганида Беҳбудий ҳазратлари ҳам ўша улуғлар сингари авлодини илмсиз қолдирмасликни ўтинди. Бу ҳақиқий маънодаги жасорат бўлиб, у ибратга лойиқдир.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзбек драматургиясининг бошловчиси ҳисобланади. У 1911 йилда драматик турнинг биринчи намунаси бўлган «Падаркуш» драмасини яратди. Драманинг номланишидаёқ муаллиф ўзининг гоявий ниятларини ва асарнинг жанр хусусиятларини кўшимча иборалар орқали изоҳлаб беради. Пьеса адаб томонидан «Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли (Туркистон маишатидан олинган ибратнома)» деб номланади. Сўнг

драматург асарнинг жанрини 3 парда 4 манзарали, миллий биринчи фожиа сифатида белгилайди. Зеро, Беҳбудийнинг эътиқодича, Туркистон ёшларининг ўқимай, кайф-сафо ва майшатга берилиши юртнинг инқизоризидир, халқнинг фожиасидир. Шу боисдан Бой отани бутун Туркистон тимсолида, ўғли Тошмуродни эса унинг фожиасини тезлаштираётган ёш авлод вакили сифатида тасаввур этиш мумкин.

Драма дастлаб 1912 йилда «Турон» газетасида чоп этилган. Асар тўла маънода бутун халқни маърифатли бўлишга чақиради, ўз қурурини англашга, маориф ва маданиятни ривожлантиришга даъват этади. Албатта, бундай юксак foяли асарнинг дунёга келишига чор ҳукумати ҳам, Туркистоннинг мустабид амалдорлари ҳам тиш-тирноги билан қарши әдилар. Шунинг учун уни саҳналаштиришга қаттиқ тўскىнлик қилдилар. Цензура уни эълон қилишга мутлақо рухсат бермади. Халқининг кўзини очиш истаги билан ёнган оташнафас санъаткор эса бу қаршиликларни синдириш йўлларини излади.

Охири муаллиф драмани «Русиянинг француз истибодидан кутилиши ва машхур Бородино муҳрабаси (жанги) хотиралари юбилейига бағищлайман» деган иборалар билан «бойитиб», цензурадан ўtkазиб олишга муваффақ бўлди. Аслида бу драманинг foявий мазмунига Бородино жангининг мутлақо алоқаси йўқлигини хушёр ўқувчи сезади. Драматург шунчаки «ҳийлай шаръий» усулини қўллаган. Шундай қилиб, пьеса тез орада бутун Туркистонга машхур бўлиб кетди. 1913 йилдан бошлаб, Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Наманган шаҳарларидағи драмтруппалар томонидан саҳнага қўйилди. Ўша даврда чиқаётган газеталарнинг ёзишича, Самарқандда қўйилган тамошага «халқ ниҳоятда кўп келиб, билет етмагани ва жой йўқлиги учун уч-тўрт юз киши қайтиб ҳам кетди.»

Драмадаги Бой ва унинг ўғли Тошмурод образлари орқали жамиятда рўй берәётган ҳамма баҳтсизлик ва жамики иллатларнинг илдизи жоҳилликда, илмга, маърифатга лоқайд қарашдадир, демоқчи бўлади Беҳбудий. Бой ўзининг мол-дунёсига ишониб, илмни мутлақо менсимайди, ёлғиз ўғлини ўқитишини истамайди. Унинг фикрича, «дунёнинг сабаби, иззати бойликда»dir, шунинг учун ҳам «одамлар бойни муллодан зиёда иззат қиладилар, ҳатто мусулмонлар нари турсин, ўрис ва арманлар-да иззат қилурлар». Ўқиганларнинг эса ҳатто емакка нони ҳам йўқдир деб масхаралайди.

Тошмурод ҳам ана шундай руҳда тарбияланган. Унинг жоҳил, худбин, беадаб, меҳрсиз бўлиб ўсаётганилиги драманинг бошланишидаёқ билинади. У хонага кирап экан, на отасига, на меҳмон (Домулла)га салом беради. Беодобларча, дағаллик ва лоқайдлик билан томошага боришини айтиб, отасидан пул сўрайди, унга қўпол муомала қиласди, андишасизлик билан гапини қайтаради. Домулла билан отанинг сұхбатидан англашилишича, Тошмурод вояга етиб қолганлигига қарамай (15-17 ёшларда), на эски мактабда, на янги мактабда, на мадрасада ўқимайди. Отаси уни ўқитмоқни ўйлаб ҳам қўймайди, бойлигим ўзимга-да, ўғлимга-да етади, давримда ўйнаб олсин деб ўз ҳолига ташлаб қўйган. Бундан ҳавои бўлиб кетган Тошмурод бемаъни болаларга қўшилади, майшатта берилади. Охир-оқибат Бой ўз бепарволигининг жазосини торгади. Улфатлари билан галдаги тўпланишларида майшатига пул етмай қолгач, Тошмуродни масхаралаб фашига тегадилар, бойнинг ўели бўлатуриб пули йўқлигидан куладилар. Тошмурод отасидан пул олиб келиш учун «дўстлари»ни бошлаб уйига келади ва отасининг ухлаб ётганидан фойдаланиб, пулини ўғирламоқчи бўлади. Бироқ Бой уйғониб қолгач, уни пичоқлаб ўлдирадилар. Пулни олгач, ҳеч нарса кўрмагандек майхонада майшатни давом эттирадилар.

Драмада муаллифнинг foявий ниятларини ташувчи, ўзида маърифатпарварлик қиёфасини мужассамлаштирган образлар Домулла билан Зиёлидир. Уларнинг иккаласи ҳам мақсадларининг муштараклиги билан бир-бирига яқин, фикрлаш доираси жиҳатидан эса фарқланадилар. Домулла янги фикрли қишлоқ мулласи, илмнинг қадрига етган, ҳар бир одам учун «ўқумоқ қарз ҳам илм сабаби иззати дунё ва шарофати охират» деб билган кишидир. Унингча, бойвачча хат-саводли бўлса, шариат илми ва зарурати динияни билса бас, иш юритиш учун шунинг ўзи етарлидир. Туркистанда ўшлар ўқимаганлигидан кейинги пайтда барча савдо ишлари ажнабийлар қўлига ўтиб кетди, юрт харобаликка юз тутмоқда. Ўқимаган одам бундан кейин хору зор бўлади. Лекин Бой Домулланинг бу гапларини эламайди, уни назар-писанд қилмай уйидан ҳайдаб чиқаради.

Зиёлининг қарашлари ва фикри орқали Беҳбудий ўз foяларини кенгроқ ифодалайди. Муаллифнинг Зиёли тилидан таъкидлашича, «илму ҳунарсиз халқнинг бойлиги, ери ва асбоби кундан кун қўлидан кетгандек, ахлоқ ва обрўйи ҳам қўлдан чиқар, ҳатто дини ҳам заиф бўлур.» Бу фикрларнинг нечоғлик тўғри эканлигини бир

асрдан зиёд давом этган мустамлакачилик сиёсатининг оқибатлари исботлаб турибди. Зиёлининг фикрича, Туркистон халқининг рўшноликка эришмоғи, равнақ топмоги учун икки тоифадаги олимлар зарурдир. Домулланинг қараашларидан фарқли ўлароқ, Зиёли ҳар икки тоифадаги уламолар фақат ўз юртимизда ўқиш билангина чекланиб қолмай; чет элларда ҳам таълим олмоқлари шартдир дейди. Масалан, «олими диний», яъни диний йўналишдаги уламо аввало ўз юртимиздаги мадрасаларда ўқиб, араб, форс, турк ва ҳатто рус тилини ўрганиб, сўнгра Макка, Мадина, Миср, Истамбул каби улуф шаҳарларда «улуми диния»ни чуқур ўзлаштириб, комил мулло бўлиб етишмоқлари даркор.

Зиёли айниқса, иккинчи тоифа - «олими замоний»- замонавий йўналишдаги уламоларни етиштиришга алоҳида эотибор беради. Бу тоифадаги ёшлар даставвал, албатта, диний илмни эгаллаши, миллатимиз тарихини ва тилини мукаммал билиб олганларидан кейин ҳукumatнинг низомли мактаблари - гимназия ва шаҳар мактабларига кириб ўқишлари, уларни тамомлагач, Петерберг, Москвадорилфунунларига кириб, «духтурлик, қонунчилик, инженерлик, судялик, илми ҳикмат, муаллимлик» соҳаларини эгаллашлари лозимдир. Шу билангина кифояланиб қолмай, болаларимизни Фарангистон, Амриқо, Истамбул мамлакатларига юбориб ўқитмоғимиз зарур. Бу ишда шубҳасиз, саховатпеша бойларимиз ибрат кўрсатмоқлари керак.

Бой эса аллақачон мудрай бошлаган, ҳатто бир томонга оғиб хуррак ота бошлайди. Бу ғоят таъсиричан манзарадир. Беҳбудий айтмоқчики, Зиёли жон қўйдириб келажагимиз ҳақида қайтуряпти, у умид қылган бойлар эса гафлат уйқусида ётишибди. Шундан сўнг зиёли бойларимизнинг ҳоли шу бўлса, «Илоҳи худоё! Биз туркистонликларга раҳминг келсун!» деб йиғлаб чиқиб кетади. Драматургнинг маҳорати шундаки, у ўзи яратган образларнинг асар мазмунида тутган ўрнига қараб муносабат шаклини қўллади. Домулла Бойнинг ўз маҳалласидан, уни ҳар куни кўриб, гаплашиб юради. Шунинг учун уни назар-писанд қўлмайди ва тафт-тортмай уйидан ҳайдаб чиқаради. Зиёли эса бошқача одам, европача кийинган, қўлида асоси бор. Бой ҳар ҳолда ундан бироз тортинади, Зиёлинни хайдаб чиқара олмайди. Зерикканини, унинг гаплари еқмаётганини билдириш учун мудрай бошлайди.

Худди мана шу манзара драманинг финалига озуқа беради. Бой ўз фарзандининг тақдирига бепарволиги, лоқайдлигининг жазосини тортиади. Тўғри, драмада Бойни ўғли Тошмурод эмас,

уенинг улфати Тангриқул пичоқлайды. Аммо бу асарнинг «Падаркуш», яъни ота қотили деб аталишига халақит бермайды. Аксинча, бу ерда умумлашма хulosса кучаяди. Отанинг ўлимига (кенг маънода бутун Туркистоннинг инқирозига) ўғилдаги (умуман ёшлардаги) жоҳиллик, норасолик, илмсизлик, майшатбозлик, худбинлик сабабчи бўлади. Бундай кучли умумлашма хulosса драма охирида Зиёлининг куйидаги сўзлари орқали янада таъсирчан жаранглайди: «Бизларни хонавайрон, бачагирён ва беватану банди қилғон тарбиясизлик ва жаҳолатдур; беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақир ва зарурату хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликнинг меваси ва натижасидир.» Ҳа, улуғ аллома Беҳбудийнинг башорат қилишича, дунёга тараққий қилган халқ фақат илм воситаси билангина камолотга эришиши мумкин холос!

Миллий драматургиямизнинг биринчи намунаси бўлган «Падаркуш» XX аср ўзбек адабиёти тонгига ёруф юлдуз бўлиб, ўзидан сўнг адабиётга кириб келаётган ёш ижодкорларга нурли йўл очди. «Падаркуш» драмасидан кейин Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?», «Пинак», Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Бадрийнинг «Жувонмарг», «Ахмоқ», Ҳожи Муйиннинг «Кўкнори», «Эски мактаб - янги мактаб», Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» сингари ўнга яқин пьесалари дунёга келди ва ўзбек адабиётини бойитди.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Б. Қосимов. Миллий уйғониш. Тошкент, «Маънавият», 2002.
2. Б. Қосимов, Ш.Юсупов, У.Долимов ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Дарслик. Тошкент, «Маънавият», 2004.
3. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Тошкент, «Маънавият», 1999.

## **МИЛЛАТИНИГ РУҲИ**

Дарс режаси:

1. Абдулла Авлонийнинг қисқача таржимаи ҳоли.
2. Авлоний мероси.
3. «Туркӣ гулистон ёхуд ахлоқ» асарини ўрганиш.

Ҳозирги ўзбек адабиётининг шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшган XX аср уйғониш даврининг яловбардорларидан бири Абдулла Миравлон ўғли Авлоний 1878 йилнинг 12 июлида Тошкент шаҳрида тўқувчи оиласида туғилди. Ёшлиги ўзи дунёга келган Миробод маҳалласида ўтди. Дастлаб маҳалласидаги мактабда, сўнг мадрасада ўқиди. Араб, форс, татар, рус тилларини пухта ўрганди. XX аср бошларида кўплаб нашр этилиб тарқалаётган русча, татарча газеталар, журнallар ва китобларни қизиқиб мутолаа қилди. Бу пайтда Тошкентда ҳам маърифатпарварлик ҳаракати кенг тус олганди. Авлоний ана шу ҳаракатнинг ташаббускорларидан бири Сайдрасул Азизий билан яқинлашди. Унинг ёрдами ва маслаҳати билан Авлоний 1904 йили Миробод маҳалласида «усули савтия» мактабини очади. Абдулла Авлоний устози Азизий сингари халқни маърифатли қилиш ишига ҳам илмий, ҳам амалий томондан фаол ёндашди. Азизийнинг «Устози аввал», «Устози соний» дарслеклари таъсирида ўзининг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» номли дарслекларини ёзди. Улар устозининг дарслекларига фақат тақлид бўлиб қолмаганлигидан 1917 йилгacha ҳар бири уч-тўрт мартадан кўп нусхада қайта нашр этилган.

Абдулла Авлоний Тошкентда маърифатпарварлик фаолиятини кенгайтириш, янгича усулдаги мактабларни тағин ҳам кўпайтириш, ўқувчиларни дарслеклар, ўқув қуроллари билан таъминлашни ўйлга қўйиш мақсадида «Хайрия жамияти»ни ташкил этади. Унинг ёрдамида кўп савоб ишларни амалга оширди. Большевикларнинг қизил шиорларига чиппа-чин ишонган Авлоний Октябрь тўнтишини ғоят хушнудлик билан кутиб олди, унинг хизматига кириб астойдил ишлади. 1918 йилдаёқ большевиклар партияси сафига кирди, «Коммунистик партия манифести»ни биринчи бўлиб ўзбек тилига таржима қилди. Эски шаҳар партия кўмитасининг раиси, Туркбюронинг бўлим мудири, Афғонистондаги совет элчихонасида бош консул лавозимларида ишлади. Кейинги йилларда турли газета ва журнallарда муҳаррир, Ўрта Осиё

коммунистик университети ҳамда Ўрта Осиё Давлат университетларида профессор лавозимларида хизмат қилди. Қаерда, қандай вазифада ишламасин, социалистик жамиятнинг оташин тарғиботчиси, миллатининг руҳини янгилаш тарафдори, маорифда ислоҳ ўтказиш ташаббускори бўлиб майдонга чиқди.

Абдулла Авлоний 1934 йилнинг 25 августида касаллиги туфайли оламдан ўтди. Бироқ тоталитар совет тузуми ўзининг ана шундай садоқатли фуқаросини ҳам аяб ўтирумади, кейинроқ уни ҳам «халқ душмани», «миллатчи», «жадид»лар қаторига қўшиб қоралашдан тортинмади. Чунки Авлоний умри бўйи ҳалқини маърифатли қилиш учун курашган қатъиятли зиёли эди. У ҳам Азизий, Беҳбудий, Мунаввар қори сингари ўзбек миллый педагогикасининг тамал тошини қўйганлардан бири эди. Бундай одамнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаб, тарафини олса, совет ҳукумати ўзининг ички сиёсатига қарши иш тутган бўларди. Шу боис уни қоралашдан манфаатдор эди.

Авлоний домланинг фаолиятидаги энг муҳим, энг ибратли томонлардан бири шунда эдики, у Ватан муҳаббатини ҳалқи ва она тилига бўлган муҳаббат билан чамбарчас боғлиқ ҳолда улуғлади. Унинг таъкидлашича, Ватан туғилиб ўсан ерингдир, уни қадрлаш, жондан ортиқ севиш, яшартириш керак. Бу айни пайтда тилга, маданиятга, ҳалқقا, тарихга муҳаббат туйғуси билан ҳамоҳангдир. Ҳар бир инсоннинг туғилиб ўсан битта Ватани бўлганидек, «ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тили ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдир.»

Авлоний шоир сифатида ҳам ўз авлодига катта мерос қолдирди. Ўзининг шеърларига «Ҳижрон» деб тахаллус қўйган шоирнинг тўрт қисмдан иборат «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» номли мажмуаси 1901-1916 йиллар орасида бир неча марта нашр қилинган. Авлонийнинг поэтик мероси ишқий намуналардан холидир. Бу шоир ижодининг ўзига хос жиҳати бўлиб, кўпроқ ижтимоий муаммоларни, эл-юрт ғамини ифодалашни муҳимроқ деб билганилигидан, ҳалқ ва Ватан баҳтсизлиги, дарду ташвишлари олдида ҳар қандай шахсий муҳаббатни рад этганилигидан далолат беради. Шоир ўз ҳалқини тезроқ ҳожишлиқдан холос этишга, кўзини илм нури билан равшан қилишга чақиради, бир-бирига нисбатан «мехру шафқат ўрнига шахсий адноват» уруғларини сочувчи кимсаларни эзгуликка чорлайди. «Дунё фожиасиндан», «Таажжублик ҳоллар», «Фалакдан бир шикоят», «Аҳволи оламдан

бир намуна», «Фифони булбул», «Туркистон тупрофина хитоб» сингари кўпгина шеърларида Авлоний бева-бечораларнинг бу «оламни ўраб олган фавғо»лардан хору, фароғатдан бенасиб қолиб, азоб чекаётганликларини ифодалайди. Ўзининг на ўтмишини билмайдиган, на истиқболидан умиди бўлмаган миллатининг вужуди тобора торайиб бораётганлигидан жиддий ташвишга тушади ва унга шундай мурожаат қиласди:

Ётурсан тобакай фафлат кучофинда, ўён миллат,  
Жаҳолат жомасин устингдан иргит, тур, замон миллат,  
Кетиб ҳамроҳлар сан йўлда қолмоқдан ўтон, миллат,  
Тур, ўтмай вақт ноз уйқусидан кўбдур зиён миллат,  
Кўзунг оч, ётма, фафлатдан ўсон миллат, ўсон миллат,  
Топарсан бирла авлодинг омон миллат, омон миллат!

Абдулла Авлоний ўзбек маърифатпарварлик адабиётини «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Мактаб гулистони» каби дарсликлари, «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» номли тарбиявий асари билан ҳам бойитди. Умумтаълим мактаблари дастурига Авлонийнинг ушбу дарсликларидан намуналар, масаллари, юқори синфлар учун эса «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китобининг каттагина қисми киритилган. Адигнинг «Мактаб гулистони» дарслигидан ўрин олган масаллар барчаси рус масалнависи И.А.Криловдан таржима қилинган. Авлоний асарларидан киритилган намуналар орасида «Ёлғончи чўпон», «Тулки или Қарға» сингари катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳикоя-масаллари ёш авлодни миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Маълумки, «Ёлғончи чўпон» мазмунидаги ҳикоятлар халқ оғзаки ижодида ҳам, мумтоз адабиётимиз намуналарида ҳам учрайди. Ана шу барҳаёт анъаналарга замонавий ниyat билан ёндашган Авлонийнинг мақсади ростгўйлик дунёни тутиб турган устунлардан биридир, инсонни барча можарою балолардан кутқарувчи ягона йўл тўғри сўзлилиkdir деган фикрни сингдеришдан иборатдир. Шеърий ҳикоянинг (бу асар масал бўлолмайди) холосасида шоир ўқувчиларга шундай насиҳат қиласди:

Ўғлим, айтма ёлғон сўзни асло,  
Дўст тутмас ёлғончини Оллоҳ.

Бу ҳикоятни ўрганиш пайтида ўқитувчи унинг мазмунини тўлдириш учун адигнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асаридаги «Кизб» деб аталган бобига мурожаат қилиши мумкин. Унда Авлоний

«Кизб деб ёлғон сўзни айтилур. Ёлғончи кишиларни кazzоб дейилур» деб ёзади. Агар ёлғончилик иллати қонда бўлса, у оғир оқибатларга олиб келади, «...ёшлиқдан ёлғонга хўй қилгон ва ёлғондан лаззат олгон кишилар бировни алдамак гуноҳлигини билсалар ҳам «тарки одат - амри маҳол» мафхуминча (фаҳмланган, тушунилган) тилларини ёлғондан тиёлмаслар». Бу мисолдан кейин тилини ёлғондан тиёлмаган чўпоннинг қилмиши ва фожиаси янада равшанроқ аён бўлади.

Авлонийнинг «Тулки ила Қарға» асари масал жанрининг яхши намунаси бўла олади. Чунки масал жанридаги асарларда икки ва ундан зиёд персонаж қатнашади (бири муаллиф). Асарнинг баёни кинояга асосланган бўлади. Сиртдан қараганда, баён этилаётган ҳодиса икки қисмдан ташкил топгандек (кириш билан хulosса ва асосий воқеа) туйилса ҳам сюжети бир тутун асосига қурилади. Масалдаги персонажлар маъжозий характерга эга бўладилар. Таҳлил этилаётган масалда ҳикоячи-муаллифдан ташқари Тулки, Лайлак ва Қарға қатнашадилар. Айёр Тулкининг тузогига илинган Лайлакни ҳам, кейин ўзини ҳам Қарға аввало, билағонлиги ва тадбиркорлиги билан халос этади. Агар Қарға билимдон бўлмаганида Тулкига мени ейишдан олдин:

«Беватан, бегўру кафан Қарға,  
Лайлака яхшилик этан Қарға»

дея дуо ўқигин дермиди? Эътибор берилса, бу танланган байтдаги 8 та сўздан 7 тасида «а» унлиси ишлатилган, ҳаммаси бўлиб талаффузда ўн икки марта оғиз очилади ва Қарға рақиби Тулкининг тумшугидан озод бўлади. Қарғани тутқунликдан халос қилган ушбу байтда яна бир ҳикматли ибора бор. Бу «беватан» сўзицир. Илмизлик инсониятни беватану бекафанд қиласи деган фалсафий тушунча XX аср бошларида ижод қилган барча бобокалон жадид адилларимизнинг асосий гояси бўлиб, бу Беҳбудийда ҳам, Фитратда ҳам, Ҳамзада ҳам, Қодирийда ҳам, Сўфизодада ҳам кўп такрорланади.

Ўқитувчи ушбу асарни тушунтириш жараёнида Тулки, Лайлак, Қарға образларига алоҳида-алоҳида тўхталиши лозим. Тулки азалдан айёрлик ва лақмалик тимсоли бўлиб келган. Жуда кўп асарларда Тулки ўз макр-ҳийласи билан голиб чиқади. Авлоний томонидан таржима қилинган «Тулки ила Серка» масалида ҳам (И.А.Криловдан) ақли соқолидан калта бўлган Серка айёр Тулки қурган ҳийла тузогига илинади. Аммо Авлоний ўзининг «Тулки

ила Қарға» масалида ҳийлагар Тулкининг шармисор бўлишини кўрсатади. Чунки Қарға ундан кўра ақлли, фаросатли бўлиб чиқади.

Энди Қарға образини таҳлил этишда ҳам Авлонийнинг новаторлигига ургу бериш керак бўлади. Маълумки, Қарға халқ оғзаки поэтик ижодига оид асарларда ҳам, мумтоз адабиётимизда ҳам, ҳозирги адабий намуналарда ҳам анъанага кўра асосан балохўр, ҳар қандай ҳаром-хариш ишдан тафт тортмайдиган тимсол сифатида тасвирланиб келинган. Авлоний меросида ушбу асардан гашқари яна «Ақлли Қарға», «Қарға ила Загизон» сингари масаллар ҳам учрайди. Шуниси характерлики, уларда ҳам биринчи масалдаги сингари Қарға билимдон, тадбиркор персонаж қиёфасида намоён бўлади. Ўқитувчи улардаги воҳеани сўзлаб бериб, ўқувчиларга Қарға тимсолини қиёсан тушунтиурса, унинг моҳиятидан муаллиф кутган ният янада чуқурроқ ойдинлашади.

Абдулла Авлонийнинг таълимий-ахлоқий асарлари орасида «Туркӣ гулистон ёхуд ахлоқ» номли дидактик характердаги китоби алоҳида ўрин тутади. Бу асарида адаб инсонларни «яхшиликка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илм» ҳисобланган ахлоқ нормалари тўғрисида фикр юритади. Авлоний ўз асарини Саъдий анъаналаридан таъсиrlаниб яратганлигини унинг номланиши ҳам айтиб турибди. Агар устоз шайх Саъдий форсий «Гулистон»ни яратган бўлсалар, Авлоний «Туркӣ гулистон»дан гулдасталар тухфа этади. Китоб сўнггидағи «Бир-икки сўз» деб аталган хуносасида Авлонийнинг ўзи ҳам шунга ишора қиласи: «Туркистон мактабларида ўз шевамиизда (тилимизда) ёзилмиш муқаммал «Ахлоқ» китобининг йўқлиги афроди миллатнинг (миллат аҳлининг, кишиларининг) шундай бир асарга ташна ва муҳтоҷ эканлиги ўзум муаллимлар жумласидан ўлдигимдан манга ҳам очиқ маълум ўлди. Шунинг учун кўп вақтлар тажриба сўнггидан шайх Саъдий усулида ёзмоқни, гарчи оғир иш бўлса ҳам, ўзимга муқаддас бир вазифа адо қилароқ бу камчиликни орадан кўтармакни муносиб кўрдим.»

Асарда халқнинг тақдирига ачиниш, илмсизлик касофатида тобора кўпайиб бораётган иллатларнинг илдизига болта уриш истаги устун туради. Муаллиф бу иллатларнинг сабабларини ахтаради. Авлонийнинг таъкидлашича, уларнинг энг асосийси «биз, туркистонликлар, думба сотиб чандир чайнаймиз, қаймоқ бериб сут ошиймиз, нон ўрнига кесак тищлаймиз-у аммо болаларимизни ўқитишни, бундай эзгу ишларга пул сарфлашни

истамаслигимиздадир». Муаллиф шу ҳолда кетаверсак, асло биримиз икки бўлмайди деб афсус чекади.

«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» бошидан охиригача панд-насиҳатлар асосига курилган асардир. Унда инсоннинг кундалик турмушида бакор келадиган яхши ва панд берадиган ёмон хулқлар ҳақида батафсил ҳикоя қилинади. Авлоний учун бу фоний дунё гўё яхшилик билан ёмонликдан ташкил топган. Яхши фазилатларни эгаллаган инсон албатта, замонасининг етук кишиси бўла олади, ёмон хулқлар эса ҳётни таназзулга олиб боради. Китобдаги ҳар бир сабоқ ибратли ҳикоятлар билан бойитилади, ибратли ҳадислар ёки донишманд аждодларимиз меросидан олинган пурмаъно ҳикматлар билан исботланади. Китоб тўласича «Яхши хулқлар» ва «Ёмон хулқлар» деб номланган икки қисмдан ташкил топган бўлиб, уларнинг таърифидан иборатdir. Шу маънода асарнинг композицион курилиши ҳам ибратлиdir. У дастваб «Ахлоқ» ва «Тарбия» деб аталган боблардан ҳамда 31 хил «Яхши хулқлар», 20 хил «Ёмон хулқлар» деб аталган бўлимлардан ташкил топган. Ҳар бир боб охирида Авлоний қаламига мансуб улкан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бир неча байт шеърий парча берилади.

Асардаги ҳар бир дарс ўқувчига ибратли сабоқ беради. Ёзувчи қандай хулқ ҳақида сўзламасин, ўз қарашларини Суқрот, Аристотель, Луқмони ҳаким, Абу Али ибн Сино сингари улуғ алломаларнинг фикрлари билан бойитади. Шу фазилатларига кўра бу асар тўла маънодаги «Одобнома»dir. Шуниси борки, бўлимларда берилган хулоса байтлар Авлонийнинг нақадар билимдон бўлганлигидан, динимиз, маданиятимиз, ҳалқимиз тарихини чукур билганлигидан далолат беради. Ўқимишли мутахассис бу байтларнинг ҳар бир мисрасига ҳадислар маъноси, турли ривоятлар, ҳикоятлар мазмуни сингдириб юборилганлигини англаиди. Асарнинг тили ширин, тушунилиши осон, услуби енгил. Унда келтирилган турли хил мақол ва ҳикматли сўзлар, ихчам, таъсирчан иборалар асар услубини ўша даврда яратилган кўпчилик таълимий-ахлоқий асарлардан ажратиб туради.

Шу фазилатлари билан «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китоби асrimiz бошларида шаклланиб келаётган педагогик фикрнинг ривожланишигагина эмас, балки умуман, ўша давр ижтимоий-эстетик тафаккури тараққиётига ҳам сезиларли таъсир этди. Бундан ташқари А. Авлонийдан «Адвокатлик осонми?», «Пинак», «Биз ва сиз», «Португалия инқилоби» каби драмалар ҳам қолган. Бу саҳна асарларида муаллиф ўз замондошлари сингари даврининг долзарб

муаммолари - жоҳиллик, илмсизлик, маданиятсизлик, онгсизлик оқибатида рўёбга чиқаётган иллатларга қарши ўт очади. Масалан, мактаб ўқувчиларига мустақил ўқиш учун тавсия қилинган «Адвокатлик осонми?» драмасида Авлоний халқининг саводсиз, маданиятсиз бўлиб ҳақ-хукуқларини англамай қолаётганилигидан афсусланади. Асар қаҳрамони Давронбек рус шаҳарларида етти йил ўқиб, адвокат бўлиб келган. Унинг нияти «хукуқдан маҳрум, аҳволи оламдан хабарсиз» халқининг хукуқларини ҳимоя қилиш, кўзини очиш эди. Бироқ «халқ орасида илм ва маърифат чуқур томир ёйиб, маданият тараққий қилмагунча» Давронбекка ўхшаган бир-икки одамнинг сайъи-ҳаракати «ердан туриб юлдузларга қўл узатмоқча ўхшаш хаёлий нарса» бўлиб қолаверади. Муаллиф бунинг учун кўплашиб ҳаракат қилмоқ керак деган ғояни илгари суради.

Абдулла Авлонийнинг маърифий асарларида илгари сурган орзуниятлари бугун мустақил юртимиизда амалга ошаётганилиги қувончлидир. Авлонийнинг ишлари ҳам, ўзи ҳам ғоят қадрланмоқда. Республика ўқитувчилари малакасини ошириш институти, бир неча педагогика коллажлари, кўчалар маърифатпарвар аллома номи билан аталмоқда. Уларни кўриб миллатпарвар бобомизнинг руҳлари шод бўлса ажабмас.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Б. Қосимов, У. Долимов. Маърифат дарғалари. Т., «Ўқитувчи», 1990.
2. Б. Қосимов. Миллий уйғониш. Т., «Маънавият», 2002.
3. Б. Қосимов, Ш.Юсупов, У.Долимов ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Дарслик. Т., «Маънавият», 2004.
4. А.Авлоний. Тошкент тонгги. Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нацириёти, 1979.
5. А. Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., «Ўқитувчи», 1992.

## **БҮЮК ЭЪТИҚОД ТИМСОЛИ**

Дарс режаси:

1. Сўфизоданинг қисқача таржимаи ҳоли.
2. Маърифатпарварлик фаолияти.
3. Шоирнинг ҳажвий шеърлари.
4. Сўфизода ижодининг ўрганилиши.

Бошига ҳар қандай даҳшатли кунлар тушганда ҳам, йўлига улкан фовлар кўйилганда ҳам, эл ўртасида сазойи қилиниб камситилганда ҳам, юртидан кувғин қилинганида ҳам ўз мақсади ва маслаги йўлидаги курашдан қайтмаган ва келажак авлодлари учун буюк эътиқод тимсолига айланган ижодкорлардан бири Муҳаммадшариф Сўфизодадир. Унинг ҳаёт йўли ва фаолиятига назар ташлаб бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

«Сатира ва юморда тенги йўқ ва ўзига хос шоир» (А. Каҳҳор) бўлган Муҳаммадшариф Сўфизода ўзининг ёзишича, 1880 йили (29 январда) Чуст шаҳридаги Кўнчигарлик маҳалласида туғилган. «Отам ерсиз камбағал бўлиб, дехқончилик қилган.» Бу таржимаи ҳол Сўфизода томонидан 1921 йилда Иштирокиён (коммунистлар) партиясиға кириш учун ёзилган. Унда шоирнинг жуда эҳтиёткорлик ва хушёрлик билан фикр юритганини сезиш мумкин. Бу отаси Эгамберди сўфининг ҳунарманд-пичоқчи бўлганлигини яширганлигида, ўзининг эски мактабда ўқиб, унда етарли савод чиқара олмай, янгича руҳдаги уч ойлик курсда ўқиганлигини, инқилобдан кейин партия ва Шўролар ҳукуматининг «ҳар қандай бир эзгу хизмати бўлса» бажаришга тайёрлигини айтишида очиқ кўринади. Биз учун муҳими эса Сўфизода таваллуд топган йилнинг аниқ ҳужжат асосида исботланганидир. Бунгача шоирнинг туғилган санасини 1869 йил деб белгилаб келинарди.

Муҳаммадшариф дастлаб қўшниси Манзура отинбиби қўлида саводини чиқарди. Кейин маҳалласидаги мактабда ўқиди. 13-14 ёшлирида Кўқонга келиб мадрасада ўқишини давом эттириди. Унинг қадимдан хонлик пойтахти бўлган бу шаҳарда кечирган 5-6 йиллик умри ниҳоятда мазмунли ўтди. Чунки бу пайтда Кўқонда Муқимий, Фурқат, Завқий сингари таниқли шоирлар атрофида жўшқин адабий муҳит дунёга келган эди. Сўфизода ҳам ана шу муҳитда вояга етди. Илк ҳажвий шеърлари билан танишган Муқимий шоирга «Ваҳший» деб тахаллус кўйган экан. Чунки у ҳеч кимдан кўрқмас, аччиқ, заҳарханда сўзлар билан аниқ шахсларни танқид

остига олар экан. Шоирнинг шу тахаллус билан яратган «Айтинг бу сўзимни», «Даканинг», «Бедананг», «Бургалар», «Губор дарду алам», «Ўпай» сингари сатирик ва лирик шеърлари етиб келган.

Ўз қишлоғига қайтган маърифатпарвар шоир дарҳол янгича усулдаги мактабини очади ва унда дунёвий фанлардан ҳам сабоқ беради бошлади. Мұхаммадшариф жасур, тўғри сўз одам бўлиб, маҳаллий амалдорларни, ҷаласавод дин арбобларини очиқчасига танқид қилаверган. Натижада унинг душманлари кўпайган ва муаллим тез орада «коғир», «бадфеъл», «бадхулқ» деб айбланиб, қувғин остига олинган. Охири 1900 йилда Чустдан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Сўфизода Боку ва Тифлис орқали Туркия, Арабистон, Мексика, Ҳиндистон мамлакатларини кезиб чиқди. Бир муддат Туркияда яшаб Истамбул ислом университетига кириб таҳсил олди. Бироқ иқтисодий қийинчилик туфайли уни тугата олмади. Бу саёҳати давомида Сўфизода қаерда бўлмасин, биринчи галда таълим-тарбия сир-асрорларини ўрганди, маърифатпарвар алломалар билан ҳамсуҳбат бўлди.

1913 йилда хориждан Чустга қайтиб келган Сўфизода ўз фаолиятини яна янгича усулда мактаблар очиш билан бошлади. Бу сафар у ўзи очган «усули жадид» мактабининг пештоқига «Мен ул бўёқчиманки, мактаб хумида ранг берид, қора чаппаларни ўн икки ойда оқ қиладурман» деган шиор ёзиб кўяди. Чиндан ҳам унинг мактаби болаларни тез ўқиш ва ёзишга ўргатиши билан машҳур бўлиб кетди. Сўфизода ўз ўқувчиларига диний билим билан биргаликда она тили, адабиёт, география, тарих, математика каби дунёвий фанларни ҳам ўқита бошлаган. Бу мактаб ҳамма учун, айниқса, қашшоқ оиласларнинг болалари учун (чунки улар бепул ўқитилган) очиқ бўлган. Сўфизода бу мактаб билан қаноатланиб қолмай, Камарсада қишлоғида «Дорилайтом» («Етимлар уйи») ва катта ёшдагилар учун саводсизликни тутатувчи кечки курслар ҳам очади.

Лекин бу мактаблар ҳам жоҳил ҳукумат ва дин пешволари томонидан жуда тез ёпиб қўйилган. Бу сафар унинг рақиблари шоирни шармандаи-шармисор қилиб, она юритидан бутунлай маҳрум этмоқчи бўладилар. Сўфизодани динсиз, бадхулқ, бадфеъл деб айблайдилар, оёғидан аравага судратиб сазойи қилдирадилар. Жарчилар уни кўрсатиб туриб, уламоларнинг «Ваҳший учун баққол мол сотмасун, сартарош сочини олмасун, чойхона ва йиғинлар уни тагжойдан маҳрум қилсунлар!» деган фатвосини эълон қилиб борадилар. Бундай хўрликларга чидай олмаган Мұхаммадшариф

яна чет элга чиқиб кетишга мажбур бўлади. «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1914 йил 1 январь сонида «Чуст шаҳрида бир мулла шоир усули жадид мактаб очган экан. Чуст аҳолилари аниг ахлоқи бузук деб мактабни тарқатиб, ўзини Чустдан ҳайдаб юборган эканлар» деган хабар ҳам босилади. Орадан кўп ўтмай шу газетада Сўфизоданинг:

Муаллимни қувиб, мактабни ёпган чустилар бизлар,

Берид пора, приставларни топган чустилар бизлар  
сатрлари билан бошланган каттагина ҳажвий ғазали босилиб чиқади.  
Кучли киноя ва заҳарханда қочирилларга бой бўлган бу асарда  
шоир чустликларнинг жоҳиллигини фош этиш мисолида бутун  
Туркистон ўлкасининг оғир фожеий қиёфасини чизиб беради. Аҳвол  
шу йўсинда давом этадиган бўлса, тез орада «пулсиз камбагаллар  
қирқ ёшида (ҳам) бўйдок, Дағи бир чорасиз, ҳар ерда сарсон  
чустилар» бўлиб қолаверамиз. «Қаландархонамиз бор, такъямиз бор,  
бошқамиз ҳам бор, сонсиз мардикор бозоримиз обод», фақат  
болаларимизни ўқитишига мактаб йўқ, шунинг учун «Чопиқ  
чопмоқ, ўроқ ўрмоққа полвон» бўлиб ўсадилар, дея фарёд чекади.  
Кўринадики, Сўфизода мактаби ёпилиши баҳонасида масалага  
чукурроқ ёндашади, унинг қамровини кенгайтиради.

Сўфизода қанчалик камситилмасин, ҳақорат ва бўхтонга  
учрамасин, барибир, ўз йўлидан қайтмади. Чунки кўзлаган  
мақсадига етиши учун кўлида ҳеч ким тортиб ололмайдиган кучли  
куроли – қалами ва сўзи бор эди. Ана шу мўъжиза куролига ишонган  
шоир «ўзи танлаган йўлдан, ҳақиқатни халққа етказищдан иборат  
бўлган маслак-эътиқодидан қайтмади. Кўнглидагини очиқ айтди»  
(Б.Қосимов). Мана бу байтлар бунинг аниқ исботидир:

Кўб ёз, қаламим, сийнадаги оқ лабанимдан,

Қўшгил орага озгина дуди суханимдан.

Кетмас бу алам дарди равону баданимдан,

Ўлсам, дағи қалбимдаги хоку кафанимдан.

Қувди мани жоҳиллар ўшандоф Ватанимдан,

Лекин қува олмас суханимни даҳанимдан.

Ман тўғри сўзумни деюрман халқи Худоға,

Қалқон шу бошим миллат учун тири жафоға.

Қалб ишни кўюнг, деб яна қолдимми балоға?

Ҳеч йўқ тамаъим, ҳозир ўзум чуну чароға,

Қувди мани жоҳиллар ўшандоф Ватанимдан,

Лекин қува олмас суханимни даҳанимдан.

Шеърни охиригача мутолаа қилган ўқувчи шоирнинг она Ватанидан фақат мактаб очгани учун кувилмаганига, бунинг бошқа ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий, ҳатто шахсий адоватдан иборат сабаблари ҳам борлигига гувоҳ бўлади. Назаримизда, тўғри сўзини Оллоҳ бандаларига етказишдан қайтмаган, миллатнинг келажаги, унинг фарзандларини маърифатли қилиш ўйлида жонидан кечишга ҳам тайёр («Қалқон бу бошим миллат учун тири (ўқ) жафоға») бўлган шоир ўз давридаги қози, имом, ҳоким, приставларни аямасдан фош этган. Буни «Чуст қозиси Аббосхон Ҳожимуҳаммад ўғлига жавоб» шеъри ҳам исботлаб турибди.

Хуллас, ўз ютидан бадарга қилинган Муҳаммадшариф Эгамберди ўғли бу гал аввал Покистон ва Ҳиндистонда бир муддат яшагач, кейин Афғонистонга ўтади. Бу ерда тирикчилик ўтказиш учун турли ишлар билан шуғулланишдан ташқари ўзининг маънавий эҳтиёжини қондириш мақсадида мактаб очиб, болаларни ўқита бошлайди. Унинг бу мактаби ҳақидаги яхши гапларни эшитган ва «Сирож ул-ахбор» газетасида босилган илм-маърифат мавзусидаги уч-тўртта шеъларини ўқиган амир Ҳабибуллоҳон уни ҳузурига чақириб суҳбатлашади ва расман мактаб очишга рухсат беради. Шундан сўнг унинг обрўси янада ошиб кетади. Отаси ўрнига тахтга ўтирган амир Омонуллоҳон эса Муҳаммадшариф Сўфизодани маориф вазирлигига ишга олади. У вазир ўринbosари лавозимида ишлаб, Афғонистон мамлакатида таълим тизимини яхшилаш ва ривожлантириш соҳасида талай тадбирларни амалга оширади. Етук маърифатпарвар ва тўғрисўз шоир ўз ютида кўрмаган катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлади.

Тарихдан маълумки, Афғонистон мамлакати совет ҳукумати билан биринчи бўлиб дипломатик алоқалар ўрнатган. 1919 йилда Афғонистон ҳукумати делегацияси таркибида таржимон сифатида Тошкентга келган Муҳаммадшариф Сўфизода Шўроларнинг «халқпарварлик, миллатларнинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳал этиши, камбағалпарварлик, маърифатпарварлик» руҳидаги қип-қизил шиорларига ишониб, ютида қолишга қарор қиласди. Шу ниятда Афғон ҳукуматининг Тошкентдаги консули ҳузурига кириб, ўз ютида яшаш имкониятларидан маҳрум бўлиб, бошига оғир кунлар тушганида бошпана берган, иш билан таъминлаб яхши шароитлар яратиб берган Афғонистон давлатига, амир Омонуллоҳонга чексиз миннатдорчилик билдиради ва Ватанида қолишга изн сўрайди. Унинг бу илтимоси қондирилади. Қаранг, Ватан, халқ муҳаббати

олдида мансаб ҳам, обрў ҳам, фаровон ҳаёт ҳам унинг кўзига кўринмади!

Сўфизода ажид бир иштиёқ, чексиз бир файрат билан Чустга келиб, дарҳол дехқонлар ширкатини, ташкил этди ва идора пештоқига «Жаҳон савдогари, қаллобларга мунда йўл йўқдур, Кўл қадоқ, товоң ёрик, эски чопонлар хуш келибсизлар!» деган шиорни ёзиб қўяди. У «Жаҳон йўқсуллари, ер куррасининг ишчи-дехқони»га чин дилдан «яшайлик, бирлашайлик, яшнатайлик шонли Шўрони!» деб мурожаат қилди. Шу ниятда шоир ўз ихтиёри билан коммунистлар партияси сафига кирди. Шўролар ҳам ўзининг бу содик фуқаросини дастлабки йилларда анча қўллаб-қувватлаб турди. Сўфизодага Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитасининг 1926 йил 27 февралдаги фармонига кўра «Ўзбекистон ҳалқ шоири» унвонини берди. Шундан кейин уни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Ҳалқ шоири жуда ночор аҳволда ҳаёт кечирди. Чунки Сўфизода ўзи ишонган Шўро ҳукуматининг ички сиёсати ёлғон асосига курилганини англаб етган, у бошлаган ишлар «Хуржун» (шу номли шеър) бўлаётганини ўз кўзи билан кўрган, ишонган ва ҳажвий шеърларида очиқчасига танқид қила бошлаган эди. Бунга чидай олмаган ҳукумат уни ҳам «миллатчи, пантуркист, панисломист» сифатида айблаб, 1937 йил 8 май куни қамоқقا олди. Шоирнинг умр йўлдоши Зебихон ая Алиқулованинг айтишича, эрини касалхонада даволанаётган пайтда ҳибсга олишган. Қамоқхонанинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий қийноқларига чидай олмаган Сўфизода орадан кўп ўтмай жон таслим қилди.

Муҳаммадшариф Сўфизода ўз ижоди билан ўзбек ҳажвиётининг ривожига жуда салмоқли ҳисса қўшди. Бунда Қўқон адабий муҳитининг таъсири кучли бўлган. Муқимий, Фурқат ва Завқийлар мактабида таълим олган Сўфизода ҳар қандай шароитда ҳам ҳалқ дардини айтишга журрат қила олди. У кимларнингдир айби билан ҳаётда рўй бераётган ножоиз ишларга бефарқ қараб туролмасди. Бу жиҳатдан шоирнинг биз юқорида тилга олган «Чустилар бизлар», «Чуст қозиси Аббосхон Ҳожимуҳаммад ўғлига жавоб», «Ватан», «Кириб ваҳдат ҳумига», «Мусаддас», «Хуржун» сингари шеърлари характерлидир. Бу ҳажвий шеърларида шоир сатира тифини аниқ адресатга қаратади, уларнинг исмини келтириб шарманда қиласди. Масалан, шоир оиласига тұхмат галларни айтган «Чуст қозиси Аббосхон Ҳожимуҳаммадга жавоб» бериб шундай ёзади:

Тилингни сақла, бадгўйликка одат қилма, эй абллах,

На билдинг, модарим дарвешалардан ёки гарлардантур?

Жаҳонда йўқ эди бачча, ани сенлар чиқаргансан,

Суюқлар бошчиси, билсанг, сенингдек «катталар»дантур.

Сўфизода бутун умри мобайнида ҳам ижодий, ҳам амалий томондан маърифатпарварлик мавзусига содик қолди. Шоирнинг Фузулий оҳангидаги яратилган «Ватан» номли шеърида лирик қаҳрамон илмсизлик туфайли кун сайин таназзулга юз тутаётган юртининг тақдирига қон йифлади:

Ватан ҳолиндан ўтру кўзларим сақфинда қон оғлар,  
На ёлғиз кўзларим, мажруҳ ўлан жисмимда жон оғлар.

Қироатхона-у шўродаги мактаб-ла ҳар қайдаги,  
Бу кун маъмур экан Фаргона беному нишон оғлар.

Ёзуқ олий Ватан ўксиз каби бир ҳолга душмушким,  
Агар таҳрир эдарсан, хомай мўъжиз баён оғлар.

Ватанини оғир вазиятдан қутқаришнинг бош йўли маърифатдир. Ўлкада кўплаб мактаблар очиб, эрлар-у аёлларни ўқитиш шарт. Сўфизода ўз ижодида аёлларни саводли қилишга алоҳида эътибор беради. Шоирнинг «Ўқинг, оналар», «Муслиматлар», «Хонимлар исмийнда», «Хоним» сингари шеърлари мана шу мавзуга бағишлиланган. Бу фазалларида Сўфизода аёлларнинг жаҳолат зиндонида қолиб кетаётганига бош сабабчи деб ҳукуматни, бой-зодагонларни, руҳонийларни айблайди. Агар шоир «Ўқинг, оналар» ва «Хоним» шеърларида ўзи аёлларга мурожаат қилиб:

Дод, ўшал олами руҳонидан,

Қилди майшат фуқаро қонидан,

Хурми эди дини азиз шонидан?

Миллат учун кечмади ўз жонидан.

Кумри била булбулу бедоналар

Яхши ўқур, сиз ҳам ўқинг, оналар!

Ва яна:

Насл таассуф эдилмас шу ҳола, ой қизлар,

Ватанини халқларини(нг) маърифатли онаси йўқ.

Сабаб надур, душунинг, Оврупо усулинча

Биз ўйла күш кабимиз, vale ошиёнаси йўқ

дея ватанда беватанликнинг туб сабабларини жаҳолатдан излайди. Юқоридан мактаблар очилишига қаршилик туфайли

тутқунликда қолиб кетаётган аёлларнинг норозилигини «Хонимлар» шеърида ўзларининг тилидан қўйидагича изоҳлайди:

На ерда қизлар учун мактаб этдингиз таъсис,  
На ердадур у китобларки, биз ўкуб, ёзолим?

Бизни туғиб соталар, жабр-ла орсиз боболар,  
Бу ҳола кўзларимиздан керакки қон сочолим.

Деюрсангиз ўқуюнг, вера эскиларда деюр,  
Усули савтия мактабларин йиқиб ёқолим.

Қизларнинг бу ноласида ўша даврнинг зиддияти – қадимлар билан жадидлар ўртасидаги кураш, аёл зотининг камситилиши ўз аксини топган. Бу шеърлар «Шўро» журналининг 1911 йилдаги 10-11-сонларида кетма-кет босилиб чиқкан.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммадшариф Сўфизода ижоди XX асрнинг 20-30 йилларида ёқ ўрганила бошланган. Унинг ижоди тўғрисидаги илк мақола Лутфулла Олимий томонидан 1925 йилда ёзилган. Халқ шоири унвони берилгандан кейин унинг ижодига қизиқиши янада кучайди. Турли газеталарда шоирнинг шеърлари босилиши билан бирга ижоди тўғрисида ҳам мақолалар эълон қилинганлиги табиий. Бироқ шу пайтгача ҳам на Т.Расулов томонидан, на бошқа тадқиқотчilar томонидан бу тарқоқ материаллар тўплangan эмас. 1933 йилда А.Авлоний тайёрлаган «Адабиёт хрестоматияси» (7-сinf учун)да Сўфизода ижодига алоҳида саҳифа ажратилган. 1934 йилда эса мунаққид Миёнбузруқ Солиҳов томонидан «Сўфизода ва унинг ижоди» деб номланган рисола нашр этилди. Адабиётшунос С.Мирвалиевнинг ёзишича, «Файратий мұхаррирлигига нашрға тайёрланган сайланма шеърлари шоирнинг қамоққа олиниши муносабати билан эълон қилинмай қолган ва кўйдириб юборилган.» Эҳтимол, ўша сайланмага бирон бир таниқли олим сўзбоши ёзгандир. Қатағон қурбони бўлгач, қарийб ўтгиз йил унинг номи тилга олинмади. Ниҳоят, ўтган асрнинг 60-йиллари сўнгтида тадқиқотчи Т.Расулов Сўфизода ижоди бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади ва шоирнинг «Тароналар» деб аталган мўъажазгина тўпламини нашр эттирди. Тўрт жилдлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи» китобида Сўфизода ижоди ҳақида каттагина мақола берилди. Шундан сўнг йигирма йиллар жимлик ҳукм сурди.

Аммо фожиали қисмат соҳиби бўлган Муҳаммадшариф Сўфизоданинг ҳаёти ва ижодий меросига қизиқиши 90-йилларга

келиб яна кучайди. Тадқиқотчи Аҳмад Мұҳаммад Убайд шоирнинг ҳақиқий туғилган йилини ўзи ёзган ҳужжатлар асосида исботлаб берди («ЎзАС», 23.07.1993). Академик Б.Назаров, профессор Б.Қосимовлар Сўфизода ижоди бўйича янги маълумотларни эълон қилдилар. Хусусан, Б.Қосимов шоирнинг шу пайтгача эълон қилинмаган «Хуржун» сарлавҳали шеърини топиб («Муштум» журнали, 1925 йил 2-сони), таҳдил қилди ва нашр эттири («Шеър ҳақида сўз», «Ёш ленинчи» газетаси, 2.02.1989). Бу шеър кейинроқ Сўфизоданинг «Танланган асарлар»ига ҳам киритилди.

Хуллас, ажойиб ҳажвиётчи шоир Мұхаммадшариф Сўфизода ижодини ўрганиш давом этади. Негаки, унинг мероси ҳозиргacha топилиб нашр қилинган 25 та шеър билан чекланиб қолмайди. XX аср бошларидан то 40-йилларгача нашр этилган турли газета ва журналлар синчилаб қаралса, Сўфизода қаламига мансуб жуда кўп асарлар топилади деб умид қиласиз. Бу меросга мунаққид С.Мирвалиев қайд қилган шоирнинг «Байрам нашидалари» номли достони ҳам қўшилса, янада бойиши табий. Боз устига Сўфизода 57 йиллик умрининг 20 йилини сарсон-саргардонликда чет элларда ўтказди. Унинг Озарбайжон, Афғонистон, Туркия сингари мамлакатлар матбуотида ҳам талай шеърлари ва мақолалари босилган бўлиши мумкин. Уларни қидириш, топиш ва адабиётимиз хазинасига қўшиш келгуси вазифалардандир.

Шоирнинг ўзи ишонч билан:

Кадрдоним қалам, мардона бўлгил, вақти хизматдур,

Агар мендан кейин қолсанг, либосинг сийму зардандур  
деб айтганидек, асарлари ўзининг ростгўйлиги, халқ руҳига  
яқинлиги билан Сўфизоданинг номини мангуликка мухрлаб  
келмоқда.

#### Адабиётлар:

1. Б. Қосимов, Ш.Юсупов, У.Долимов ва б. Миллий уйгониши даври ўзбек адабиёти. Дарслик. Тошкент, «Маънавият», 2004.
2. С.Мирвалиев. Ўзбек адилари. Ўкув қўлланма. Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти, 2000.
3. А. Убайд. Сўфизода қачон туғилган? «ЎзАС», 23.07.1993.
4. Сўфизода. Тароналар. Тошкент, F.Фулом номидаги АСН. 1968.
5. Ибрат, Ажзий, Сўфизода. Танланган асарлар. Тошкент, «Маънавият», 1999.

## **ИСТИҚЛОЛ ДАРДИ**

Дарс режаси:

1. Фитратнинг қисқача таржимаи ҳоли.
2. Фитрат меросига бир назар.
3. Фитрат – драматург.
4. «Абулфайзхон» драмаси таҳлили.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг йирик намояндайларидан, шеърият ва драматургияда ҳам шаклан, ҳам мазмунан ислоҳ ясаган ижодкорлардан бири Фитратдир. Унинг тақдири ниҳоятда чигал, тӯфон ва тўлқинлар курашида ўтди.

Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат (арабча: яратилиш, табиат, туғилиш) ўзининг «Ёпишмаган гажжаклар» номли мақолосида «Мен Осиёнинг энг қора диний марказларидан ва қора бир усули идорага тобеъ бўлган Бухорода 1884 йилда туғилдим» деб ёзади. Афсуски, шу пайтгача Фитратнинг таваллуд топган йили 1886 йил деб кўрсатиб келинмоқда. Ҳатто репрессия йилларидағи Фитрат шахсига оид ҳужжатларда, савол-жавоб варақалари, ҳукм ҳақидаги қарорда исми-шарифи ҳам беписандларча қисқартирилиб, «Рауф Раҳимович Фитрат (бу ҳолда унинг адабий тахаллуси фамилиясига айланиб қолган) 1886 йилда туғилган» деб берилган.

Бунинг сабаблари Фитрат «Танланган асарлар»ининг 3-жилдида «Ёпишмаган гажжаклар» мақолосига берилган шарҳда қуйидагича изоҳланади: «Бошқа кўпгина манбаларда Фитратнинг туғилган йили деб 1886 йил санаси кўрсатилган. Ҳусусан, С. Айний шундай маълумот беради: «Абдурауф Фитрат Бухорий – туғилган йили 1304 ҳижрий». Шунингдек, Фитрат ҳаёт пайтида эълон қилинган «Катта совет қомуси»да ҳам шу сана келтирилади. Дарҳақиқат, ҳижрий 1304 йилни миљодга ўтирасак, 1886 йил келиб чиқади. Бироқ бизнинг ниятимиз Фитрат қаҷон туғилганини аниқлаш ва исботлаш эмас. Муҳими, улуғ санъаткорнинг икки ёш қатта ёки кичик бўлганлигида эмас, балки улкан мероси туфайли унинг ҳанузгача барҳаёт эканлиги ва бу ранг-баранг ижод намуналарини баҳоли қурдат тадқиқ этиш, ўқувчилар қалбига сингдиришdir.

Мактабда саводини чиқаргач, Абдурауф Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олади. XIX аср охири XX аср бошларида Бухорода маърифатпарварлик ҳаракати фоят кучайган, Аҳмад Доңиш, Садриддин Айний, Мирзо Абдулваҳдоҳожа сингари маърифатпарварлар маориф соҳасида ислоҳ ўтказиш учун кенг

кўламда амалий ҳаракат бошлаган эдилар. С. Айний ташаббуси билан ташкил этилган «Жамияти хайрия» кўплаб бухоролик иқтидорли ёшларни чет элларга юбориб ўқитищни йўлга қўйган эди. Абдурауф ҳам ана шу жамиятнинг йўлланмаси билан Туркияга юборилади. У 1909-1914 йилларда Истамбул олий ислом университетида таълим олади. Бу пайтда Бухорода жадидчилик ҳаракати жуда авж олган эди. Юртига қайтган Фитрат дарҳол амир бошқарувига қарши кураш олиб боришини ният қилган «Ёш бухороликлар» гурӯхига қўшилади. Зеро, унинг бу ҳаракатдан ўзини четга олиши мумкин эмасди, чунки у бу пайтда ўқимишли, ҳалқ тақдирига бефарқ қарай олмайдиган маърифатпарвар инсон, миллат ташвишларини елкасига ортган шоир сифатида шаклланган эди.

Фитрат она юрти Туркистон маърифатли, маданиятли, ривожланган ўлка бўлиши учун биринчи галда амир зулмидан, иккинчи галда мустамлакачи Русия исканжасидан қутилиши зарурлигини англади. Ана шу олий мақсади йўлида умрининг охиригача курашди. Истиқлол Фитратнинг қалбига тинчлик бермайдиган муттасил дардига айланди. Қизил шиорлари билан кўзни қамаштирган октябрь инқилоби Фитратнинг мана шу орзусини амалга оширадигандек кўринди. Шу боисдан уни катта қувонч билан қарши олди ва 1918 йилдаёқ Коммунистик партия сафига кириб, унинг топшириқларини астойдил бажаришга киришди. Ҳатто 1920 йил сентябрида Бухоронинг мустаҳкам дарвозасини қизилларга очиб бериш ташаббускорларидан бири бўлди.

Чиндан ҳам дастлаб Фитратнинг орзулари рўёбга чиққандек туйилди: Бухоро ҳалқ социалистик республикаси деб мустақил давлат сифатида эълон қилинди. Фитратнинг ўзи унда муҳим раҳбарлик лавозимларини эгаллади: у Бухоро ҳалқ социалистик республикаси марказий ижроқати кўмитаси раисининг ўринbosари, ҳалқ маорифи вазири, қейинроқ ташқи ишлар вазири, Бухоро Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси сифатида фаолият олиб борди. Аммо бу юзаки «мустақиллик» бўлиб чиқди ва у атиги уч йил яшади холос. 1924 йилда Ўзбекистон совет социалистик республикаси ташкил этилиши муносабати билан Бухоро ҳукумати тугатилиб, вилоятга айлантирилди. Бундай адолатсизликка чидай олмаган Фитрат ҳам ошкора, ҳам пинҳона қаршилик кўрсатишга киришди. Ўзининг миллатпарварлиги, мустақил давлат асосларини яратиш истаги йўлидаги уринишлари

билан мустамлакачи зотларнинг фашига тегди ва Фитрат сиёсатдан четлатилди.

1923 йилда Фитрат илмий соҳага ўтказилди ва Москвадаги Шарқшунослик илмий-текшириш институтига ишга юборилди. Бу ерда унга профессор илмий унвони берилди ва 1926 йилгacha ишлади. Москвадан қайтиб, умрининг охиригача бир ерда муқим ишлай олмади. Иложи борича унинг жонига тегишга, зериктиришга уриниб, коптотк тўпи сингари у ердан бу ерга сурила бошланди. Гоҳ Бухоро ва Самарқанд, гоҳ Тошкент шаҳарларидаги олий ўқув юртларида, сўнг республика Фанлар қўмитаси қошидаги тил ва адабиёт илмий текшириш институтида ишлаб юрди. Унинг бошида қора булуглар қуюқлаша бошлаган эди. Охири Фитрат 1937 йилнинг 22 июлида «Миллий иттиҳод» деб аталган аксилиниқилобий ташкилот аъзоси сифатида айбланиб, қамоққа олинди ва 1938 йил 4 октябрда отиб ташланди.

Фитратнинг бадиий ижоди инқилобдан анча илгари бошланган. Унинг ижодий йўли фоятда зиддиятли кечди. Ўсмир йигитнинг Бухоро ва Туркия мадрасаларида таълим олиши дунёқарашига таъсир этмай қолмасди. Унинг ижоди айниқса, Истамбул дорилфунунида ўқиган йилларида камолга етди. Фитрат адабиётга шоир сифатида кириб келди. «Сайха» (бонг, чорлов, наъра) деб номланган илк тўплами 1911 йилда Истамбулда нашр қилинган. Юртига қайтгандан кейин «Учқун» номли шеърлар тўплами босилиб чиқди (1921). 1922 йилда Тошкентда чоп этилган «Ёш ўзбек шоирлари» мажмуасида ҳам Фитратнинг бир неча шеърлари ва достонлари эълон қилинган.

Фитратдан жуда катта адабий мерос қолди. Унинг бу меросини шартли равишда шеърлар, насрий асарлар, драмалар, илмий тадқиқотлар каби тўрт гурухга бўлиб ўрганиш мумкин. Бу таснифга унинг яна таржима қилган асарлари ва публицистикаси кирмайди. Аммо афсуски, бу улкан мерос ҳали ҳанузгача тўла топилган ва жамланган эмас. Фитратшунос олим И. Фаниевнинг ёзишича, «Фитратнинг 135 номдаги асаридан атиги 50 тасигина ҳалққа етказилган» холос. Шукурки, унинг 3 жилдлик «Сайланма» асарлари нашр этилди. Натижада Фитратнинг поэтик оламидан маълум даражада тўлароқ ҳабардор бўлдик. Бинобарин, Фитратнинг биз, муҳлислари, мутолаа қилишга улгурган мана шу асарлари ҳам унинг мустақиллигимиз байроқдори, бадиий адабиётимизда истиқтол мавзусининг бошловчиси бўлганлигидан далолат беради.

Фитрат ўзининг илк шеърларидан то умрининг охиригача ёзган асарларигача мустамлака занжирида азоб чекаётган она ҳалқининг тақдирига ачинади, «унинг ҳаёт ёқасини золимлар қўлидан ажратиб олиш учун кафанимни бўйнимга илиб олганман» дея қасам ичади ва сўнгти нафасигача ана шу қасамига содик қолади. Масалан, «Садои Туркистон» газетасида босилган «Менинг ватаним» сарлавҳали шеъридаёқ (1914) ўзининг «жону-тани, саждагоҳи, тўлин ойи, иззати, шарафи, Каъбаси, қиблагоҳи, гулистони» бўлган юртини озод қилишга аҳд қилган эди. Шоирнинг «Шарқ», «Шоир», «Миррих юлдузига», «Юрт қайғуси» каби ўнлаб шеърларида ҳам мана шу истак балқиб туради. Насрий усулда битилган «Юрт қайғуси» шеъри уч бўлимдан иборат бўлиб, 2-шеърга «Бир ўзбек тилидан» деб тагсарлавҳа битилган. Унда шундай сатрлар бор: «Туроним! Сендан айрилмоқ менинг учун ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ менинг тириклигимдур!» «Темур олдинда» дея тагсарлавҳа кўйилган учинчи шеърда мана шу ўзбек йигити Соҳибқирондан хароб бўлган Ватанини босқинчилар қўлидан ҳолос этишга мадад сўрайди. Мана шу шеърларни таҳлил этишнинг ўзи ҳам шоир Фитрат ниятларининг мағзини чақиб олишга ёрдам беради.

Фитрат ўзбек драматургиясининг оёқҳа туриши ва кенг қанот ёзib парвоз этишида жуда катта ҳисса қўшган санъаткордир. У ўзбек драматургиясига тарихий, хорижий мавзуларни олиб кирди ва улар орқали шу куннинг дардини, орзусини акс эттириди. Фитрат кўпи билан ўн-ўн беш йиллар орасида ўзбек адабиётини «Темур сафонаси», «Ўғузхон», «Або Муслим», «Абулфайзхон», «Умар Хайём», «Восеъ» сингари тарихий, «Ҳинд ихтилолчилари», «Чин севиш» каби хорижий, «Қон», «Тўлқинлар» деб аталган инқилобий (инқилоб деганда фақат давлат тўнтаришини амалга оширган ҳодисани тушунмасликни сўрайман - Й.С.) руҳдаги, «Арслон», «Бегижон», «Рўзалар» ва бошқа замонавий мавзудаги драмалари билан бойитди. Шунингдек, у «Шайтоннинг тангрига исёни» номли бақувват шеърий драма муаллифи ҳамдир.

Кўринадики, Фитрат адабий меросининг каттагина қисмини драмалар ташкил этади. Умумтаълим мактаблари, лицейлар ва коллежларнинг юқори синфлари дастурига Фитратнинг “Йўқсул ўлкасининг тарихидан беш пардали фожеа” деб изоҳланган «Абулфайзхон» драмаси киритилган. «Ҳинд ихтилолчилари» драмаси эса мустақил ўқиши учун берилган. Бу драмалар олий ўқув юртлари ўзбек филологияси мутахассислигини битираётган

талабалар томонидан ҳам батафсил ўрганилади. Бу драмаларнинг моҳиятини чуқурроқ очиш учун ўқитувчи асар билан мукаммал танишиб чиққан бўлиши шарт. Негаки, ўрта таълим мактаблари учун чиқарилган мажмуаларда драманинг асосий гоявий ниятини очишда муҳим ўрин тутувчи учинчи ва бешинчи пардалар берилмаган. Боз устига бу драмада Фитратнинг янги демократик жамият ҳақидаги қарашлари, ниятлари ўз ифодасини топган. Шуни назарда тутиб, биз бу ерда «Абулфайзхон» драмасини яхлит ҳолда таҳлил этишни вазифамиз деб билдиқ.

«Абулфайзхон» драмаси дастлаб 1924 йилда Москвага ўқишига келган бир гурӯҳ ўзбек ёшларининг ташабbusи билан ўзбек тилида босилиб чиққан эди. Бу тарихий драма ўзининг мукаммаллиги, сюжет ва композицион қурилишидаги ўзига хослиги, зиддиятларга бойлиги ҳамда кескинлиги, характерларнинг тўлақонли талқини билан худди А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи сингари ўзбек адабиётининг энг яхши намунаси бўлиб қолди. Драмада муаллиф қонхўрликни касб қилиб олган кимса ҳеч қачон мамлакатни узоқ бошқара олмайди, якка ҳокимлик, диктатура халқни ҳолдан тойдиради ва оқибатда халқ бундай золимларга қарши албатта, курашга кўтарилади деган фикрни илгари суради. Тўғрироғи, драманинг сўнгги пардаси шундай фикр билан якунланади. Фитрат фақат Шарқ адабиётининггина эмас, айни пайтда Farb адабиёти сирларини ҳам пухта ўзлаштирган санъаткор эди. Ушбу драмасида Шекспирона усуллардан ўринли ва унумли фойдаланганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Масалан, драмада Сиёвуш сиймосида Хаёл тимсолининг берилиши муаллифнинг Шекспир усулларидан ўрганлигини исботлайди. Фожиа сўнгтида кириб келувчи бу рамзий тимсол халқнинг бутун хонликка қарашини, нафратини, муносабатини акс эттиради, хонликнинг ашаддий иллатларини фош этиб ташлайди.

Бу тимсол шунинг учун ҳам рамзийки, Сиёвуш ҳам ўз даврида арзимаган келишмовчиликлар, тож-тахт талашиш борасидаги ишончсизликлар курбони бўлган эди. Шундан келиб чиқиб, Фитрат Сиёвуш - Хаёл нутқи орқали бегуноҳ қон тўкишларга бош айбор тахтдир демоқчи бўлади. Абулфайзхонни ўлдириб, энди унинг ўғли Абулмўминни заҳарлаган Раҳимбей ғалаба нашидасини сурәтганда Хаёл кириб келади. У 17 яшар ўсмир Абулмўминхоннинг жасади устида шундай фарёд чекади:

«ХАЁЛ (тахтга қараб): Эй қора куч, эй қуриб кеттур тахт! Ҳеч гуноҳи бўлмоғон болалардан, тоғ каби йигитлардан миллиончалари

сен учун қурбон бўлиб кетарлар. Инсонлар томонидан яратилган мингларча тангрининг энг бузуқ боши, энг шуми! Эй, қоп-қора саодат сенсан. Остингда қолғонларни эзгувчи бир фалокат юки бўлғонинг каби устингта чиққонларнинг борлиқларини ёндирифувчи бир олов тепасидурсен!

Сен фазилатли билимларнинг қўл, қанотларини узуб ташладинг. Инжу тизгувчи адиларнинг қаламларини ўчоқ супургисига айлантиридинг. Ота пичоги билан болаларини бўғизладинг. Бола ханжари билан оталарини йикитдинг. Дўстларни бўғуштиридинг, ўртоқларни уруштиридинг, далаларнинг эркини, шаҳарларнинг тинчини, эрларнинг файратини, хотунларнинг исматини талатдинг. Эй бойкушлар қафаси! Бундай дев иштаҳалик ҳайвонларнинг қўли билан қачонгача дунёларни бир-бираига уриб турасан?!» Фитратнинг ушбу фожиаси орқали айтмоқчи бўлган фикрини Ҳаёл монологидан илғаб олиш қийин эмас.

Драманинг бош қаҳрамони Абулфайзхон ниҳоятда даҳшатли шахс. Қарийб бир аср давомида ҳукмронлик қилган Аштархонийлар сулоласининг (ХУ111 аср) сўнгги хони бўлган Абулфайзхон даврида Бухоро ўлкасида жуда кескин ва оғир вазият вужудга келган эди. Абулфайзхон ҳонлик таҳтини қонли зинапояларни босиб ўтиб эгаллади, яъни бу йўлда отасини ҳам, акасини ҳам, қариндошларини ҳам ўлдирди. Таҳтга ўтиргандан кейин ҳам кимданки озгина шубҳаланса, тафт тортмай ўлдираверди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: «Бир душманимнинг қони қуримойин, яна биттаси чиқиб қоладур. Қачонгача ўлдураман буларни? Ўлдураман, ўлдураман. Дунёда битта душманим қолмагунча қон тўкаман. Улфатнинг сўзи тўғри. Подшолиқ қон билан супорилатурғон бир ёғочдир.» Ҳа, Абулфайзхон ана шундай қонхўр, золим ва шафқатсиз ҳукмрон бўлган. Меҳнаткаш халқнинг энг яхши фарзандларини ҳам, ўзи озгина шубҳаланган беку амалдорларни ҳам сира иккilanmasdan жаллод қўлига топшира берадиган ҳоннинг кирдикорларини драматург ҳаққоний акс эттиради. Унинг онгини «Бутгўн жанжалларни фақат ўлим битирадир» деган мудҳиш фикр чирмаб олган.

Айни пайтда драмада Абулфайзхоннинг руҳий кечинмалари ҳам ҳаққоний ифодаланган. Гуноҳсиз кўп қон тўкишлардан ҳоннинг ўзи ҳам безади, васвасага тушади. «Қон тўқмақдан-да бездим, - дейди у Улфатга. - Акамни ўлдиридим. Кўп дўстларимни ўлдиридим. Мени бир ота каби асрагон Фарҳод оталиғни бошини оёқлар остинда кўрдим (кўзларини тутиб). Уф... кўзларим қонга тўлди.

Кечалари ухлай олмайман. Күзларимни юмғоч, бутун ўлғанлар, ўлдурғанларим мени айлантириб оларлар; сираланиб ёнимдан ўталар. Мени құрқұталар, менга кулалар!» Хоннинг бу ҳолати хос хонасидаги ҳатти-харапатлари орқали янада ишонарлы құрсағылған.

Хоннинг яқын бекларидан Ҳакимбей оталиқ ва унинг ўғли Раҳимбей тұқсабо Эрон шохи Нодиршоқ билан алоқа боғлашиб, унинг ёрдами билан таҳтни эгаллайдилар. Драманинг З-пардасыда Ҳакимбей Абулфайзхонни Нодиршоҳнинг құдрати билан құрқитиб, унға бүйсунишга күндіради, шу баҳонада ўзининг мавқеини тағин ҳам мустаҳкамлаб олади. Ҳакимбей ҳам, Раҳимбей ҳам таҳтни шахсий манфаати, амал илинжида құлға оладилар. Абулфайзхонни ҳам, Абулмұминхонни ҳам ўлдириб, Раҳимбей хон бўлади. Аммо у ҳам халқнинг аҳволи билан мутлақо қизиқмайди, зулм ва қон тўкишдан қайтмайди. Хонлик ичида ўзаро келишмовчилик, фитна ва қатағон давом этаверади. Раҳимбей йўлида учраган ҳар қандай қаршиликни шафқатсизлик билан бостириб, мавқеини мустаҳкамламоқчи бўлади, Бухоронинг ягона хоқони бўлишни орзу қиласди. Унинг қуйидаги сўзларида бу мақсади очиқ англашилиб туради: «Манзилга эришаёздик. Абулфайзхон кетди. Уни ёқлағонларнинг-да руҳларига фотиҳа ўқиб келдим. Эмди ким қолди? Чумчуқ каби кичкина бир хон (Абулмұминхон - Й.С.). шундай оласан (кўли билан құрсағиб), калласини узиб ташлайсан!»

Қўринадики, у ҳам фақат қон тўкиш йўли билан таҳтини мустаҳкамламоқчи бўлади. Бундай бошқариш эса узоққа бормайди. Фитрат хон атроғидаги одамлар ҳам ўлгудек мансабпарат, лаганбардор, майшатбоз, ахлоқсиз, лоқайд, сотқин эканликларини Қози Низом, Хўжа Калон, Охун домла, Мир Вафо кабилар тимсолида фош этади. Улар Иброҳим иноқ тили билан айтганда, «Тунови куни Абулфайзхонни «сояйи худо» деб оёқларини» ўпган, бугун эса ўша ўзларига бир пайтлар чопон кийдирган «сояйи худо»ларининг ўлимига фатво бераётган уятсиз кишилардир.

Драмада халқпарвар,adolatparvar, курашчан образ биргина Иброҳим иноқдир. У катта тарбиявий аҳамиятта молик персонаждир. Ағсуски, унинг ана шу ижобий қирраларини құрсағадиган 5-парда дарслик-мажмуаларда берилмаган. Эслайсизми, фожианинг 1-пардасыда Абулфайзхон ўзи ўлдиритирған Фарҳод оталиқ ўрнига Иброҳим иноқні тайинлаганда ноиложликдан кўнади. Лекин дадил туриб Абулфайзхонга «Фарҳод оталиқ каби ўтқир бир одамнинг бажара олмогон ишини мен қандай бажарманд?! Хоқонимизни рози қўлмоқ жуда қийин бир иш бўлиб қолди» деб башорат қиласди.

Чунки хон унинг назарида ўта қонхўр, Улфат билан Давлатнинг кўғирчогига айланган шахсдир. Унга яқин бўлишни истаганлар дастлаб Улфат билан Давлатнинг нафсини қондирмоқлари даркор. Бу эса жуда қийин иш эди.

Иброҳимбей Абулфайзхон зулмига қарши онгли равишда курашга отланган жасоратли беклардандир. У тоққа чиқиб кетиб, лашкар тўплаб, кўп йиллар Абулфайзхонни таҳликага солади. Охири қўлга олиниб, зинданбанд қилинади. Зиндан азоблари бекни жисман енгган бўлса-да, маънан енга олмайди. Раҳимбей таҳтга ўтиргач, Иброҳим иноқни ҳузурига олдириб келади, уни ўзи билан ҳамкорликда ишлашга ундейди. Бу пайтда анча кексайиб, кўзлари кўрмайдиган бўлиб қолган бўлса ҳам Иброҳимбей ўз ниятларидан қайтмаган эди. Адолатнинг рӯёбга чиқиши, эл-юрт осойишталиги учун курашни давом эттиришни хоҳлайди. Унинг назарида «Элга ёмонлик қилган, юртни талаган, ҳукумат ишларига қарамай, кечакундуз чоғир ичиб ётадиган» хонлар мамлакатни бошқаришга қодир эмас. Раҳимбей ҳам шуларнинг биридир, бунинг устига ўз манфаати йўлида Эрон шоҳига сотилган хони ҳамдир.

Иброҳимбей фикрича, хонни қурултой йўли билан сайлаш керак. Қасдма-қасдига таҳтни эгаллаш эл-юртга зарар, мамлакатга вайроналик келтиради. «Мен бўлғонда Абулфайзхонни тушурғоч, қурултой чақирадим. Янги хон билан унинг оталифини эл бошлиқларининг кенгашлари билан белгилар эдим». Иброҳимбейнинг бу сўзларида демократик руҳ балқиб турганини сезиш қийин эмас. У таҳтни шахсий адоват, бойлик ва обрў орттириш ниятида эгаллаган Раҳимбейнинг ҳали кўп қон тўкишига ишонади, буни тўғридан тўғри унинг юзига айтади: «Мен жуда яхши биламан, сиз шу кун-эрта Абулмўминни ҳам отасининг орқасига юбориб, таҳтини оларсиз. Мен Абулфайзхон билан урушдим, чунки у ҳақсизлик қилғон эди. Сиз бу кун ундан ортиқ ҳақсизлик қила турибсиз. Кўзум очиқ бўлса эди, эргадан бошлаб сиз билан ҳам урушар эдим». Исёнкор бекнинг ушбу сўзлари шубҳасиз, ўқувчилар онгига халқпарварлик, адолат, мустақилликни асраб қолиш туйғусини мустаҳкамлайди.

Драмадаги Улфат ва Давлатлар қонхўрлик, босқинчлилик ва зулм тимсоллари дидир. Улар аслида Абулфайзхоннинг отаси томонидан ёшлигида сотиб олинган қуллар бўлиб, хонга итдай садоқат билан хизмат қиласидилар. Бундан ташқари Фитрат бу персонажларнинг исмини танлашда ҳам муҳим гоявий ниятни кўзда тутганлигини пайқаш қийин эмас. Улфат хоннинг ҳар ерда, ҳар қандай хизматига

тайёр турган дўсти, майшатини таъмин этгувчи ҳамдами, тўғри йўлдан оздиргувчи сирдоши. Давлат эса ана шу базму ишратларга маблағ етказиб берадиган, хазинасини тўлдириб турадиган очкўз кимсаларданdir. Иброҳим иноқнинг Абулфайзхонни огоҳлантириб, «Улфат билан Давлатни рози қилмоқ-да мумкин эмасдир» деган сўзларида шунга ишора бор. Айниқса, Улфат хон саройида катта мавқега эга, хўжасарой лавозимини эгаллаган. Унинг айтгани айтган, дегани деган. Улфат хонни фақат шафқатсизлик ва қонхўрликка ундаиди, таҳтни қон устига қуриш керак деб уни ишонтиради. Унинг шиори «подшолик қон билан сугорилатурғон оғочдир. Қон оқиб турмоғон ерда бу оғочнинг қуриб қолиши аниқдир» деган қоида бўлиб, Абулфайзхонни ҳам бунга ишонтиради ва фаолиятида шунга амал қилишга одатлантиради.

Ҳиндистон мавзуси Фитрат ижодида муҳим ўрин тутиб, кенг ишланган. Адабнинг «Ҳинд сайёҳи» қиссаси, «Ҳинд ихтиолчилари» ва «Чин севиш» драмалари шу мавзуда ёзилган. Хорижий мавзудаги бу асарларида Фитрат мустамлакачиликка қарши кураш гоясини дадил илгари суради. Пролетар диктатурасининг қатл тегирмони жадал ишлаб турган бир шароитда хушёр санъаткор истиқлол муаммосини ўз юрти ҳаётида рўй берган воқеалик тизимида акс эттира олмасди. Шу боис Фитрат атайлаб Ҳиндистонга «сафар» қиласи. Узоқ Ҳиндистон тупроғида рўй берган воқеаларни ифодалаш орқали драматург ҳар иккала драмасида ҳам истиқлол дардини айтмоқчи бўлади. Мустамлакачилик сиёсати туфайли оддий фуқаро бошига чексиз жабр-зулмлар ёғилаётганлиги, бунга қарши қатъий курашга отланиш зарурати, исёнкорлик ғазаби ва нафрати асаддаги персонажлар фаолияти, тақдирни ва буюк эътиқоди орқали кўрсатилади.

Драмаларнинг гоявий асосини ҳиндистонлик ватанпарварларнинг ўз юртини инглиз мустамлакчалари зулмидан озод қилиш орзуси, кураши ва интилиши ташкил этади. Драматург Раҳимбахш, Дилнавоз, Каримбахш, Нуриддин, Зулайҳо кабиларнинг образлари орқали Ҳиндистон миллий-озодлик курашчиларининг фидойилигини таъсирчан усуулларда ифодалайди ва бу билан ўз ватандошларини ҳам мустамлакачиларга қарши астойдил даъват этаётгандек туйилади. Масалан, «Ҳинд ихтиолчилари» драмасининг бош қаҳрамони Раҳимбахшнинг бутун фикри-зикри инглизларни Ҳиндистон тупроғидан қувиб чиқаришдир. Бу ишни у «эзгу ишларнинг энг биринчиси, буюги, эзгуси» деб билади. Унинг нутқида Фитрат истиқлол дарди билан

оғриган ихтилолчиларнинг туйғуларини жунбушга келтирадиган сўзларни топиб ишлатади. Раҳимбахшнинг айтишича, «Куръон бетига ҳайвон оёғи тегмак на эса, ҳинд қизининг юзига инглиз кўзи тушмак ҳам шудир.» Шунинг учун ҳам Ватан тупроғидан мустамлақачиларни ҳайдаб чиқармоқ «Қуръонни ҳайвон тепкисидан қутқаришдай буюк, чўчқани мачитдан ҳайдаш каби эзгу» ишдир.

Хуллас, ўзининг ҳар бир асари билан Фитрат халқимиз учун оғир синов даври ҳисобланган 20-30 йилларда чин ватанпарвар, ҳақиқий истиқлол куйчиси ва курашчиси сифатида намоён бўлди. Бугун унинг қадрига етиш, ардоқлаш, васиятларини амалга ошириб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш биз, фарзандларининг муқаддас бурчидир.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Б. Қосимов, Ш. Юсупов, У. Долимов ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т., «Маънавият», 2004.
2. И. Фаниев. Фитрат драмалари поэтикаси. Т., «Фан», 2005.
3. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 111 жилдлик. Т., «Маънавият» 2002-2003.

## **ҲАҚИҚАТ ИЗЛАГАН АДИБ**

Дарс режаси:

1. Ҳамза ижодининг ўрганилиши.
2. Ўйлаб топилган «инқилоб кўйчиси».
3. Ҳамзанинг ҳақиқий ижодий қиёфаси.
4. Ҳамза ўлими тўғрисида янги маълумотлар.

Ўтган асрнинг 90 йилларига келиб, Ҳамза Ҳакимзода шахси ва ижодига муносабат тубдан ўзгарди. Замон, сиёsat ва шахс мақомини ҳисобга олмаган айрим мұнаққидлар бу «инқилоб кўйчиси»ни ўз замондошлари сафидан чиқаришга, дарсликлардан олиб ташлашга уриндилар. «Яша, Шуро!», «Хой, ҳой отамиз!» каби шеърлари, «Бой ила хизматчи» драмасида инқилобчи Гофир образини яратгани, «Жаҳон сармоясининг охирги кунлари»ни орзу қилгани учун Ҳамза ижоди ўрганишга арзимайди деб айюҳаннос солдилар.

Дарҳақиқат, биз Ҳамзани қай даражада биламиз? У ўз даври адабиётiga нима берди? Шоирнинг 5-10 та инқилобий руҳдаги шеърлари учун шундай хукм чиқариш адолатданми? Инқилобни мадҳ этиб Фитрат, Садриддин Айний, Чўлпон каби замондошлари шеърлар ёзмаганми? Ёки уларга мумкину Ҳамза тафтишга лойиқми? Ҳар ҳолда Ҳамза ижоди ҳақиқат тарозиси билан ўлчаниши, унинг асарлари, тақдири ҳақида бор гап айтилиши керак эди. Яхшиямки, Ҳамзашунос олим Л. Қаюмов, академиклар И. Султон, С. Мамажоновлар шундай нозик пайтда шоирга қалқон бўлишди, унинг ҳақиқий ижтимоий ва ижодий қиёфасини кўрсатиб беришди. Ниҳоят, Ҳамза Ҳакимзода ҳам Беҳбудий, Авлоний, Фитрат, Қодирий, Мунаввар қори сингари ўз даврининг етук маърифатпарвари, сермаҳсул драматурги, ҳалқи дардини куйлаган миллатпарвар шоири, мустақиллик учун астойдил курашган зиёли эканлиги исботини топди.

Академик С. Мамажонов тўғри қайд қилганидек, Ҳамза Ҳакимзода ўзининг бутун умри давомида «эзўр бериб ҳақиқат йўлини қидириб» ўтди. Чиндан ҳам адабиётга «Ҳақиқат кимда?» деган савол билан кириб келган ижодкор бир умрга шу саволига жавоб излади, аммо унга жавоб тополмай йўл бошидаёқ ҳалок бўлди. Ҳақиқатпаст шоир атиги 40 йил яшади, бироқ унинг шу қисқа ҳаёти афсонага айланиб кетди. Қарийб 80 йилдирки,

Ҳамзанинг ҳаёт йўли ва ижоди турли ракурслар орқали текшириб кўрилди. Ҳар бир давр ўз манфаати нуқтаи назаридан ёндашибди.

Инқилобнинг дастлабки декадасида шоирнинг ижтимоий ва ижодий фаолияти ўзига яраша баҳо ололмади, эътибордан четда қолди десак тўғри бўлмас. Унинг барча айтганлари амалга ошди, ёзганлари нашр этилди, янги тузум тарғиботчиси сифатида унга шароит яратиб берилди. Ҳатто мамлакатда биринчи бўлиб, Ҳамзанинг ижодий-ижтимоий фаолияти инобатга олинниб, республика Марказий ижроия қўмитасининг 1926 йил 27 февралдаги фармонига мувофиқ «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган фахрий унвон берилди ва умрбод пенсия тайинланди. Вафотидан кейинги ўн йилликда у шахс сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ҳеч ким уни эслаб қўймади. Чунки ундан-да муҳимроқ тадбирлар амалга оширилишини кутиб турарди: адабиёт ва санъатни тозалаш, уни партияning дастёрига айлантириш зарурроқ эди. Бунинг учун «эскирган» адиларни йўқотиш, янгиларини ўз измига солиш йўлларини ишлаб чиқиш шарт эди.

Ҳукумат қараса, барча адилар янги социалистик тузумнинг «душманни» бўлиб чиқяпти. Иш шундай давом этаверса, халқнинг социализмга нисбатан «муҳаббатини оширадиган» адабиёт вакили қолмайди. Шундай бир жонсиз фигурани топиш, уни идеал даражасига кўтариш лозимки, токи ҳамма ижодкорлар у «асос солган йўл»дан борсинлар. Бунинг учун кимнидир «қизил ранг»га бўяш шарт эди. Фитрат, Қодирий, Чўлпонлар отиб ташланган, уларнинг номини қайта тилга олиб бўлмайди. Беҳбудийни амир ўлдирган деган тамға ёпиширилди, унинг номидан фойдаланса бўлади. Лекин у мухторият учун тинимсиз курашган. Публицистик мақолалари ҳам шундай руҳда ёзилган. Шошма, Шоҳимардон шайхлари томонидан «тошбўрон» қилиб ўлдирилган Ҳамза-чи? Жуда муносиб номзод бўлади-да! Унинг ўлдирилишидан кўзланган биринчи мақсадга эришилди: минглаб диндорлар ҳибсга олинди, қолганлари таъкиб остида пусиб юришибди. Ҳамзани байроқ қилиб олинса бўлади!

Бошлини. 1939 йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 50 йиллиги катта тантаналар билан нишонланадиган бўлди. Дастлаб шоирга «инқилоб куйчиси» деган ниҳоятда замонавий ёрлиқ ёпиширилди. Ваҳоланки, шоирнинг инқилобий мавзудаги шеърлари бармоқ билан санарли эди. Унинг аслида эркка («Берма эркингни қўлдан», «Хой,

ишчилар!», «Биз ишчимиз», маърифатга («Ишчилар, уйғон!», «Уйғон!»), ўзликни англашга («Яшандык, ишчи-дәхқонлар», «Үён, Ватан») чақириқ руҳида ёзилган шеърлари коммунистик мағкура малайлари томонидан қайта ишланди ва манфаатдорлик нұқтаи назаридан талқын қилинди. Натижада қарийб 40 йилдан ортиқроқ муддат ичида адабиётимиз учун «Ҳамза – инқилоб қүйчиси» бўлиб хизмат қилди. Бу хизмати шу даражада юқори погонага кўтарилиди, унга ҳеч ким етолмади, гўё XX асрнинг 30-йилларига қадар Ҳамзадан бошқа ҳеч бир ижодкор Шўролар ҳукумати моҳиятини тўғри тушунмаган, ёлғиз угина «Яша, Шўро!» деб ҳайқирган, танҳо Ҳамзагина драмаларида инқилобий ғояларни илгари сурган, биргина у янги – социалистик реализм методидаги ўзбек адабиётига асос солган. Ҳатто давр тақозосига кўра қатағончи Сталин ўлимидан сўнг озгина об-ҳаво ўзгариб, Беҳбудий, Фитрат, Қодирий ва Чўлпон кабилар оқланган 60-йилларда ҳам ўрнини бўшатмади, билъакс, уларга соя ташлаб тураверди.

Аслини олганда Ҳамза Ҳакимзода ҳам замондошлари қаби XX аср бошларида жадидчilik ҳаракатининг олдинги сафларида фаол иштирок этган, жаҳолатга қарши маърифат байробини баланд кўтарган, Туркистон мустақиллиги учун астойдил курашган, ўз миллатининг эркин яшашини орзу қилган зиёли эди. Ҳамза 10-11 ёшларидан шеър ёза бошлаган. 25 ёшида «Девони Ниҳоний»ни тузди. Девонга шоирнинг 15 йил ичида ёзган шеърларидан 177 таси киритилган. Уларнинг 150 таси фазал, қолганлари турли жанрлардаги лирик асарлардир. Илк девонидаёт Ҳамза зуллisonайн ижодкор сифатида намоён бўлди. Девондаги 165 та шеър ўзбек тилида, 10 таси тоҷик тилида, 2 та шеър эса ширу шакар шаклида ўзбекча-руссча сўзлар аралаштириб ёзилган. Шакл ва мазмундаги бундай янгиликлар, шубҳасиз, Ҳамза Ҳакимзоданинг чиндан ҳам XX аср ўзбек адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшганлигини кўрсатади. Айни чоғда у ўзбек халқ оғзаки ижоди, бой мумтоз адабиётининг барҳаёт илдизларидан баҳраманд бўлиб, анъаналарга қатъий амал қилган ҳолда замонга мос янгиликлар ҳам каşf этди.

Санъаткорнинг ўзбек адабиёти ва маданияти тарихига қўшган ҳиссаси, ўрни ва ролини ихчам тарзда куйидагича баҳолаш мумкин:

- Ҳамза Ҳакимзоданинг адабий мероси XX аср ўзбек адабиётининг ривожланиши ва бойишида муҳим аҳамиятта эга. У ҳақли равишда янги типдаги ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири бўлиб қолади.

- Ҳамза Ҳакимзода жадидчилик ҳаракатининг фаол вакилларидан бири бўлиб, ҳалқини маърифатли қилиш йўлида ҳам иходий, ҳам ихтимоий, ҳам амалий фаолият кўрсатди. Янгича усулда мактаблар очиш билан бирга замондошлари Беҳбудий, Мунаввар қори, Авлоний сингари «Ўқиш китоби», «Қироат китоби», «Енгил адабиёт» деб номланган дарсликларини яратди ва нашр эттириди.

- Ҳамза Ҳакимзода новатор шоир сифатида шеъриятнинг шаклан ва мазмунан янгиланишига чиндан ҳам улкан ҳисса қўшди. Унинг 7 бўлимдан иборат «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар» номли мажмуаси ҳамда кўплаб шеърлари бармоқ, ҳатто эркин (масалан, «Ер ислоҳоти», «Мажлисдан кейинги кузатиша», «Қутлуғ бўлсин» каби) вазнларда ёзилганлиги фикримизни исботлайди.

- Роман атамасини истеъмолга биринчи бўлиб олиб кирган ҳам, шу номдаги асарни биринчи бўлиб ёзган ҳам (гарчи жанр талабларига тўла жавоб беролмаса-да) Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдир. Шу далилнинг ўзи уни яна бир бор юксаклик босқичига кўтара олади.

- Ўзбек драматургиясининг дунёга келиши, жанр сифатида шакланиши ва ривожланишида Ҳамза Ҳакимзоданинг роли шакшубҳасиз, бекиёсdir. Гарчи драманинг илк намунаси Беҳбудий томонидан яратилган бўлса ҳам бу адабий турнинг барча жанрларида етук асарлар яратиш Ҳамзанинг зиммасига туцди. Яна шуниси ҳам муҳимки, ўзбек адабиётида биринчи драматик трилогия («Лошмон фожиаси», 1916-1919 йилларда), драматик тетралогия («Фарғона фожиаси», 1918-1920 йиллар), ҳатто шеърий драмалар («Сайлов олдидан», «Эл қузгунлари» каби) унинг қаламига мансубдир. Бу фактлар ўзбек драматургиясининг том маънодаги асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бўлганлигини яна бир карра тасдиқлайди.

- Миллатнинг кўзини очиш, ўзлигини англатишнинг энг самарали йўли ҳалқقا бор ҳақиқатни очиқ айтиш деб билган маърифатпарвар шоир газета ва журнallар чиқариб, уларда аччиқ гапларни ошкора ёзди. Шунинг учун ҳам у муҳаррирлик қилган «Кенгаш», «Ҳуррият» сингари журналлар дадиллиги, ошкора танқидий руҳи учун хукумат томонидан 3-6 ой ичidaёқ ёпиб кўйилган.

- Ҳамзашунос олим Л.Қаюмовнинг ёзишича, «У умрининг охирида хазин эди». Бу хазинликнинг сабаблари айrim

мактубларида ҳам англашилади. Ҳамза ўзининг номаълум шахсга (Эҳтимол, исмини маҳфий тутишни лозим кўрган дўстидир. Чунки унга «сен» деб мурожаат қиласди) йўллаган мактубларидан бирида «олдимда бўладурғон хужумларни кўзда тутиб», «Нима қиласман, ҳамма томоним қоронғу», «иғвогарлар уюшиб ҳамон маҳкамаларда изғишиб юришгани» тўғрисида ёзади. Шунинг оқибати бўлса керак, 1927 йилда ёзилган тўртликларидан бирида:

Бул жаҳон баҳрида хилқатдин хабар олғил, кўнгил,

Шоири маҳзун табиатдан хабар олғил, кўнгил .

Хум самовий телбалик илҳомина чўмғон хаёл,

Завқифо теккан ҳакиқатдан хабар олғил, кўнгил.

деб ёзади. Ҳатто бу тўртликнинг остига «Ҳар муюлишдан хўмрайиб чиққан кишига кўндаланг, Бу Ҳакимзода ўтар дунёдан Ниҳон эдарақ» деган кўшимча байт ҳам киритиб кўяди. Бинобарин, бу ғам-қайфу ва тушкунликнинг боиси икки йилдан сўнг марлум бўлди.

- Мутафаккир санъаткор ўзи хизмат қилаётган совет ҳукуматининг ўзбек зиёлиларига нисбатан муносабатини бошданоқ фаҳмлаган кўринади. «Лошмон фожиаси» драматик трилогиясининг 3-асари бўлмиш «Истибод қурбонлари»да начальник тилидан мустамлакачилар Туркистон ҳалқини «қаро меҳнат билан эзib битирмоқ», «бизга (қарши) кутилмаган иккинчи бир бало бўлиб чикувлари»нинг олдини олмоқ учун «зиёлик фирмаларидан тортиб, секин-секин йўқ эта бериш керак»лигини мақсад қилиб олганлигини айтади. Бу буюк жасорат ва донищмандлик эди.

- Шоирнинг «Шундоқ қолурму?», «Яша, Шўро!» шеърлари кўп йиллар мобайнида унинг инқилоб куйчиси сифатида улуғланишига муҳим далил бўлиб келди. Гарчи биринчи шерри 1917 йил февраль инқилобидан кейин унинг истибододига қарши ёзилган деган фикрлар айтилса ҳам, 1919 йилда нашр этилган «Атир гул» мажмуасида эълон қилиниши Ҳамзанинг ғоявий нияти сал бошқачароқ бўлганини кўрсатади. Ваҳоланки, шоирнинг «Сафсар гул» тўплами ўша инқилобдан кейин нашр этилган. Унга киритилмаганлигининг сабаби, назаримизда, бу шеър ҳукумат томонидан йўқ қилинган Туркистон мухторияти муносабати билан ёзилганлигидир. Чунки унда «Қафасдан бўшалган ҳар қуш» - Туркистон ўлкаси «Қайтиб ўзини сол» маслиги, мустақиллик учун кураш давом эттирилишига ишора қилинмаяптимикан? «Яша, Шўро!» шеъри аслида «Яша, Турон!» тарзида бўлганлигини академиклар И. Султонов билан С. Мамажоновлар аниқ дадиллар

асосида исботлаб бердилар («Икки муҳим тузатиш», «ЎзАС», 1997 йил 28 февраль). Шу мақолада олимлар Ҳамзанинг «Шундоқ қолурму?» шеърининг тарихи ва айрим адабиётшунослар шоирни «инқилоб куйчиси»га айлантириш истагида атайлаб сохталаширишганини қайд этадилар.

- Ҳамза Ҳакимзода айрим манбаларда ва унга бағищланган фильмларда кўрсатилганидек, даврининг йирик маърифатпарвари Мунаввар қори ҳамда улкан шоир Чўлпонлар билан мутлақо тескари бўлмаган. Аксинча, Мунаввар қорини ўз мактубларида «ҳазрат, устоз» деб улуғлайди. Чўлпон билан эса яқин таниш ва дўст бўлганлигини ўша «Яша, Турон!» шеърининг тақдири ҳам исботлайди. Маълум бўлишича, К.Маркс номидаги театр труппасининг адабий эмакдоши бўлиб ишлаётган Чўлпон Ҳамзанинг розилигини олгач, уни «Яша, Шўро»га айлантиргани ҳақида ҳам фактлар мавжуд.

Демак, Ҳамза Ҳакимзода ҳам совет ҳукумати учун ўзи ёзганидек, «кутилмаган бало»лардан бири бўлиб қолган эди ва академик С.Мамажонов ишора қилганидек, «Ҳамзанинг ўлимидан мутаассиб руҳонийлар ва золим бойлардан бошқа кучлар ҳам манфаатдор бўлганга ўхшайди.» Бу манфаатдорлик операцияси 1929 йилнинг 18 марта амалга оширилди.

Кейинги йилларда Ҳамза Ҳакимзода ҳалокатининг тафсилотлари тўғрисида янги маълумотлар топилди ва эълон қилинди. Мустақиллик шарофати билан 70 йил мобайнида сир тутилган суд материалларини ўрганиш оқибатида унинг шайхлар томонидан тошбўрон қилинмаганлиги аниқланди. Фарғоналик ҳуқуқшунос Манноп Шералиев «анча йиллардан буён Шоҳимардонда яшаб, у ердаги кексалар билан сухбатлашувлар, айрим архив ҳужжатлари билан танишиш жараёнида Ҳамза Ҳакимзода ҳалокатининг сабабларини очишга, бу сирли ўлим юзасидаги пардан кўтаришга» мувваффақ бўлди. Унинг ёзишича, «Ҳамзани икки киши – Болта ўғри ва Ёдгор ўғри ўлдирган. Қотилликка майший асосда келиб чиққан тўқнашув сабаб бўлган.» Бундан совет ҳукумати усталик билан фойдаланиб, динимизни таъқиқлаш, руҳоний уламоларни йўқ қилиш, халқни қўрқитиб олиш мақсадида фойдаланган.

Қатағонга асос ҳам етарли эди. Маълум бўлишича, Ҳамза ўлдирилишидан бир неча ой муқаддам бир гурӯҳ уламолар Ўзбекистон республикаси Марказий Ижроия қўмитасининг раиси Йўлдош Охунбобоев номига ариза ёзил, Ҳамзанинг Шоҳимардонда

амалга ошираётган айрим ишлари ва хулқи қишлоқ аҳолисини норози қилаётганини, уни эҳтиёт қилиш учун Шоҳимардондан чақириб олиш кераклигини илтимос қилган эдилар. Айнан шу мактуб Ҳамзага уюштирилган сүйқасдга далил бўлиб хизмат қилди ва 60 киши қамоқقا олинди. 5 киши отувга, қолганлари турли муддатли сургунга ҳукм қилинди. Ҳақиқий қотиллар эса бир четда қолиб кетаверди.

Лекин жисман тупроқда ётган шоир ва драматург ўз асарлари билан айни кунларда ҳам барҳаёт. Чунки ҳақиқий ижодкорга ўлим йўқ.

### АДАБИЁТЛАР:

1. С. Мамажонов. Барҳаёт Ҳамза. Т., «Фан», 1991.
2. Б. Қосимов, Ш.Юсупов, У.Долимов ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Дарслик. Т., «Маънавият», 2004.
3. Л. Қаюмов. Биз билмаган Ҳамза. «ЎЗАС», 29.XII. 1999.
- 4.Х.Х.Ниёзий. Муқаммал асарлар тўплами. 5 жилдлик. Т., «Фан», 1988-1989.
5. М. Шералиев. Шоҳимардон ҳақида ўйлар. «Фарғона» нашриёти,1993.

## **НУРГА ЙЎГРИЛГАН ИЖОД**

**Дарс режаси:**

1. Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли.
2. «Ўтган кунлар» ва адабий танқидчилик.
3. Адаб насрининг сеҳри.
4. Хулосалар.

Дунёда шундай адиблар борки, уларнинг асарларини қайта-қайта мутолаа қилинг, ундан завқлангинг келаверади. Бундай мутолаа ҳорғин танангга ором, тушкун кайфиятингга кўтаринкилиқ, ғамгин руҳиятингга бардамлик бағишлайди. Ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий ана шундай санъаткорлар сирасидан. Унинг нақадар сеҳрли нутқи, назокатли тасвири, ҳароратли иборалари, латиф оҳангি, тенгсиз гўзал образлари бутун борлиғимизни мафтун қилиб, унга оромбахш илиқлиқ, туганмас ҳаяжон олиб киради. Абдулла Қодирий ўзининг нурга йўғрилган беғубор ва тароватли ижоди билан бутун ўзбек адабиётини ўтган асрнинг биринчи чорагидаёқ юқори босқичга кўтарди. Адаб ана шу юксак чўққидан туриб, бугунги авлодларининг миллат тақдирига, унинг шаффоғ кўзгуси ҳисобланган адабиётига, бадииятга нечоғлик содик эканлигини ва шу билан ўзининг абадиятга дахлдорлигини қай даражада муҳрлаб қўяётганлигини кузатиб тургандек.

Ана шундай юксак истеъод соҳиби Абдулла Қодирий ўзининг ёзишича, «мустабид Николайнинг таҳтга ўтирган йилида камбағал, боғбонлик билан кун кечирувчи бир оиласда туғилган.» Бу сана тарихий фактларга кўра 1894 йилга тўғри келади. Таваллуд топган куни, ойи тўғрисида эса адабнинг ўзи ўғли Ҳабибуллога «Ўрик гулида туғилганман. Таҳминан 10 апрелда бўлса керак» деган экан. Гарчи ўриклар 10 апрелгача гулини мутлақ тўкиб, довуччаси маккажўхоридек бўлиб қолса-да, биз, муҳлислари, ростгўй адабимизга ишонамиз. Чунки Абдулла Қодирий ҳеч қачон ёлғон гапирмаган. Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ростгўйлик билан яшади, ёзди. Умрининг охирида ҳам ростгўйлик билан кўксини ўқча тутиб берди. Шу боисдан 10 апрель XX аср ўзбек адабиётига ўрик гулларидек ранг-баранг, мафтункор, сеҳрли, аммо умри боқий санъаткорни тухфа қилган кун сифатида қадрлидир. Яна бир ўхщашиблик қишини ҳайратга солади. Одатда яхши ўрик гулларига асаларилар кўп

ёпишиб нектар йигадилар. Эҳтимол, Абдулла Қодирийнинг асарларидан ҳам ўқувчилар шундай ҳаловат топарлар?

Абдулла Қодирий аввал эскича усуладаги диний мактабда, кейинроқ эса хизматини қилиб юрган саҳоватли бойнинг ёрдами билан рус-тузем мактабида таълим олди. XX аср бошларида «бозор воситаси билан татарларда чиқатурган газеталарни ўқуб», дунёқараши бирмунча кенгайди, ўзида ҳам шу газеталарга «гап ёзиг юриш фикри ййғонди.» Шундай қилиб, ёш Абдуллада ижод қилишга ихлос пайдо бўлди. Абдулла Қодирий «чин мусанниф»ликни орзу қилиб юрган дастлабки пайтларда шеърлар ёзди. Кейин ҳангомалар, ҳикоялар ёзишга киришди. Ёзганлари астасекин баъзи газета ва журнallарда босилиб чиқа бошлади. Қодирий ўз шеърларида миллатга мурожаат қилиб, бу қолоқ ва қоронги турмушдан ҳалос бўлиш ҳақида фикр юритишга, ўзининг оғир аҳволига разм солишга чақирди. Шоирнинг «Аҳволимиз», «Миллатимга бир қарор», «Фикр айлагил» каби шеърларида ана шундай фоя илгари сурилади.

Бора-бора Абдулла Қодирий юрагидаги гапларни бошқа жанрлар воситасида айтишга эҳтиёж сеза бошлади. 1914 йилда дастлаб «Бахтсиз куёв» деб номланган саҳна асарини, кейин оз фурсатда «Жувонбоз» отлиф «рўмончани ёзиг, ношир топилмоғонидан ўзи нашр қилиб» юборди ва энди «чин мусанниф»лар қаторига кирди. Драмада ҳам, насрый асарида ҳам адид даврнинг энг муҳим масаласи – илмсизлик охир оқибаттага фожиага олиб келиши аниқлигини кўтарган. Туркистон майшатидан олинган тўрт пардалиқ «Бахтсиз куёв» фожиасида Қодирий Абдулраҳим ва Файзибойларнинг жоҳиллиги оқибатида ёш куёв-келинлар – Солиҳ ҳамда Раҳималарнинг бир гули ҳам очилмай хазон бўлишини тасвиirlайди. Кўрпасига қараб оёқ узатмаган амаки ва қайноталар ўз фарзандларини орзу-ҳаваслари йўлида қурбон қиласидар. «Жувонбоз»да эса мадраса таълименинг издан чиққанлиги, илм олиш ўрнига ахлоқий бузуқлик, майшатбозлик, қотишлиқ авж олганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Хуллас, мазкур илк асарларида ёқ муаллиф жадид замондошлари сингари миллатнинг фафлатда, жаҳолатда қолишининг туб сабабларини очиб ташлаб, ҳалқини ўйғотишга ҳаракат қилди. Замонасининг аччиқ қисматини акс эттирган бу фоялар адиднинг кейинги асарларида кун тартибига янада кенгроқ ва кескинроқ қўйила бошланди.

Абдулла Қодирий ҳам ўз ҳаммаслаклари Фитрат, Ҳамза, Чўлпон каби октябрь инқилобини хурсандчилик билан кутиб олди,

умидлари амалга ошажагини истаб, унинг хизматига астойдил бел боғлади. Лекин тез фурсатда ниятлари пуч эканлигини, большевиклар сиёсати ҳам, улар қурмоқчи бўлган социалистик тузум ҳам ҳақиқат эмаслигини англаб етди. Шундан сўнг ижоднинг турли шакл ҳамда усуслари орқали унинг иллатларини фош этишга киришди. Бу жиҳатдан адабнинг «Калвак махзумнинг хотира дафтиридан», «Тошпўлат тажанг нима дейди?», «Отам ва большевик» сингари асарлари ибратлидир. Уларда характер кулгиси воситасида ҳаётда рўй берәётган қусурлар аччиқ кулгу остига олинади. Айниқса, ҳақгўй ёзувчининг «Муштум» журналида кетмакет босилган «Москов ҳатлари» туркуми, «Йигинди гаплар» сарлавҳали публицистик мақоласи катта шов-шувга сабаб бўлди. Уларда айтилган очиқ ва аччиқ гапларни ҳазм қилолмаган ҳукумат Абдулла Қодирийни қамоқда ҳам олди. Яхшики, ўзимизнинг «уста Йўлдош» билан «Акмалча»лар (Қодирий иборалари) бағри кенг раҳбарлар экан, биринчи сафар кечиришди.

Абдулла Қодирий бундай аччиқ гапларни ошкора айтиш йўли билан мақсадга эришиб бўлмаслигини англади. Шундан сўнг Шўроларнинг зиёни томонларини оммага бадиий образлар орқали тушунтириш ниятида роман ёзишга киришди. Бунинг учун «мавзууни мозийдан, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлмиш кейинги хон замонларидан» танлади. Дарвоҷе, бу ният замирида ҳам адабнинг эзгу бир тиласи яширганини сезиш қийин эмас: кейинги хон замонлари ўша давр китобхонига хийла таниш эди. Ўзаро келишмовчилик, бепарволик, жоҳиллик, зулм азал-азалда бўлгани каби «шу замоннинг «Тоҳири Зуҳро»лари, «Фарҳоду Ширин»лари» бошига не-не кулфатлар ёфдираётганлигини, тузум оғизда эмас, амалда инсонпарвар бўлмагунча фуқаро ўзининг энг кичик ниятига ҳам етолмаслигини айтмоқчи бўлди. Ёзувчининг буюк Шарқ адабиёти хазинасидан тўплаган тажрибалари асосида ҳавас ва ҳафсалга билан ёзилган бу роман тез орада ўқувчиларнинг севимли мулкига айланиб қолди.

Аслида 1919 йилда ёзик тугалланган бу асарнинг биринчи бўлими 1922 йилда «Инқилоб» журналида, икки бўлимдан иборат илк нашри 1925 йилда ва уч бўлимдан иборат мукаммал китоб 1926 йилда босилиб чиқди. Муаллифнинг ёзишича, бу асар «дунёга келиши биланоқ бахтсизликка учрай бошлаган, беш йиллаб босила олмай ёт»ган бўлса, дунё юзини кўргандан кейин ундан-да каттароқ бахтсизликка учради. Китоб чиққан кунидан бошлаб танқид қамчиси остида аёвсиз саваланди, турли «айб»лар билан

камситилди. Охири роман муаллифи отиб ташланди, асарнинг ўзи йифиштириб олинниб ёқиб юборилди.

«Ўтган кунлар» романи адид ҳаётлик даврида икки марта нашр этилди. Эски ўзбек ёзувидағи нашридан (1926) сўнг 1933 йили лотин ёзувида босилиб чиқди. Бу иккала китоб А.Қодирий ўз қўли билан таҳрир қилган мўътабар нашрлардир. Ёзувчи қатағон қилингандан кейин унинг асарлари ҳам чорак аср мобайнида ёруғлик юзини кўрмади. Фақат Қодирий оқдангандан кейин 1958 йилда С.Азимов таҳририда бироз қисқартирилган ҳолда чоп этилди. Халқ Кумушбибининг китобини шу қадар соғиниб қолган эканки, кейинги ҳар тўрт-беш йилда катта тиражда қайта-қайта нашр қилина бошланди. Чунки «Ўтган кунлар» ўзбек халқининг биринчи муҳаббати эди. Биринчи муҳаббат эса унтилмасдир.

Шуниси диққатга сазоворки, ўтган асрнинг 30-йилларида ўзбек адабий танқидчилиги бу романни турли йўллар билан ёмон отлиқча чиқараётган бир пайтда озарбайжонлик қардошларимиз ўз тилларига ўгиришиб, адабиётшунослар Абдуллоҳ Қамчинбой ва Холид Сайдларнинг сўзбошиси билан катта нусхада босиб чиқардилар. Сўзбоши ниҳоятда меҳр билан ёзилган. Муаллифлар қардошларини «Ўзбек адабиёти тарихида ҳам биринчи ўлароқ тарихий бир роман ёзилиши» билан чин дилдан табриклайдилар, ўзбек адабиётига реалистик элементлар шу роман орқали киришига ишонч билдирадилар. Айни чоғда улар «Бу роман Ўзбекистонда ҳар бир саводли ватандош томонидан севилиб-севилиб» ўқилаётганлигига ҳавас қиласидилар. Албатта, озарбайжонлик биродарларимизнинг бу ҳурмат ва эътиборлари замирида катта ҳақиқат бор.

Чиндан ҳам Абдулла Қодирий ўзининг «Ўтган кунлар»и билан ўзбек романчилик мактабига асос солди. Гарчи унгача ҳам ўзбек адабиётида Ҳамза Ҳакимзода, Мирмуҳсин Шермуҳамедов кабилар томонидан «роман» ёзилган бўлса-да, «Ўтган кунлар» бу жанр талабларига тўла жавоб бера оладиган роман сифатида машхур бўлди. Асар муаллифига нечоғлик шуҳрат келтирган бўлса, Абдулла Қодирийнинг ўзи бу романни билан ўзбек адабиётини жаҳон миёёсида тан олинишига шу қадар сабабчи бўлди. Боиси, ўзбек реалистик насрининг чин маънода шаклланиши, унинг анъанавий баёндан жонли ва ҳаётий тасвирга ўтиши, ўзбек адабий тилининг мўътадиллашуви, энг аввало, Қодирий номи билан боғлангандир. Устоз Ойбек хассослик билан қайд этганидек, «Ўзбек бадиий прозаси «Ўтган кунлар» романида қуйила ва шаклана бошлади.

Бу эски поэтик воситалар системаси, эски китобларнинг «алқисса» услуби тузилишларини бузган, турмушга яқин, уни ҳаётий жиҳатдан аниқ кўрсатувчи бир прозадир».

Ёзувчининг романига танлаган мавзу моҳиятидан келиб чиқиб, унинг марказига қўйилган муаммони қўйидагича белгилаш мумкин:

1. Оила ва муҳаббатда эркинлик.
2. Мамлакатнинг миллий тақдири.

Ҳар иккала муаммо ҳам асарда бир-бири билан узвий боғланиб кетади ва бирини иккинчисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Романдаги барча қаҳрамонларнинг тақдири охир оқибатда ана шу муаммолар ечимиға бориб тақалади. Ёзувчининг уқтиришича, мамлакатда тенглик ва эркинликка эришмай туриб, унда яшаётган бирон бир фуқаронинг шахсий баҳти ва эркинлиги тўғрисида гал ҳам бўлиши мумкин эмас. Тенгсизлик асосига қурилган жамиятда тутган мавқеи ва эгаллаган мансабидан қатъий назар ҳар қандай шахс (масалан, Юсуфбек ҳожи) ўйиндан чиқариб юборилади ёки ўлимга маҳкум этилади. Бинобарин, Отабекнинг баҳтсизлиги фақат урф-одатларнинг нобоплиги натижасигина эмас, балки ана шу урф-одатларнинг устувор қонун даражасига айланишига шароит яратган ижтимоий бошқарувдадир. Бундай муҳитда уларга қарши курашувчи кишилар сўзсиз, фожиага учрайди. «Ўтган кунлар» романининг замонавий руҳи, энг аввало, мана шу ҳақиқатдадир.

Абдулла Қодирийнинг иккинчи романи «Мехробдан чаён» мавзуси ва муаммоси жиҳатдан «Ўтган кунлар»нинг мантиқий давомидир. Бироқ унинг тасвир йўсини, бадиий услуби тубдан фарқ қиласи. Гарчи бу асар қисқа мuddатда икки марта нашр этилган бўлса-да, ўқувчилар томонидан «Ўтган кунлар»чалик қабул қилинмади. Чунки бу романда адаб хийла эҳтиёткорлик билан қалам тебратишга мажбур бўлди. Бунинг сабаблари менимча, қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, ўша давр адабий танқидчилигининг «Ўтган кунлар» романи устидан чиқарган асоссиз ҳукми, қаҳрамон танлашда муаллиф дунёқарашининг чекланганлиги ҳақидаги ёзувчига қўйилган айблар Абдулла Қодирийни бироз «чўчитиб» қўйган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам адаб бу романнда «Ўтган кунлар»дагидек тайёр шаклланган қаҳрамонларни олмайди. Балки ҳар бир персонажнинг ижтимоий келиб чиқишига мурожаат қиласи. Бундай экскурсия характернинг динамикасини таъминлашдан ҳам кўра кўпроқ баёнчиликнинг устун бўлишига олиб келган. Иккинчидан, айрим қаҳрамонларнинг таржимай ҳолини батафсил

ифодалашга берилиб кетиш асар конфликтининг маълум даражада сусайишига ҳам олиб келгандек таассурот қолади. Бу ерда Анвар ва Абдураҳмон домланинг ёшлигини алоҳида бобларда тасвирилаш ниҳоятда ўринли ҳамда зарурлигини таъкидлаган ҳолда Солиҳ маҳдум, унинг онаси, шунингдек, «Қизиқлар», «Ҳарам» каби бобларда ортиқча тафсилотлар мавжудлигини айтиш ўринлидир.

Айрим ҳодисаларни баён қилишда муаллиф санъаткордан кўра кўпроқ тарихнавис қиёфасида намоён бўлади. Бироқ буларнинг барчаси Анвар ва Раъноларнинг пок севгиси ва ўз қадр-қимматини тиклаш йўлидаги курашларига мафтун бўлган ўқувчига сезилмай ўтиб кетади. Адид бу романида айниқса, оддий халқ вакиллари образини ниҳоятда самимият билан тасвирлайди ва улар қиёфасида китобхон оммаси ўзига ўхшаган «камбағалларнинг хонлик тузилишига, қора куч – уламо алайҳига қарши чиқиши»ни ёқтириб қолади. Ушбу романида адид қаҳрамонлар қиёфаси ва ўзига хос табиитини кўпроқ деталлар воситасида очишга эришади. Бу жиҳатдан айниқса, Абдураҳмон домла, Солиҳ маҳдум, шунингдек, Раъно, Сафар бўзчи тимсоллари ибратлидир. Уларнинг ташқи қиёфасидан тортиб ички дунёсини акс эттиришгача деталлар муҳим ўрин тутади.

Замонавий мавзуда ёзилган «Обид кетмон» қиссаси ёзувчининг тарихий романлари сингари шуҳрат тополмади. Бунинг туб сабабларидан бири ҳаёт билан бадиий ҳақиқатнинг мос келмаслиги бўлса керак. Негаки, Абдулла Қодирийнинг қишлоқларга чиқиб, деҳқонлар ҳаёти, руҳиятини ўрганиши жараёнида кўрганлари билан большевиклар партиясининг адабиёт олдига кўяётган талаблари орасида катта тафовутлар бор эди. Мабодо, ўзининг кўрган-билганларини ёсса, асари босилмаслигига, ўзининг ҳам маъмурий жазо олишига ақли етди. Партиянинг кўрсатмаси бўйича ёзай деса, адабиётга, ҳаётийликка, ҳақиқатга хиёнат қилаётгандек ҳис этди. Икки ўт орасида қолган адид Обид кетмон образини яратишда «сих ҳам, кабоб ҳам» куймаслиги йўлини таnlаган. Зийрак ўқувчи баённинг матности мазмунидан буни илғаб олиши қийин эмас. Бинобарин, «Обид кетмон» ҳақиқати» яна нималардан иборат эканлигини таникли адабиётшунос У.Норматов жуда яхши очиб берган.

Хуллас, Абдулла Қодирий йиллар, асрлар ўтган сари қадри ва қиммати ошиб бораверадиган ноёб хазинадир. Ундан ҳар ким ўз насибаси ва эҳтиёжига яраша ризқини ушатиб олаверади. Бундан

эса хазинанинг бойлиги асло камайиб қолмайди, билъакс, кўпаяди холос. Шоир айтганидек:

Азалий ҳақ гапни яширмоқ нечун,  
Завол йўқ энг асл истеъдод учун.  
Агарда коинот тегирмон бўлиб,  
Оламни янчса ҳам қолгай у бутун.  
(Абдулла Орипов).

### АДАБИЁТЛАР:

1. Адабиёт, бадиият, абадият. Хотиралар, бадиалар, мақолалар. Нашрга тайёрловчи Хондамир Қодирий. Т., «Янги аср авлоди», 2004.
2. Норматов У. «Ўтган кунлар» ҳайрати. Т., «Ўқитувчи», 1996.
3. Б. Қосимов, Ш.Юсупов, У.Долимов ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Дарслик. Т., «Маънавият», 2004.
4. Қўшжонов М. Абдулла Қодирий – эрк қурбони. Т., 1993.
5. А. Қодирий. Ўтган кунлар. Меҳробдан чаён. Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашириёти, 1992.

## ЮЛДУЗЛАРГА ОШНО ҚАЛБ

Дарс режаси:

1. Чўлпоннинг адабий мероси.
2. Чўлпон лирикасида эрк мавзуси.
3. Чўлпон насли таҳлили.
4. Чўлпон – драматург.

Чўлпон деганда кўз олдимизда тиниқ ва мусаффо осмонда энг ёрқин нур сочаётган йирик юлдуз намоён бўлади. Чўлпон номини эслаганимизда хаёлимизда адабиёт дунёсининг сўнмас ва йил сайин қалбимизга илиқлиқ, тароват, кўзимизга нур, онгимизга тиниқлик баҳш этаётган, ҳузуримизга тобора яқинлашиб келаётган тонг юлдузидек шоир сиймоси жонланади. Биз ана шу барҳаёт юлдуз – XX аср ўзбек адабиёти тонгининг Чўлпони тўғрисида сұхбатлашамиз.

Андижонлик ҳунарманд Сулаймон мулла Муҳаммад Юнус ўғли оиласида 1897 йили дўмбоққина гўдак дунёга келди. Унга яхши ният билан Абдулҳамид деб исм кўйдилар. Отаси дурустгина саводли, шоиртабиат (Сулаймонқул «Расво» деган тахаллус билан фазаллар битган, ҳатто девон ҳам тузган эди) одам бўлганлигидан ўғлининг тарбиясига алоҳида эътибор берди. Аввал маҳалласидаги мактабда, кейин Андижон ва Тошкент шаҳарларидағи мадрасаларда ўқитди. Замона зайди билан Андижонда очилган рус-тузем мактабида ҳам таълим олди. Натижада Абдулҳамид ёшлигиданоқ араб, форс, тожик, турк ва рус тилларини пухта ўрганди, бадиий адабиётга ихлоси ортди. 16-17 ёшлиридаёқ ҳар томонлама чукур билимли, илғор фикрли зиёли киши бўлиб етишди.

Чўлпоннинг ижтимоий-сиёсий фаолияти асосан октябрь инқилобидан кейин бошланган. У инқилобни навқирон 20 ёшида кутиб олди. Бу пайтгача Туркистонда машҳур бўлган Беҳбудий, Азизий, Авлоний, Мунаввар қори, Фитрат асарлари ҳамда қарашлари билан танишиб, ўша пайтда кўплаб чиқаётган газета-журналларни мутолаа қилиб, маърифатпарварлик ҳаракатига ихлос кўйди. Октябрь тўнтириши ўзининг алвон рангли шиорлари билан ёш Чўлпонни ҳам мафтун этди ва у бу йўлда астойдил бел боғлаб хизматга киришди. Дастлаб «Иштирокиён», «ТуркРОСТА», «Қизил байроқ», «Туркистон», «Бухоро ахбори» газеталарида адабий ходим, бўлим мудири, масъул муҳаррир лавозимларида ишлади. 1924-1927 йилларда Москвада ташкил этилган ўзбек

драмстудиясида ўзбек тили ва адабиётидан ўқитувчилик ҳамда таржимонлик қилди. Тошкентга қайтиб, театрларда адабий эмакдош, «Муштум» журналида ходим ва маориф соҳасида ўқитувчи бўлиб ишлади. XX асрнинг 30-йилларига келиб Чўлпоннинг бошида қора булутлар қуюқлашди, кетма-кет унинг ижодий ва ижтимоий фаолиятини муҳокама қилишлар, матбуотда атайлаб дўппослашлар, йиғилишларда очиқ камситишлар бошланди. Охири 1937 йилнинг 13 июняда НКВД ходимлари томонидан қамоқقا олинниб, 1938 йилнинг 4 октябрь куни отиб ташланди.

Тоталитар тузум XX аср ўзбек адабиётининг тонгида пайдо бўлган энг йирик ҳамда илиқ нурли юлдузлардан бирини маҳв этмоқчи, халқни унинг ҳароратидан маҳрум қилмоқчи бўлди. Аммо ҳукумат бу фализ ниятига етолмади. Чунки Чўлпон юлдузи сўнмаган эди, сўниши мумкин ҳам эмасди. Аксинча, у юрт осмонининг энг четида туриб ҳам халқи қалбига илиқлик, ҳарорат, тароват ва покиза туйгулар бағишлиша давом этди. Айниқса, шу кунларда янада равшанроқ, янада илиқроқ зиё таратмоқда.

Абдулҳамид Сулаймон ўғлиниң ижоди 1913-1914 йиллардан бошланган. Унинг ilk асарлари «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона», «Самарқанд» газеталари, «Ойина», «Шўро» каби журналларда босилиб турган. Дастлаб ўзини «Қаландар» деб танитган шоир кейинроқ «Чўлпон» тахаллусини танлади ва умрининг охиригача шу ном билан ижод қилиб, бутун мамлакатга машҳур бўлди. У ижодини ҳикоя ёзиш билан бошлаган. Ҳозирча «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йил 6-сонида босилган «Курбони жаҳолат» ҳикояси Чўлпон қаламига мансуб бўлган ilk бадиий асар сифатида тан олинган. Яна шу йили Чўлпоннинг «Бой» деб аталган саҳна асари ҳам «Шўро» журналида эълон қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Адибнинг «Курбони жаҳолат» деб номланган биринчи ҳикояси ёқ жадидчилик foяларига ҳамоҳанг равишда маърифий мавзуда яратилган. Унинг ёш қаҳрамони Эшмурод билим олишни, Европа шаҳарларига бориб ўқишини орзу қиласди. Аммо отасининг жоҳиллиги туфайли бу ниятига етолмай ўзини ўзи ҳалок қиласди. Ўша йили ёзилган «Доктор Мұхаммадиёр» деб аталган хаёлий (романтик) ҳикоясида ҳам Туркистон ёшларининг чет элларга бориб ўқиб, элу юртига фойда келтирадиган одамлар бўлиб этишувини орзу қиласди.

Чўлпон кўпроқ шеъриятда ижод қилди ва бу борада ўзбек шеъриятининг қадди-бастини янада юксакликка кўтарган, унга янгича шакл ва мазмун, янгича оҳанг ҳамда либос кийдирган шоир сифатида машҳур бўлди. Чўлпоннинг биринчи шеърлар тўплами «Ўйғониш» 1922 йилда босилган. Шундан сўнг бирин-кетин «Булоқлар», «Тонг сирлари», «Соз», «Қора дөглар» каби тўпламлари эълон қилинди. «Жўр» деб аталган шеърий китоби қамалиши муносабати билан дунё юзини кўрмади, изсиз йўқолди.

Чўлпон дастлаб инқилобий ҳодисалардан қувона-қувона шеърлар битди. Уларда миллатини, айниқса, унинг ёш бўғинини ўзлигини тезроқ англашга, халқ манфаатлари йўлида астойдил хизмат қилишга, она Туркистонни гуллатишга чақирди. Шоир ўзининг «Ўзбек ёшларина», «Қизил байрок», «Биринчи май», «Уч йилдирки», «Октябрь қизи» сингари социалистик тузумни тараннум этувчи шеърлари билан замондошлари Авлоний, Айний, Ҳамза, Сўфизодаларга жўровоз бўлди. Айни чоғда Чўлпон Ватан мустақиллиги, миллат ишқи, ўлка равнақи, озодлик дарди билан яшарди. Бора-бора унинг шеърларида ана шу дард оғриқлари, оҳанглари қалқиб чиқа бошлади.

Чўлпоннинг «Халқ», «Гўзал», «Кўнгил», «Куз», «Бинафша», «Бузилган ўлкага», «Мен ва бошқалар», «Қўзғолиш», «Алданиш», «Эркинлик истаги» сингари ўнлаб шеърларида эрк туйфуси, истиқол умиди ёрқин ифодаланган. Булар орасида айниқса, «Алданиш» ва «Эрк истаги» шеърлари фоят ибратлидир. 1922 йилда ёзилган ҳар иккала шеърнинг сарлавҳасидан ҳам аён бўлиб турибдики, шоир Октябрь тўнтаришининг алдамчи тузогида беш йил жони қийналганлигини англади, унинг барча орзулари сароб бўлиб чиқди:

Мен уни хаёлий, тотли бир севиш,  
Илохий бир муҳаббат, ишқ билан севдим.  
Беш йил, шунинг учун беш йил англайиш,  
Ёниш, куйишларим, оҳ, энди билдим.

Шоир она юртининг бегона қўл тегмаган момиқдек бўйнига истибодод занжирни янада қаттикроқ тортилганлигини англаб етди. Энди:

Эркин кўнглим чидай олмас бу сиқиқ,  
Бу боғланган, бу «эгалик» турмушда

дека ҳайқиради Чўлпон ва бу «тор қафасдан ўзини кутқаргали» уринаётган, интилаётган халқини мустамлака кишанларини

парчалаб ташлаш учун қўзғолишга чақиради. Энди эркинлик истагидан ўлса ҳам қайтмайди:

Эй! Сен мени ҳақир кўрган, тубан деган афанди!  
Кишинларинг занг босгандир, сергак бўлким, узилур.

Томиримда қўзғолишнинг ваҳший қони гупурди,  
Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди.

Ё кетарман ёки сенинг салтанатинг бузилур!  
Эй! Сен мени қул ўрнида ишлатгувчи афанди,  
Титра, кўрқим, боғлиқ қулинг бош кўтарган куч энди!

Йигирманчи йилларда яратган шеърларида Чўлпон мустамлакачилик тимсоли сифатида «кишан» образига кўп мурожаат қиласди. Унинг занг босган халқаларидан азоб чекаётган халқини қўзғолишга чақиради. Санъаткорнинг барча шеърлари, ҳикоя ва мақолалари, роман ҳамда драмалари ўқувчига озодлик туйгуларини сингдиришга бой озуқа бера оладиган асарлардир. Уларни ўрганиш, таҳлил этиш жараёнида ёш авлод онтида мустақил Ватанга чексиз муҳаббат уйғотиш мумкин. Улар мазмунан бир-бирини тўлдиради, бойитади, истиқлол дарди биридан иккинчисига кучайиб боради, озодлик тўлқини пўртанага айланана боради.

Масалан, 1921 йили Бухорода ёзилган (бу пайтда Чўлпон Фитрат таклифи билан «Бухоро ахбори» газетасида масъул муҳаррир бўлиб ишларди) «Куз» шеъри ана шундай изтиробли туйгуларга бойлиги билан ажralиб туради. Сиртдан қараганда шеър табиат тасвирига, куз фаслининг турфа рангларини ифодалашга бағишлилангандек туйилади. Аслида эса мустамлака занжирида азоб чекаётган «оғриқ, мағлуб, тутқун Шарқ»нинг аянчли аҳволи, унинг баҳори тугаб ҳазон фаслини бошидан кечираётгани дард билан изҳор этилади. Мустамлакачи «Фолиб Фарб қонга тўлган қўзлари»ни ўйнатиб турган куз тимсолида намоён бўлади. У шу қадар даҳшатлики, қонга тўлган қўзларини бўрон каби ўйнатиб, қора булутлар тўдасини етаклаб келиб бутун Шарқнинг устига ёпган, «оғу тўлиқ ўқларини» ортган қўшини билан Шарқ ёзининг бағрини жароҳатлайди. Кўкда учайтган қарғалар эса бало-қазодай очкўзлик билан ўлжа излайди.

Кўринадики, шеърда қўлланилган ҳар битта бадиий унсур катта ижтимоий маъно ташийди. Ундаги ҳар бир байт тугал бир манзарадир. Табиатнинг рангин лавҳалари ўқувчи кўз ўнгидагу юқлашиб, ҳаётнинг аниқ суратига айланади ва бу манзара уни даҳшатга солади, қалбида ички бир түғён пайдо қиласди. Кузнинг ўзига хос белгилари, ранглари, кўриниши ҳақида ўқувчилар ва

талабалар билан сұхбат жараёнида аниқ тасаввур ҳосил қилингандан кейин Шарқ, Фарб, Бүрон, Ѓз, Куз, Қарға, Қишлоғи талай рамзий тимсолларнинг ижтимоий маъносини тушуниш хийла осонлашади. Шеърнинг сўнгги икки мисраси жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамият қасб этади. Шоир:

Бутун борлиқ ҷоғи ўчиш олдида,  
Совуқ-қора қишиш кўчиш олдида.

дер экан, истибодд исканжасида сўнгти нафасини олаётган Туркистон Шарқининг эртасидан даҳшатта тушади ва бу қисматдан ўқувчини ҳам огоҳлантиради. Бинобарин, аҳвол шундай давом этаверса, эрта-индин «Совуқ қора қишиш»нинг қаҳратонига бардош беролмай бу юртнинг жон таслим қилиши аниқ. Илоҳим шундай кунлардан ўзи асрасин!

Ахир, бундайин дилрабо, бундайин бебаҳо, юлдуз тушида кўриб ошиғу шайдо бўлган, шамол бир марта кўрибоқ ақлу ҳушини йўқотиб, «тогу тошлар ичра истаб» юрадиган, қуёш эса ўнгидаги кўриб ишқида кўйган «Ойдан-да гўзал, кундан-да гўзал» («Гўзал» мусаддаси) Ватанин ер шарининг қайси нуқтасидан топиб бўлади?! Шунинг учун ҳам уни асраб қолиш шарт. Халқ бунга қодирдир, фақат уни ўз куч-қудратига ишонтира билиш даркор. Чунки:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир. («Халқ»)

Аммо унинг қудратини сўндиримоқдалар, оловига сув пуркамоқдалар, қулликка, мутеликка ўргатмоқдалар, тақдирга тан беришга мажбур қилмоқдалар. Натижада бу халқ қишиш билан ошно тутинишга кўниятти, исёнкорлик руҳи тобора сўниб боряпти, фарёдни унутмоқда. Шоир уни ҳушёрликка чақириб ҳайқиради:

Кўнгил, сен бунчалар нега  
Кишанлар бирла дўстлашдинг?  
На фарёдинг, на додинг бор,  
Нечун сен мунча сустлашдинг? («Кўнгил»)

Айниқса, ушбу шеърнинг охирги бандига алоҳида урғу бериш лозим бўлади. Бир вақтлар инглиз мустамлакачиларига қарши истиқтол байробини кўтариб чиққан Бенгал шоири Назрул Ислом мазлум халқига «Туғилгансан озод, мангу озод бўлиб қол!» деб мурожаат қилган эди. Бу даъватни қалбига жо қилиб курашга отланган ҳинд халқи охир оқибат юртини босқинчилардан халос этди. Чўлпон ҳам халқ истаги ўлкани озод қилиш эканлигини англааб, унга:

Тириксан, ўлмагансан,  
Сен-да одам, сен-да инсонсан.  
Кишан кийма, бўйин эгма  
Ки, сен ҳам ҳур туғилғонсан!

дэя мурожаат қиласи.

Шоирнинг «Бузилган ўлкага» (1921 йил, Андижон) шеъри ўша даврда ҳам, кейин ҳам катта шов-шувларга сабабчи бўлди. Чўлпоннинг бошига кўп қора кунлар ҳам айнан мана шу шеър туфайли тушди. Чунки унда шоир ўзбек тупроғида рўй берадиган фожиали воқеаларни рўй-рост тасвиrlади. Ўлкада амалга оширилаётган ноҳақликлар, адолатсизликлар, зўравонликлар Чўлпоннинг янги ҳукуматдан куттган умидларини пучга чиқарди. Ҳақсизликка қарши кўтарилиган халқ фарзандлари аёвсиз жазоланди, босмачиликка қарши кураш баҳонасида меҳнаткаш омма бошига не-не қора кунлар солинди. Шоирнинг «Бузилган ўлкага» деб аталган шеъри сарлавҳасидан тортиб охирги мисрасигача мустамлакачиларнинг қабиҳ сиёсатини буюк бир жасорат билан фош этиб ташлайди. Мана бу даҳшатли манзаралар шоир томонидан тўқиб чиқарилган деб бўлмайди:

Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,  
Нега сенинг бошинг узра қуюқ булут кўланка?  
Кўм-кўк, гўзал ўтлоқларинг босилғон,  
Устларида на пода бор, на йилқи,  
Подачилар қайси дорга осилғон?  
От минганда күшлар каби уччувчи,  
Эркин-эркин ҳаволарни куччувчи,  
От чопганда учар қушни туткувчи,  
Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?  
Тоғ эгаси – сор бургутлар қаерда?

Чўлпоннинг «Жаҳон фотихлари чангалида эзилиб ётган Шарқ ўлкаларига багишланади» деб эпиграф кўйилган иккинчи тўплами «Булоқлар»дан жой олган «Бузилган ўлкага» шеъри муаллифнинг ўзи томонидан «достон» деб номланган. Достон тўрт бўлимдан иборат. Тўғри, ҳажми жиҳатдан (ҳаммаси бўлиб 56 мисра) достон деб белгилашга лойиқ бўлмас, аммо унда кўтарилиган муаммо, оҳанг ва ифода шаклининг ўзига хослиги, Туркистон ўлкасида рўй берадиган даҳшатли воқеаларни кенг кўламда ҳаққоний тасвиrlай олиши уни лирик монолог асосига қурилган достон дейишга арзийди. Достоннинг ҳар бир бўлими ўзига хес шакл, ритм ва оҳангга эга. Масалан, биринчи бўлим бошдан охиригача тўла

маънодаги сўроққа, иккинчи бўлим эса савол асосига қурилган мурожаатга таянади. Иккинчи бўлимнинг ҳар бир мисраси «нега?», «нима учун?» деган саволлар билан бошланади. Ўқувчи бу саволларга беихтиёр жавоб излайди. Учинчи, тўртинчи бўлимларда ҳайқириқ, ҷақириқ оҳанглари кучли жаранглайди. 20-30-йиллар матбуотида Чўлпоннинг бу шеърига қарши кўплаб танқидий мақолалар, ундаги ҳақиқатни рад этишга уринувчи жавоб шеърлар ёритилди. Танқидий мақолаларда «Чўлпон бизнинг шоир эмас», у бадбин, «миллатчи», «аксилинқилобчи» шоир дея кескин хуласалар чиқарилган бўлса, жавоб шеърларда Чўлпоннинг ижодкор сифатидаги «калтабинлиги», шаҳар ва қишлоқлардаги бир неча уйнинг вайрон этилганини кўради-ю, аммо шу вайроналар устида барпо этилаётган гигант қурилишларни кўрмайди деган фикр илгари сурилади. Бу жиҳатдан ўз даврининг пролетар шоири Файратийнинг «Тузалган ўлкага» деб номланган жавоб шеъри характерлидир.

Мен бу ерда Чўлпоннинг ҳар бир шеърини батафсил таҳлил этишни вазифам деб билмадим. Зеро, билимдон ва зийрак ўқувчи шоир шеърияти ҳақида кўпроқ, чукурроқ маълумот олишни истаса, О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Б.Назаров, З.Эшонова каби адабиётшуносларнинг рисолаларини топиб мутолаа қиласар. Муҳими, Чўлпоннинг ҳар бир шеъри кишини фикрлашга чорлади, туйгуларини ҷархлайди. Шу боисдан Чўлпон лирикаси тўгрисида ҳар қанча гапирилса ҳам оз. Биз эса шоир шеърияти ҳақидаги мулоҳазаларимизга шу ерда уч нуқта қўйиб, унинг насрый ижоди бўйича қисқача маълумот беришни лозим топдик.

Чўлпон ижоди ҳикоя ёзишдан бошланганлигини юқорида айтиб ўтгандик. Адид «Қурбони жаҳолат»дан кейин «Дўхтур Муҳаммадиёр», «Қор қўйнида лола», «Новвой қиз» каби ўн бешга яқин ҳикоялар ёзган. Бу ҳикояларида асосан маърифатни улуглайди, ҳаётда оддий одамларнинг бошига ёғилаётган жафо аслида илмизлик туфайли эканлигини, шунингдек, аёллар қадрини ўрнига қўйиш жамиятнинг бош мақсади бўлмоғи кераклиги тўгрисидаги масалаларни кўтаради.

Чўлпон прозаси деганда кўз олдимизга энг аввало, унинг «Кечава кундуз» романи келади. Номланишидан ҳам кўриниб турибдики, роман ҳалқимизнинг кечаги ва бугунги кунларини ифодалашга бағишиланган. Роман аслида икки китобга мўлжалланган. Унинг «Кечава кундуз» деб номланган биринчи китоби 1933-34 йилларда ёзиб битирилган, 1936 йилда китоб ҳолида босилиб чиқсан. Биринчи

китобда тасвириланган воқеалар 1910-1916 йиллар оралиғида рўй беради. Унда Биринчи жаҳон уруши арафаси ва уруш давридаги Туркистон халқларининг оғир, аянчли турмуши, миллий уйғониш жараёнининг бошланиши тўғрисида ҳикоя қилинади. Роман ҳали босилиб чиқмасдан туриб ҳукумат қарори билан ўтказилган Ўзбекистон ССР ташкил этилганлигининг ўн йиллигига (1934 йилда) бағишиланган танловда рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлган. Романнинг «Кундуз» деб аталган иккинчи китоби ёзилган бўлса ҳам бизга етиб келмаган.

Ёзувчи романига халқимизнинг «Ҳамал келди – амал келди» деган ҳикматли иборасини эпиграф (бош сўз) қилиб олган. Бу пурҳикмат иборадан муаллиф халқининг уйғониш, ўсиш баҳори, амал олиш фурсати келганлигидан кувонганлигини сезиш мумкин. Чунки адаб «Ҳамал келди» деганда табиий баҳорни эмас, ўша пайтда адабиётда расм бўлган рамзий тимсол – инқилобни назарда тутган. Чўлпон ўз ўқувчиларига она халқининг инқилоб арафасидаги оғир ҳаётини, маҳаллий бой ва амалдорларнинг (Акбарали мингбоши, Эшон бобо каби) чор мустамлакачилари раҳнамолигида (ҳоким тўра, ноиб тўра сингари) ва улар билан ҳамкорликда нечоғлик қабиҳ ишларни амалга оширганликларини, бу зулм ва қабоҳатдан энг аввало бева-бечоралар (Раззоқ сўфи оиласи) азоб чекаётганлигини ҳикоя қилиб беради. Айни пайтда ёзувчи халқ онгининг янгиланиб бораётганлигини кўрсатиб, ўзига тўқ, дунё кўрган, ҳаётнинг паст-баландига ақли етган тоифа орасидан миллатнинг қадрига етгувчи, эртанги куни учун жон куйдиргувчи, унинг ўзлигини англашга ёрдамлашётган миллатпарвар одамлар етишиб чиқаётганлигига ҳам ишора қиласи (Абдусамат мингбоши, Мирёқуб, жадид сингари тимсоллар орқали).

Роман воқеалари Андижонда рўй беради. Ёзувчининг бош мақсади Русиянинг асосий мустамлакасига айланган Туркистоннинг қарамлик кишанларини узишга интилишини, бунга шароит етишаётганлигини кўрсатиш эди. Бу ниятини адаб турли табақадан танлаган кишилар образлари орқали илгари суради. Роман марказида ўта «камгар, индамас, дамини ичига солган, зиқна одам» бўлган Раззоқ сўфи оиласи туради. Воқеалар тизими шу оила ташвишларидан бошланиб, шу оила фожиаси билан якунланади. Ўзининг битта-ю битта, кўзининг оқу-кораси ҳисобланган қизини пири Эшонбобонинг рапъини қайтара олмай Акбарали мингбошининг уч хотини устига беришга мажбур бўлган

Раззоқ сўфининг кўзи қизи бегуноҳ айбланиб, Сибирга сургун қилингандан кейингина очилади. Эътиқоди чилпарчин бўлган Раззоқ сўғи ўз пирининг жонига қасд қиласди. Хотини Курбонбиби бу дард-аламларни кўтара олмай телба бўлиб қолади. Романда айтилмоқчи бўлган асосий гап мана шу. Лекин бутун ҳаётини юртнинг «катта»ларини улуғлашга бахшида қилган, ўзи сифиниб кўл берган Эшон бобосининг ҳар бир калимасини муқаддас деб билган, замонига шак келтирмай «берсанг ейман, урсанг ўламан» деб яшашга кўниккан Раззоқ сўфининг бошига шунча кўргуликларни ким солди?

Бу энди романнинг бош масаласидир. Ана шу фожеалар оқимининг бошида Акбарали мингбоши, Мирёқуб, Ноиб тўра кабилар турадилар. Чўлпон асар воқеалари калавасини бир нуқтага жамлаб, оддий фуқароларнинг бошига ёfilaётган жабру жафоларнинг ягона сабабчиси мустамлакачилик сиёсатидир деган фикрга ишонтиради. Бу фикр айниқса, Зебини суд қилиш лавҳаларида катта маҳорат билан очиб ташланади. Эслайсизми, суд раисидан тортиб тилмочгача бечора Зебунисонинг гуноҳсиз эканлигини биладилар-у, аммо «Ўлдирилган одам Русия давлатига ва подшога садоқати билан танилган одам» бўлганлигидан мингбошини ҳимоя қилган бўлиб, Зебини сургун қиласдилар. Бу билан биз гёй ҳақиқатни рўёбга чиқаряпмиз демоқчи бўладилар, аслида эса халқ оммасини қўрқитиб олмоқчи эдилар. Чўлпон ана шу ҳақиқатга ишора қиласди.

Романнинг бош қаҳрамони адабий жамоатчиликнинг яқдиллик билан таъкидлаганидек, Мирёқуб эпақадир. Бу фикр айниқса, адабиётшунос Д. Куроновнинг «Чўлпон насли поэтикаси» номли монографиясида мукаммал исботлаб берилган. Афсуски, X1 синф учун чиқарилган «Ўзбек адабиёти» мажмуасида Мирёқуб характери билан боғлиқ саҳифалар берилмаган. Бу ўқувчиларнинг Мирёқуб образи ҳамда ёзувчининг асар воқеаларидан кутган гоявий ниятини тўлароқ тасаввур қилишига халақит беради. Шунинг учун ўқитувчи романни тўла ўқиган бўлиши ва адабнинг гоявий ниятлари кўпроқ Мирёқуб характери зиммасига юкланганигини исботлаб бериши лозим. Ана шунда ёзувчининг асосий мақсади ўқувчиларга тўлароқ етиб борган бўларди.

Романда ифодаланишича, Мирёқуб шаҳардаги фоҳишахонада Марям исмли рус қизини учратиб, уни чиндан севиб қолади. Чунки Марям фоҳишиликка мажбуран ёлланган, аслида кўнгли тоза, бундай ҳаёт тарзидан жирканадиган, фоҳишахонани «ифлос муҳит»

деб биладиган аёл эди. Мирёқуб унинг истакларини чин дилдан бажо келтириш учун Москвага бирга жўнайди. Йўлда жадид йигит Шарофиддин Хўжаев билан танишади ва у билан қилинган мароқли сұхбатдан сўнг бутунлай янги дунёга киради. Мана, Мирёқубнинг жадид билан танишиб, у билан бўлган сұхбатдан кейинги дастлабки фикри: «Саволларимнинг жавобини энди топадиганга ўҳшайман. Мен уйкуда эканман, фафлат босган экан бизни. Миллат деган нарсамиз бор экан, биз омилар уни «фуқаро» деб юрганмиз. Бу йигит «миллат» деган вақтида аллақандай ширин эшитилади». Эътибор беринг, муаллиф Мирёқуб нутқида «мен» ва «биз» олмошларини бирин-кетин кўллаш орқали якка шахснинг онгida тубдан ўзгариш рўй бериб, омма билан биргалashiш истаги пайдо бўлганлигига ишора қиласи.

Хуллас, Мирёқубнинг жадид йигитдан олган сабофининг натижаси шу бўлдики, «Бизнинг мамлакатимизга рус ҳукумати бир «мустамлака» деб қарайди. Улардан бизга дўст йўқ. Бизнинг дўстимиз – ўзимиз! Бизнинг дўстимиз – миллат! Улар миллат душмани»дир. Бундан шундай фикрга келиш мумкинки, романнинг иккинчи китобида Мирёқуб бутунлай ўзгача қиёфада намоён бўлса ажабмас. Демак, Чўлпон «Кеча ва қундуз» романидаги ҳам истиқол учун кураш ғоясини илгари суради. Дарҳақиқат, бу роман ўзининг ҳам ғоявий, ҳам бадиий юксаклиги билан адабиётимиз хазинасидаги «Ўтган қунлар», «Мехробдан чаён» сингари такрорланмас бебаҳо ёдгорликлардан кейин дунёга келган ўзбек романчилик мактабининг энг гўзал ва мукаммал обидаси бўлиб қолди.

Чўлпон ўзбек адабиётида фақат лирик шоир ҳамда моҳир ёзувчи сифатидагина эмас, балки истеъодли драматург сифатида ҳам шухрат қозонган. Унинг «Халил фаранг», «Ёрқиной», «Замона хотуни», «Ўртоқ Қаршибоев» каби драмалари бу жанрнинг яхши намуналари саналади. «Ёрқиной» драмаси мактаб ўқувчилариiga мустақил ўқиши учун тавсия этилган. Бу драма 20-30-йилар оралиғида уч маротаба саҳналаштирилган ва Чўлпон ҳар сафар асарини мукаммалаштира борган. Гап шундаки, Чўлпон бу пайтда Европа драматургиясининг сирларини анча пухта ўзлаштирган, Шекспир, Лопе де Вега, Мольер, Карло Гоцци, Горький сингари буюк санъаткорларнинг драмаларини ўзбек тилига муваффақият билан таржима қилганди. Бу ижодий ўрганишнинг ижобий таъсири унинг асарларини мукаммаллик босқичига кўтарди.

«Ёрқиной» драмасининг воқелиги ҳалқ оғзаки ижодидан униб чиққан. Ўлмас ботир деган саркарданинг хизматкори Пўлат ўз хўжайинининг қизи Ёрқиной билан севишиб қолади. Улар бу севги йўлидаги тўсиқларни мардана енгиб, мурод-мақсадларига етадилар. Аммо бу осонликча рўй бермайди, севги учун кураш бора-бора ор-номус, инсон шаъни, оила номуси учун кураш нуқтасига кўтарилади ва эзгулик голиб чиқади.

Шу пайтгача Чўлпон драмалари қаторида «Муштумзўр» деган асари ҳам тилга олинарди. Матъум бўлишича, бу асар аслида «Замона хотуни» драмасининг саҳна варианти экан. Эътиқодли адаби М.Муҳамедов (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!)нинг архивидан топилган «Замона хотуни» драмаси 20-йиллар охирида улкан санъаткор Маннон Уйғур томонидан «Муштумзўр» номи билан саҳналаштирилган экан. Академик С.Мамажонов бу асарни араб ёзувидан кирилл алфавитига ўгириб, «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилди.

Булар шуни кўрсатадики, улкан санъаткор Чўлпоннинг адабий мероси ҳанузгача тўла жамланган эмас. Ҳали унинг янги асарлари топилишидан умидвормиз.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Н. Каримов. Чўлпон. АҚҲ. Т., «Шарқ» НМК, 2003.
2. О. Шарафиддинов. Чўлпонни англаш. Т., 1994.
3. Б. Қосимов, Ш. Юсупов, У.Долимов ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Дарслик. Т., «Маънавият», 2004.
4. Д. Куронов. Чўлпон насли поэтикаси. Т., «Шарқ» НМК, 2004.
5. Чўлпон. Асарлар. З жилдлик. Т., Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993-1994.

## ХУЛОСА ЎРНИДА

Мана, XX аср ўзбек адабиётининг муҳташам биносини бунёд этиб, унинг бўй-бастини, кўрки ва камолини бутун оламга кўз-кўз қилган саккиз нафар мармар устуни тўғрисида қисқача суҳбатлашдик. Албатта, ушбу мўъжазгина қўлланмада буюк санъаткорлар ижодини ҳар томонлама мукаммал ёритиб беришнинг имкони йўқ. Аслида уларнинг ҳар бир асари бўйича алоҳида-алоҳида йирик тадқиқотлар яратиш мумкин ва зарур. Бизнинг ниятимиз эса Беҳбудий, Авлоний, Фитрат, Ҳамза, Қодирий ва Чўлпон сингари адибларимиз ҳаёти, ижоди тўғрисида устозларимиз О.Шарафиддинов, М.Қўшҷонов, С.Мамажонов, И.Султонов, У.Норматов, Н.Каримов, Б. Қосимов, С.Мирвалиевлар яратган мақолалар ҳамда тадқиқотларга таянган ҳолда уларнинг таржимаи ҳоли ва адабий меросини маълум тартибга солиш, кейинги йилларда аниқланган янги факт, рақам ва маълумотлардан Сизни хабардор қилиш бўлди, холос. Агар ана шу мақсадимизга озми-кўпми эришган бўлсак, бунинг учун Яратганга шукур айтамиз.

Мустақил мамлакатимизда истиқлол мағкурасини шакллантириш, уни ёш авлод онгига сингдиришдек улкан вазифа муҳим бўлиб турган шу кунларда бу адибларнинг ҳаёти ва таҳлил доирасига тортилган асарлари катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Биз ушбу қўлланмамизни тўла маънодаги илмий тадқиқот деб даъво қилиш истагидан йироқмиз. У кўпроқ оммавий характерга эга эканлигини сезгандирсиз. Бунинг сабаби оддий: токи, мазкур китобчани мутолаа қилгач, Сизда ўша асарларни ўқиш иштиёқи уйғонсин! Ниятимиз рўёбга чиққан бўлса, ажабмас.

Бундан ташқари, биз умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ҳамда олий ўқув юртларининг филология факультети бакалавр мутахассислиги учун чиқарилган дастурлардан ўрин олган асарларни таҳлил этишга кўпроқ эътибор бердик. Аммо ўқитувчиларга услубий йўл-йўриқ кўрсатишни ҳам ортиқча деб билдик. Негаки, услуб дарс жарабёнида шаклланади. Муаллим фикрини қандай баён қилиш ва тушунтириш йўлини ўзи топиб олар. Муҳими, тушунчага, фикрга эга бўлишдир. Эътибор берган бўлсангиз, биз фикрлашга ҳам ўрин қолдирдик. Зоро, бадиий асарни мутолаа қилган фикрловчи мутахассис ҳали биз айтишга улгурмаган қирраларни ўзи топар деган умидимиз ҳам бор.

Шуниси муҳимки, биз қаламга олган бу адиллар ўзларини шунчаки шоирман деб ҳис қилмадилар. Халқ ҳаётини шунчаки бир четда кузатиб, ўзининг майда, йўл-йўлакай ўткинчи ҳистийгуларини ифодалаш билан банд бўлмадилар. У ҳолда биз бугун уларни эслаб ҳам ўтирасдик. Балки, уларнинг ҳар бири она халқи учун фойдали иш қилишни бурчи деб билди. Шахс, гражданин сифатида ижтимоий ҳаётга фаол аралащдилар. Мактаблар очиб, муаллимлик ҳам қилдилар, дарсликлар ҳам яратдилар. Муҳаррирлик ва нашр ишлари билан ҳам шуғулландилар. Хуллас, ижтимоий-сиёсий ҳаётга аниқ мақсад билан аралащдилар. Азият чексалар-да, камситилсалар-да, таъқиб қилинсалар-да, йўларидан қайтмадилар. Ўз орзу-ниятларининг рӯёбга чиқиши йўлида жон фидо қилдилар. Шунинг учун ҳам уларни ардоқлашга, ҳаёти ва ижодини холисона ўрганишга ҳамиша бурчлимиз.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима -----	3
Ибратли умр -----	6
«Болаларни илмсиз қўйманг»-----	15
Миллатнинг руҳи -----	24
Буюк эътиқод тимсоли -----	31
Истиқлюл дарди -----	39
Ҳақиқат излаган адид -----	49
Нурга йўғрилган ижод -----	56
Юлдузларга ошно қалб -----	63
Хулоса ўрнида -----	74

---

Йўлдош СОЛИЖНОВ

ЗУЛМАТДАН НУР ҚИДИРГАНЛАР

Муҳаррир *A.Ирисбоев*

Бадиий ва техник муҳаррир *P. Исакулов*  
*Мусаҳҳих З. Жалилова*

Босишга рухсат этилди. 14.06.2007 й.

Қофоз бичими 60x84  $\frac{1}{32}$

Босма табоби 4,75. Адади 1000 нусха.

Баҳоси келишилган нарҳда. Бўюртма № 92

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.  
Ташкент, Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 37



606



ISBN 978-9943-06-047

9 789943 060470